

# БАНК МИЖОЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

*Каримов  
Келим*



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги

Баҳодир Солиев, Қиёмиддин Рустамов,  
Улуғбек Мустафоев, Содиржон Усмонов

# БАНК МИЖОЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

(II тўлдирилган нашр)

Иқтисод фанлари доктори,  
профессор Абдурауф Абдуллаевнинг  
умумий таҳрири остида

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма  
сифатида тавсия этилган

ТА  
ТА

ТОШКЕНТ – 2007

**Б.Солиев, Қ.Рустамов, У.Мустафоев, С.Усмонов.**  
**Банк мижозлари фаолиятининг иқтисодий таҳлили.**  
**Т., «Fan va texnologiya», 2007, 176 бет.**

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги энг муҳим соҳалардан бири – бу банк тизимидир. Шу боис банкларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим омили ҳисобланади. Айниқса, банк томонидан мижозлар фаолияти ўз вақтида таҳлил қилиб борилиши, ишни ҳар томонлама пухта ташкил этишга имкон яратади. Муаллифлар тижорат банклари мисолида мижозларнинг ишончли ва молиявий барқарор иш олиб бориши учун нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида фикр юритишади.

Ўқув қўлланма олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, банк ходимлари, банк мижозлари учун мўлжалланган.

*Масъул муҳаррир:* **АШУР ҚОДИРОВ** –  
 иқтисод фанлари доктори,  
 профессор.

*Тақризчилар:* **МАЛИКАХОН ЮСУПОВА** –  
 иқтисод фанлари номзоди;  
**АБДУМАННОБ СОДИҚОВ** –  
 иқтисод фанлари номзоди.

**ISBN 978-9943-10-061-9**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2007.


## СЎЗ БОШИ

Мустақил республикамизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг ҳозирги босқичи тижорат банкларининг роли ва аҳамияти беқиёс ошиб бораётганлиги билан характерланади. Шу сабабли республикамизда кейинги йилларда тижорат банкларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ана шундай эътиборлар жумласига кейинги йилларда бир қатор чоп этилаётган ва тижорат банклари фаолиятининг турли томонларини тадқиқ қилишга бағишланган илмий, ўқув-услубий адабиётлар, монографиялар, рисоалар, мақолалар ва қўлланмаларни кiritиш мумкин.

Қўлингиздаги мазкур ўқув қўлланмаси ҳам тижорат банклари фаолиятини тадқиқ қилишга бағишланган адабиётлар туркумининг давомидир. Қўлланма банklar фаолиятининг энг муҳим қисми бўлган миждозлар билан иш олиб боришнинг иқтисодий таҳлилига бағишланган.

Маълумки, банкларнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан унинг миждозлари таркибига боғлиқ. Одатда, миждозларга қараб, банк фаолиятига баҳо бериш мумкин. Миждознинг ишончли ва молиявий барқарор бўлиши банк фаолиятидаги таваккалчилик хавфини камайтириб, банк томонидан

лишини таъминлайди. Банк



гагина хизмат кўрсатиб қолмайди, албатта. Балки, мижозлар орасида ишлаб чиқаришни нотўғри ташкил қилгани учун молиявий қийинчиликларга дучор бўлганлари, бозор талабини чуқур ўрганмай, пала-партиш иш тутадиганлари ҳам учраб туради.

Мижознинг имкониятларини тўғри аниқлаш, унинг нозик ва кучли томонларини ўз вақтида белгилаб олиш ҳамда энг муҳими уларни молиявий ҳолатини тўғри баҳолаш кредит берувчи муассасанинг энг муҳим вазифасидир.

Ушбу масалани ижобий ҳал этишда мижознинг олинган қарзни ўз вақтида тўлаш қобилиятини ўрганиб, бунда кредит сўраш сабабларини ва уни қайтариб беришга лаёқатини аниқлаб олишга эътибор қаратилади. Мижознинг умумий иқтисодий тавсифлаш, унинг ишлаб чиқаришини таҳлил этиш, техникавий салоҳияти, асосий ва айланма маблағлардан самарали фойдаланишини тадқиқ қилиш, мижознинг молиявий барқарорлигига ишонч ҳосил қилиш ва унинг олган қарзларини тўлаш қобилиятини аниқлаш хусусида муайян хулосага эга бўлиш банклар фаолиятини асосий йўналиши ҳисобланади.

Ўқув қўлланманинг «Банк мижозлар фаолияти молиявий таҳлилининг услубий асослари» бобида мижоз корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда қўлланадиган иқтисодий-молиявий таҳлил турлари атрофлича ёритилган ва уларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар келтирилган. «Банк мижозлари молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими» бобида мижоз молиявий ҳолатини баҳолашда қўлланадиган кўрсаткичлар, уларнинг моҳияти ва ҳисоблаш усуллари ёритилган. «Мижознинг умумий ташкилий-иқтисодий таснифи» бобида банк билан

ҳамкорлик қилмоқчи бўлган миждознинг қандай томонларига эътибор бериш кераклиги ва бунда унинг қайси томонларини тавсифловчи маълумотлар олинishi кераклиги баён қилинган.

«Мижоз мулкнинг ҳолати ва ундан самарали фойдаланиш таҳлили» бобида ривожланиш омилларини баҳолаш, асосий ҳамда айланма маблағлар тузилмаси ва динамикаси тадқиқи баён этилиб, унда фонд маблағларини ишлата билиш ҳамда уни айлантира олишдаги асосий омиллар таҳлили ўз аксини топган. «Молиявий натижалар ва улардан фойдаланиш таҳлили» бобида миждознинг йиллик соф фойдасини шаклланишига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш масалаларига тўхталиб, бунда асосий эътибор маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи фойда ҳамда асосий ва умумхўжалик фаолиятларидан олинган фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишга қаратилган. Шунингдек, ушбу бобда корхона самарадорлигини баҳолаш услуби қисқача баён қилинган.

«Қарз олувчининг молиявий барқарорлиги таҳлили» бобида қарз олувчининг молиявий имкониятлари даражасини баҳолаш кўриб чиқилиб, асосий эътибор молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш ва пул тушумларини аниқлаш усулларини асослаш ҳамда изоҳлашга қаратилади. «Мижознинг тўлов қобилияти (ликвидлиги) ҳамда ҳисоб-китоб интизоми ҳолатини баҳолаш» бобида миждознинг тўлов қобилиятини баҳолаш ҳамда бунга айрим омилларнинг таъсирини, дебитор ва кредитор қарзларини таҳлил этиш усуллари ёритилади. «Қарз олувчининг банк билан ўзаро кредит муносабатлари таҳлили» боби миждозга қарз бериш билан боғлиқ бўлган кредит таваккалчилиги даражасини аниқлаш усулларига

бағишланган. «Мижоз фаолиятини молиявий коэффициентлар орқали баҳолаш» бобида корхона молиявий ҳолатини ифодаловчи молиявий коэффициентлар ёрдамида унинг узоқ ва қисқа муддатли қарзларини тўлаш қобилияти, унинг фаолияти ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда унинг ишчанлик ва бо-зорга доир фаоллик даражаларини баҳолашни амалга ошириш тартиби кўрсатиб ўтилган.

«Мижоз фаолияти таҳлили яқунларини умумлаштириш» бобида ўтказилган иқтисодий таҳлил натижалари бўйича миждоз фаолиятини баҳолаш босқичлари ҳамда миждоз фаолиятини рейтинглаш усуллари баён этилган.

Ўқув қўлланмасида иқтисодий таҳлилнинг гуруҳлаш, қиёслаш, индекс, занжирли боғланиш усуллари-дан, шунингдек, молиявий таҳлилнинг горизонтал, вертикал, тренд ва молиявий коэффициентлар таҳлили усуллари-дан фойдаланиш жонли мисоллар орқали кўрсатилган. Шунингдек, иқтисодий таҳлил яқунларини чиқаришга ҳозирлик кўриш бўйича мисоллар келтирилган.

Ўқув қўлланма иқтисод фанлари доктори, профессор А.Абдуллаевнинг умумий таҳрири остида тайёрланган бўлиб, унинг сўз боши, III, VI боблари иқтисод фанлари доктори А.Абдуллаев, I, II боблари иқтисод фанлари номзоди Б.Солиев, IV, V боблари Қ.Рустамов, VII, VIII боблари У.Мустафоев, IX, X боблари С.Усмоновлар томонидан ёзилган.

## **I. БАНК МИЖОЗЛАР ФАОЛИЯТИ МОЛИЯВИЙ ТАҲЛИЛИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

Корхонанинг молиявий барқарорлиги, кредитга лаёқатлиги ва тўловга қодирлиги ҳақида хулоса қилиш учун молиявий таҳлилни турли усулларидадан фойдаланиб, унинг молиявий ҳисоботлари маълумотлар асосида таҳлил ўтказилади. Молиявий ҳисоботлар асосида корхона молиявий ҳолатини баҳолашда кенг фойдаланадиган таҳлил усулларида қуйидагиларни киритиш мумкин:

➤ ҳисоботларни ўқиш ва абсолют кўрсаткичлар таҳлили;

➤ горизантал таҳлили;

➤ вертикал таҳлили;

➤ тренд таҳлили;

➤ молиявий коэффициентлар таҳлили;


➤ қиёсий таҳлили;

➤ омилли таҳлили.

**Ҳисоботларни ўқиш ва абсолют кўрсаткичлар таҳлили** – бу корхонанинг маблағларини жалб қилишнинг асосий манбалари, уларни сарфлаш йўналишлари, олинган фойданинг манбалари, олинган пул маблағларининг асосий манбалари, қўлланаётган ҳисоб усули ва ундаги ўзгаришлар, корхонанинг ташкилий структураси ҳамда унинг фаолият йўналиши, дивиденд сиёсати ва шунга ўхшашлар ҳақида хулоса қилиш имконини берувчи таҳлилдир.



Корхоналар томонидан тақдим қилинадиган молиявий ахборотлар улардан фойдаланувчиларга мўлжалланган бўлиб, уларни шартли равишда иккита гуруҳга—ички ва ташқи фойдаланувчиларга ажратиш мумкин (1-чизма).



1-чизма. Молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларни туркумланиши.

Молиявий таҳлил кўлами ва чуқурлиги уни қайси субъект томонидан—молиявий ахборотдан ички ёки ташқи фойдаланувчилар томонидан ўтказилишига боғлиқ. Маълумки, ички таҳлил ўтказувчилар учун корхона молиявий фаолияти ҳақидаги ахборотлар чегараланмаган. Улар таҳлил учун зарур бўлган ахборотларни молиявий ҳисоботлардан ҳам, статистик ҳисоботлардан ҳам ва оператив учётдан ҳам олиш имкониятига эга. Лекин, ташқи фойдаланувчилар, шу жумладан, банк ходимлари томонидан ўтказиладиган таҳлил учун молиявий ҳолатни баҳолаш учун зарур бўлган ахборотлар ҳажми чегаралангандир. Чунки улар асосан молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосидагина таҳлил ўтказиш имкониятига эга бўладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банк ходимлари томонидан молиявий ҳолатни баҳолаш учун корхоналар томонидан тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботларнинг ахборотлари деярли етарли ҳисобланади. Таҳлил учун муҳим аҳамиятга эга бўлган молиявий ҳисоботлар ахборотлари сифатига бир қатор талаблар қўйилади, хусусан, улар аҳамиятли, тушунарли, ишончли ва солиштириш имконига эга бўлиши лозим.

<p>Маълумотлар сифати таснифи</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Аҳамиятлилик</li> <li>▪ Тушунарлилик</li> <li>▪ Аниқлик, ишончлилик</li> <li>▪ Солиштириш имкони</li> </ul>
-----------------------------------	--

Банк мижозлари молиявий фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида молиявий ҳисоботларнинг барча

турларидан тўла фойдаланилади. Молиявий ҳисоботларнинг асосий шакллари – бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот ва хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботлар, уларга қилинадиган иловалар, маълумотномалар ва тушунтириш хатлари ҳамда бошқалар таҳлил учун асосий ахборотлар манбаси бўлиб ҳисобланади. Демак, молиявий таҳлилни асосий ахборотлар манбасига қуйидагилар киради:

Молиявий ҳисоботлар шакллари	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ бухгалтерия баланси</li> <li>▪ молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот</li> <li>▪ асосий воситаларни ҳаракати ҳақида ҳисобот</li> <li>▪ пул оқимлари тўғрисида ҳисобот</li> <li>▪ хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот</li> </ul>	<p>1-шакл</p> <p>2-шакл</p> <p>3-шакл</p> <p>4-шакл</p> <p>5-шакл</p>
------------------------------	--	---

Молиявий ҳисоботларни ўқиш уларни таркибий қисмларини ва улар орасидаги боғланишларни ўрганишдан бошланади. Шунинг учун ҳам биз молиявий ҳисоботларни айримлари, хусусан бухгалтерия баланси (1 шакл) ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2 шакл)ларни ўқиш ва таҳлил қилиш услубига қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Бухгалтерия баланси** – бу аниқ вақт (фурсат)га хўжалик воситалари (маблағлари) ва уларнинг манбаларининг қиймати ҳақида маълум тартибда гуруҳланган ва умумлаштирилган маълумотдир. Бухгал-

терия балансининг агрегатлаштирилган кўрсаткичлари бўйича қуйида келтирилган намунавий чизма кўринишида тасвирлаш мумкин (2-чизма).

АКТИВ	ПАССИВ
<p>УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ асосий воситалар;</li> <li>▪ номоддий активлар;</li> <li>▪ капитал қуйилмалар;</li> <li>▪ инвестиция ва қарзлар.</li> </ul>	<p>ХУСУСИЙ КАПИТАЛ:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ низом капитали;</li> <li>▪ қўшилган ва резерв капитали;</li> <li>▪ тақсимланмаган фойда;</li> <li>▪ мақсадли тушум ва фондлар.</li> </ul>
<p>ЖОРИЙ АКТИВЛАР:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ ТМЗ;</li> <li>▪ келгуси давр харажатлари;</li> <li>▪ дебиторлик қарзлари;</li> <li>▪ пул маблағлари;</li> <li>▪ КММК ва бошқа активлар.</li> </ul>	<p>МАЖБУРИЯТЛАР:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ узоқ муддатли мажбуриятлар;</li> <li>▪ қисқа муддатли (жорий) мажбуриятлар.</li> </ul>

2-чизма. Бухгалтерия балансининг намунавий чизмаси.

Бухгалтерия балансининг намунавий чизмасидан кўришиб турибдики, у икки бўлимдан—актив ва пасивлардан ташкил топади. Активларни ҳам ўз навбатида икки қисмга – узоқ муддатли ва жорий активларга ажратиш мумкин. Корхона балансининг иккинчи бўлимида унинг пассивлари келтирилган бўлиб, улар ҳам икки қисмга – хусусий капитали ва мажбуриятларга ажратилган.

Демак, бухгалтерия баланси асосида фикр юри-тадиган бўлсак, корхонанинг молиявий ҳолати—бу корхонага тегишли бўлган иқтисодий ресурсларнинг мавжудлиги ва унга қарама-қарши қўйилган барча капиталдир.

**Иқтисодий ресурслар = Барча капитал**

Бухгалтерия ҳисобида иқтисодий ресурслар активлар деб айтилади. Корхона активлари ўтган хўжалик фаолияти натижасида юзага келган бўлиб, улар корхона томонидан назорат қилинади ва келгусида улардан иқтисодий манфаатлар олиш кутилади. Активлари корхона фаолиятида иштирок этиш ёки хизмат кўрсатиш муддати нуқтаи назардан икки қисмга—узоқ муддатли ва жорий активларга ажратилиши мумкин.



Узоқ муддатли активларга корхона фаолиятида бир йилдан узоқ муддат мобайнида иштирок этадиган — асосий воситалар, номоддий активлар ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар (капитал қўйилмалар, инвестиция ва қарзлар) каби активлар киритилади. Жорий активларга эса, корхона фаолиятида бир йилдан кам бўлган муддат мобайнида иштирок этадиган—товар-моддий захиралари, келгуси давр харажатлари, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари,

қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва бошқа активлар киритилади.

Иқтисодий ресурсларни шаклланиши манбалари сифатида ҳисобга олинувчи корхонанинг барча капитали бухгалтерия ҳисобида пассивлар деб аталади. Корхона пассивларини ҳам икки қисмга—хусусий капитал ва жалб қилинган капитал (кредиторлик қарзлари)га ажратиш мумкин.



Бухгалтерия ҳисобида кредиторлик қарзлари - мажбуриятлар деб аталади. Мажбуриятлар ўтган хўжалик фаолияти натижасида юзага келган, мунозарали (тортишувли) бўлмаган ва тўланиши (бажарилиши) мажбур бўлган, активларни чиқиб кетиши билан боғлиқ қарзлардир. Уларни ҳам тўланиш ёки бажарилиш муддати нуқтаи назардан икки гуруҳга - жорий ва узоқ муддатли қарзларга ажратиш мумкин. Тўланиши ёки бажарилиши жорий йилда амалга оширилиши талаб қилинадиган қарзлар жорий мажбуриятлар деб, жорий йилдан кейинги йилларда амалга оширилиши лозим бўлган қарзлар эса узоқ муддатли мажбуриятлар, деб тавсифланади.

Хусусий капитал (ўз маблағлари манбаи)—мулк эгаларининг эгаллик улуши бўлиб, барча активлардан мажбуриятлар чегирилган қисми, яъни қолдиқ капиталидир. Хусусий капитал корхона мулкни шакллантиришда иштирок этган капитал бўлиб, унинг таркибига устав (низом) капитали, қўшилган капитал,

резерв капитали, тақсимланмаган фойда, мақсадли тушум ва фондлар киради.

Шундай қилиб, бухгалтерия баланси таҳлил килинар экан, унинг маълумотларини иқтисодий мазмуни бўйича учта гуруҳ элементларига—активлар, хусусий капитал ва мажбуриятларга ажратиш мумкин.



Ушбу элементлар орасидаги боғланишни, яъни баланс тенгласини умумий кўринишда қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\text{Активлар} = \text{мажбуриятлар} + \text{хусусий капитал}$$

Корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашда қўлланадиган молиявий ҳисоботларнинг яна бир тури бу молиявий натижалар тўғрисидаги (2 шакл) ҳисоботдир.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — бу корхонанинг маълум бир давр ичидаги даромадлари ва харажатлари, фойда ва зарарларининг умумий ҳажми, унинг шаклланиш тартиби ҳамда ўзгаришларини ифодаловчи маълумотлардир.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий элементлари ва аналитик моддалари умумий кўринишини 3-чизмада келтирилгандек тасвирлаш мумкин.

т/р	Кўрсаткичлар	Даромадлар (фойда)	Харажат- лар (зарар)
1	Сотишдан олинган соф тушум	-	
2	Сотилган маҳсулотлар таннари		-
3	Сотишдан олинган ялпи фойда	-	
4	Бошқа операцион даромадлар	-	
5	Давр харажатлари:		-
	Сотиш харажатлари		-
	Маъмурий харажатлар		-
	Бошқа операцион харажатлар		-
6	Асосий фаолиятдан олинган фойда	-	
7	Молиявий фаолият натижалари	-	-
8	Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда	-	
9	Фавқулотда фойда (зарар)	-	-
10	Солиқ тўлашгача бўлган фойда	-	
11	Фойда (даромад) солиғи		-
12	Соф фойда	-	


**Эслатма:** – белгиси қўйилган каттакчаларда аксарият ҳолларда маълумотлар акс эттирилади.

**3-чизма.** Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг намунавий чизмаси.



Намунавий жадвалдан кўриниб турибдики, корхона томонидан олинган барча асосий турдаги фойда кўрсаткичлари ва уларни шаклланиши ҳисобот маълумотларидан олиниб таҳлил қилиш имкониятлари мавжуд.

Корхона молиявий натижаларни акс эттирувчи ахборотларни тўрта гуруҳ элементларига—даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларга ажратиш мумкин.



Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот элементлари орасидаги боғланишни қуйидаги тенглама ёрдамида ифодалаш мумкин.

$$\text{даромадлар} - \text{харажатлар} = \text{фойда (ёки зарар)}$$

Шундай қилиб, корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш учун асосий маълумотлар манбаи бўлиб Бухгалтерия баланси (асосан) ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (қисман) ҳисобланади, уларнинг элементлари ва моддалари молиявий ҳолатни ўзгаришини ифодаловчи «барометрдир».

Молиявий таҳлил ўтказиш жараёнида молиявий ҳисоботларни очиқ беришлар (тушунтириш хатлари) ҳам алоҳида ўрин тутди. Уларда хўжалик фаолиятларини айрим тавсилотлари, тушунтиришлар, янги маълумотлар ва бошқалар акс эттирилади.

Юқорида келтирилган таҳлилнинг усули – «Ҳисоботларни ўқиш ва абсолют кўрсаткичларни таҳлили» – молиявий ҳолат таҳлилининг дастлабки босқичида амалга оширилади ҳамда корхона молиявий ҳолати ҳақида умумий тушунча олиш имконини беради.



**Молиявий ҳисоботни очиб бериш**

- Тафсилотларини тақдим этиш
- Хўжалик муомалаларини тушунтириш
- Акс этирилмаган моддаларни тушунтириш
- Янги маълумотларни тақдим этиш
- Бошқа тушунтириш хатлари

Молиявий ҳолатни баҳолашда абсолют кўрсаткичлар ниҳоятда муҳим бўлсада, лекин корхона фаолиятига чуқурроқ ва атрофлича баҳо бериш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам абсолют миқдорлар билан бир қаторда нисбий миқдорлар ёрдамида ифодаланувчи кўрсаткичлардан ҳам кенг фойдаланилади. Нисбий миқдорлар ёрдамида корхона молиявий ҳолатини баҳолаш имкониятини берадиган усуллардан бири бу – горизонтал таҳлилдир.

**Горизонтал таҳлил** – ҳисоботларнинг турли моддаларини ўтган йилга ёки йилларга нисбатан абсолют ва нисбий тафовутларини аниқлаш имконини берувчи таҳлилдир.

Горизонтал таҳлил асосида корхона фаолиятини баҳолаш услубини қуйида келтирилган аналитик жадвал кўринишида ифодалаш мумкин (1-жадвал).

SAMARQAND IQTISODIY VA XIZMATLAR INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARK  
№ 454783

**Корхонанинг узоқ муддатли ва жорий активлари  
динамикасининг таҳлили**

т/р	Кўрсаткич-лар	Давр боши-га (0)	Давр охи-рига (1)	Фарқи (+,-)	
				Абсо-лют (Δ)	Нисбий (К)
1	2	3	4	5	6
1	Узоқ муддатли активлар (У)	18188	20151	+1963	+ 10,8
2	Жорий активлар (Ж)	42535	99178	+56643	+ 133,2
	Жами (Б)	60723	119329	+58606	+ 96,5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона активларини ўтган йилга нисбатан ўзгариши абсолют ва нисбий миқдорлар ёрдамида ифодаланмоқда. Узоқ муддатли активларни ўтган йилга таққослаб, ўзгаришини аниқлаш ва абсолют миқдорларда (абсолют фарқини) ифодалаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\Delta = Y_1 - Y_0$$

Узоқ муддатли активларни ўтган йилга нисбатан ўзгаришини (қўшимча ўсиш ёки камайиш суръатини) нисбий миқдорлар ёрдамида (нисбий фарқини) ифодалаш учун эса қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_x = \frac{Y_i - Y_{i-1}}{Y_{i-1}} \cdot 100$$

$$K_x = \frac{\Delta}{Y_{i-1}} \cdot 100$$

Шунингдек, таҳлил қилинаётган кўрсаткичларни нисбий ўзгаришини юқорида келтирилгандек қўшимча ўсиш суръати ( $K_x$ ) кўринишида эмас, балки ўсиш суръати ( $K_y$ ) кўринишида ҳам ифодалаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_x = \frac{Y_1}{Y_0} \cdot 100$$

Формулаларда:  $Y_0$  ва  $Y_1$  – кўрсаткичнинг базис (таянч) ва ҳисобот даври қийматлар;  $Y_i$  ва  $Y_{i-1}$  – кўрсаткичнинг жорий ва ундан олдинги даврдаги даражаси,  $\Delta$  – абсолют қўшимча ўсиш.

Шундай қилиб, горизонтал таҳлил-молиявий ҳисобот элементларининг динамикасини баҳолаш имконини беради. Унинг ёрдамида корхона активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромад ва харажатлари, фойда ва зарарларини ўзгаришидаги маълум тартиб, ўзига хослик ва динамик тенденциялар ўрганилади.

Корхона молиявий ҳолатини баҳолашда динамик ўзгаришлар билан бир қаторда молиявий кўрсаткичларнинг тузилмаси ва ундаги ўзига хосликларни ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Корхона молиявий ҳолатини бу томонларини ўрганишда молиявий таҳлилнинг яна бир усулидан-вертикал таҳлил усулидан фойдаланиш мумкин.

**Вертикал таҳлил** – молиявий ҳисоботларнинг турли модда ва элементларини унинг жами миқдорида тутган ҳиссаси (улуши, қисми)ни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган таҳлилдир.

Вертикал таҳлил асосида корхона фаолиятини баҳолаш услубини қуйида келтирилган аналитик жадвал кўринишида ифодалаш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

**Корхонанинг активлари тузилмасини таҳлили**

т/р	Кўрсаткичлар	Давр бошига	Салмоғи (%)
1	2	3	4
1	Узоқ муддатли активлар (У)	18188	30,0
2	Жорий активлар (Ж)	42535	70,0
	Жами (Б)	60723	100,0

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, корхона узоқ муддатли активлари унинг жами активларида 30 %ни ташкил қилар экан. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун узоқ муддатли активлар суммаси (У)ни жами активлар суммаси (Б)га бўлдиқ ва фоизларда ифодалаш учун 100 га кўпайтирдик, яъни

$$d = \frac{У}{Б} \cdot 100$$

бу ерда,  $d$  – жами активлар таркибида узоқ муддатли активлар салмоғи.

Вертикал таҳлил ёрдамида молиявий ҳисобот моддаларининг таркибий тузилмасидаги ўзгаришни баҳолаш амалга оширилади. Корхона молиявий ҳисоботларида бундай ўзгаришлар мунтазам юз бераётганлигини ва улар корхона молиявий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатаётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, жорий активлар таркибидаги ТМЗ, дебиторлик қарзлари ёки унинг бошқа бир турини ўзгариши, албатта, жорий активлар тузилмасини жиддий ўзгаришига сабаб бўлади. Бу эса корхона молиявий ҳолатини баҳоловчи банк ходими томонидан иккинчи бир хулосани чиқаришга олиб келади.

Кўриниб турибдики, вертикал таҳлил корхона молиявий фаолиятини баҳолашда қўлланадиган муҳим усуллардан бири экан. Шу билан бирга уни корхона молиявий фаолиятини баҳолашда қўлланадиган усуллардан бири сифатида қарашимиз лозим. Чунки, молиявий ҳолатни баҳолашда биргина молиявий ҳисобот элементлари ва моддалари тузилмасини ўрганиш атрофлича хулоса чиқариш имконини бермайди. Бунинг учун эса, ҳисобот маълумотларини ҳам горизонтал, ҳам вертикал таҳлилни биргаликда қўллаш зарурати тугилади. Ана шу тариқа ўтказилган таҳлил тренд таҳлили номини олган.

**Тренд таҳлили** – базис йили деб қабул қилинган йил даражаси ва улушига нисбатан кейинги йилларда ҳисобот кўрсаткичлари даража ва улушларини нисбий ўзгаришлари ҳисоблашга асосланган таҳлилдир. Демак, тренд таҳлилининг асосий мазмуни шундаки, бунда горизонтал ва вертикал таҳлиллар биргаликда ўтказилади ва шу асосда корхона молиявий фаолиятидаги тузилмавий (структуравий) – динамик ўзгариш жараёнлари баҳоланади.

Тренд таҳлили асосида корхона фаолиятини баҳолаш услубини қуйида келтирилган аналитик жадвал кўринишида ифодалаш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

**Корхона активлари динамикаси ва тузилмасидаги ўзгаришлар таҳлили**

Кўрсаткичлар	Суммаси (м.сум)		Салмоғи (%)		Фарқи (+,-)	
	давр бошига	давр охирига	давр бошига	давр охирига	суммада	салмоғида
1	2	3	4	5	6	7
Узоқ муддатли активлар (У)	18188	20151	30,0	16,9	+1963	-13,1
Жорий активлар (Ж)	42535	99178	70,0	83,1	+56643	+13,1
Жами (Б)	60723	119329	100,0	100,0	+58606	0

Келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, бунда корхона активларини турлари бўйича таққосланаётган даврга қараганда қанчага (агар фоизларда ҳисобланса неча фоизга) ўзгарганлигини ва бу ўзгариш активлар тузилмасида қандай ўзгаришларга олиб келганлиги сабабини тушуниб олиш мумкин. Агар корхона фаолиятини бир неча йиллиги таҳлил қилинса, у ҳолда корхона активлари тузилмасидаги ўзгариш тенденциясини яққол кўриш мумкин.

Корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш эканмиш, биз кўпчилик ҳолларда унинг қатор кўрсаткичларини ўзаро ва бошқа корхоналар билан таққослаш зарурати тугилади. Ана шундай ҳолларда биз турли молиявий коэффициентлардан фойдаланишимизга тўғри келади.

**Молиявий коэффициентлар таҳлили—молиявий ҳисоботларнинг турли моддалари ва элементлари орасида нисбатларни ҳисоблашга асосланган таҳлил**—дир. Маълумки, корхоналар молиявий ҳолати кўп қиррали ва ранг—баранг бўлиб, уни тавсифлаш учун турли коэффициентлардан фойдаланишга тўғри келади. Бундай коэффициентларга ликвидлик, ишчанлик фаоллиги, рентабеллик, сармоялар тузилмаси ва бозорга доир фаоллик коэффициентларини киритиш мумкин. Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу коэффициентларнинг айрим номларни баъзи манбаларда—адабиёт ва услубий кўрсатмаларда бир оз бошқача номлар билан ҳам юрилади.

Корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашда қатор усуллар билан бир қаторда, молиявий таҳлилнинг энг кўҳна ва содда усуллардан бири қиёсий таҳлил ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

**Қиёсий таҳлил—корхона молиявий ҳисоботларининг турли элементлари ёки моддаларини, таққосланмаганлигини таъминлаган ҳолда, солиштириш (қиёслаш) орқали уларни ҳолатига баҳо бериш билан тавсифланади.** Демак, қиёсий таҳлилни амалга оширишнинг асосий талабларидан бири, бу маълумотларни таққосланма ҳолатга келтириб олишдир.



Қиёсий таҳлилга мисол қилиб «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» моддаларини таққослаш имконини берувчи қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин.

Бу ерда икки йиллик маълумотларнинг таққосланмаганлигини таъминлаш учун улар ягона асосга келтириб олинган, яъни ҳар бир йилни сотилган маҳсулотлари миқдорини 100 % қилиб олиниб молиявий ҳисоботнинг бошқа кўрсаткичларини қийматлари ана шу кўрсаткичга нисбатан қайта ҳисоблаб чиқилган (4-жадвал).

Қиёсий таҳлил жараёнида маълумотларни юқорида келтирилган жадвал кўринишида параллел қаторларни таққослаш усулидан фойдаланиб, уларни баҳолаш мумкин ёки юқорида келтирилган ҳисобот моддаларини қиёсий таҳлил ўтказиш учун, уни график усулда ҳам ифодалаш мумкин (5-чизма).

5-чизма.

**Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот  
кўрсаткичларини қиёсий таҳлили  
(сотишдан олинган ялпи фойда)**



**Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот  
кўрсаткичларини қиёсий таҳлили**

т/р	Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар сотишдан соф тушум	100,0	100
2	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)лар таннарни	74,1	67,1
3	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	25,9	32,9
4	Давр харажатлари, жами, шу жумладан:	12,9	17,0
	– сотиш харажатлари	0,2	0,2
	– маъмурий харажатлар	4,7	5,8
	–бошқа операцион харажатлар	8,0	11,1
5	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	4,3	3,0
6	Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	17,3	18,9
7	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	0,4	-
8	Фоишлар шаклидаги харажатлар	0,2	-
9	Валюта курси фарқидан зарарлар		0,6
10	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)	17,5	18,4
11	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда	17,5	18,4
12	Даромад (фойда) солиғи	10,3	11,0
13	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	0,1	0,2
14	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	7,1	7,2

Корхоналар молиявий фаолияти таҳлили натижаларини график кўринишида ифодалаш уни кўр-газмали қилиб ҳам ифодалаш имконини беради. Бу эса таҳлил таъсирчанлигини янада оширади ва таҳлил натижалари бўйича реал қарорлар қабул қилишга катта имкониятлар яратади.

Қиёсий таҳлил корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш учун катта имкониятлар беради. Бу айниқса хўжаликлар (корхоналар)ро таҳлилда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки, банк ходимларнинг ўз миқозлари фаолиятини кўпроқ қиёсий таҳлил орқали баҳолайдилар. Шунга қарамай корхоналар фаолиятини баҳолашда омилли таҳлилнинг алоҳида ўз ўрни бор.

**Омилли таҳлил** – корхонанинг натижавий молиявий кўрсаткичлари қийматларини ўзгаришига турли омиллар таъсирини аниқлаш ва ўлчаш билан характерланади. Омилли таҳлилнинг муҳим аҳамияти шундан иборатки, бунда натижавий кўрсаткични ўзгаришида, унга таъсир этувчи ҳар бир омил ролин аниқ баҳолаш имкони бўлади.

Омилли таҳлилнинг амалга оширишда жуда кўп усуллардан фойдаланилади. Улар шартли равишда 2 гуруҳга–анъанавий ва математик усулларга ажратилади.

Омилли таҳлилнинг анъанавий усуллари гуруҳига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- занжирли боғланиш методи;
- тафовутлар усули;
- индекс методи;
- баланс методи.

Омилли таҳлилнинг математик усуларини кўп тарқалган ва амалда қўлланаётган усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- корреляцион-регрессион таҳлил;
- математик дастурлаш;
- матрицалар усули;
- иммитацион моделлаштириш.

Қуйида биз омилли таҳлилнинг анъанавий усулларидан бирини қўллаш услубига қисқача тўхталиб ўтамиз. Занжирли боғланиш методи омилли таҳлилнинг энг содда ва кенг қўлланадиган усулларидан биридир. Бу усулнинг моҳияти шундаки, бунда омил кўрсаткични базис даражасини унинг ҳақиқий даражаси билан навбатма-навбат алмаштириб, уларни ўзгаришини натижа кўрсаткични ўзгаришига таъсир кучини аниқлашдир.

Занжирли боғланиш усулини амалда қўлланишини қуйидаги мисол ёрдамида кўриб чиқишимиз мумкин. Агар корхонанинг сотган маҳсулотлари ҳажми ҳисобот даврида 200 донага камайган ва бир дона маҳсулотини сотиш баҳоси 4,0 минг сўмга кўпайган бўлса, у ҳолда сотишдан тушган даромадни 4000,0 минг сўмга кўпайишига уларни таъсири қандай бўлган (бошланғич маълумотлар 5-жадвалда келтирилган).

Жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, натижавий кўрсаткич (N) ва омилли кўрсаткичлар (биринчи омил-q; иккинчи омил-p) ўртасидаги боғланишни аналитик ифодалаш шаклини аниқлаб олишимиз мумкин:

$$N = q \cdot p$$

166!

167

**Корxonанинг базис ва ҳисобот даврларида  
маҳсулотлар сотишдан олган даромадлари  
ҳақида маълумот\***

т/р	Кўрсаткичлар	Базис даври (0)	Ҳисобот даври (1)	Фарқи (Δ)
1	Сотилган маҳсулот ҳажми, дона (q)	5000	4800	- 200
2	Бир дона маҳсулот баҳоси, м.сўм (p)	76,0	80,0	+ 4,0
3	Сотишдан тушган тушум, м.сўм (N)	380000,0	384000,0	+ 4000,0

\* шартли маълумотлар олинди.

Занжирли боғланиш усулининг моҳиятига кўра ҳисоботларни қуйидаги тартибда амалга оширишимиз мумкин:

$$1\text{-ҳисоб: } 5000 \cdot 76,0 = 380000,0$$

$$\curvearrowright (-15200,0)$$

$$2\text{-ҳисоб: } 4800 \cdot 76,0 = 364800,0$$

$$\curvearrowright (+19200,0)$$

$$3\text{-ҳисоб: } 4800 \cdot 80,0 = 384000,0$$

Қилинган ҳисоблардан кўриниб турибдики, занжирли боғланиш усули ёрдамида омилар таъсирини уларни навбатма навбат алмаштириш орқали амалга

оширилади. Бунда бир омил таъсирини аниқлаётган вақтда, иккинчи омилни ўзгармас қилиб олиш лозим.

а) биринчи омил таъсири:

$$\Delta N_q = q_1 \cdot p_0 - q_0 \cdot p_0 = (4800 \cdot 76,0) - (5000 \cdot 76,0) = -15200,0 \quad \text{сўм (0)}$$

б) иккинчи омил таъсири:

$$\Delta N_p = q_1 \cdot p_1 - q_1 \cdot p_0 = (4800 \cdot 80,0) - (4800 \cdot 76,0) = +19200,0 \quad \text{сўм (0)}$$

Тафовутлар баланси:

$$\Delta N = \Delta N_q + \Delta N_p = N_1 - N_0$$

$$\Delta N = -15200,0 + 19200,0 = 384000,0 - 380000,0 = +4000,0$$

Занжирли боғланиш усулининг соддалаштирилган усули бу тафовутлар усулидир. Унинг ёрдамида омиллар таъсири қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

т/р	Кўрсаткичлар	Базис даври (0)	Ҳисобот даври (1)	Фарқи (Δ)
1	Сотилган маҳсулот ҳажми, дона (q)	5000	4800	-200
2	1 дона маҳсулот баҳоси, м.сўм (p)	76,0	80,0	+4,0
3	Сотишдан тушган тушум, м.сўм (N)	380000,0	384000,0	+4000,0

Омиллар таъсирини ҳисоблаш формуласи:

а) биринчи омил таъсири:

$$\Delta Nq = \Delta_q p_0 = -200 \cdot 76,0 = -15200,0 \Delta$$

б) иккинчи омил таъсири

$$\Delta Nr = \Delta_r q_1 = +4,0 \times 4800 = +19200,0$$

Юқорида келтирилган ҳисоб-китоблардан кўри-  
ниб турибдики, корхоналар молиявий фаолиятини  
омилли таҳлил ўтказиш уларни натижавий кўрсат-  
кичларини ўзгаришларни нималар сабабли қанчага  
ўзгарганлигини ёки ўзгариши мумкинлигини аниқ-  
лаш мумкин. Биз китоб ҳажми чегараланганлигини  
ҳисобга олиб, омилли таҳлилнинг занжирли боғланиш  
ва тафовутлар усулини ўтказиш тартибига қисқача  
тўхтаб ўтдик холос.

Шундай қилиб, банк миқозлар фаолияти молиявий  
таҳлилининг услубий асосларини чуқур ва атрофлича  
билиш уларнинг молиявий ҳолатига беҳато баҳо бериш  
имконини беради. Молиявий ҳолатга беҳато баҳо  
бериш учун шунингдек, корхоналар молиявий фаолия-  
тини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳам яхши  
билишни тақозо қилади.

## **II. БАНК МИЖОЗЛАРИ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ ТАВСИФЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ**

Маълумки, корхоналарнинг кўп қиррали молиявий ҳолатини ягона, битта алоҳида кўрсаткич билан, гарчи у энг такомил кўрсаткич бўлса ҳам, баҳолаш имкони бўлмайди. Банк миждозлари молиявий ҳолатини баҳолаш учун бизнес режа, ҳисоб, ҳисобот ва бошқа маълумотлар манбаларида келтирилган ва улар асосида ҳосил қилинган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бунинг учун бир нечта ўзаро боғлаган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишга тўғри келади. Шу муносабат билан банк миждозлари молиявий ҳолатини баҳолаш жараёнининг дастлабки босқичларидан бири бу кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва уларни асослаш ҳисобланади.

Молиявий таҳлил ўтказиш жараёнида қўлландиган кўрсаткичларни бир қатор белгилари бўйича туркумланади. Уларнинг энг асосийлари 6-чизмада келтирилган белгилари бўйича деб қараш мумкин.

Чизмада келтирилган кўрсаткичларни туркумланиши норасмий бўлсада, улар ҳақида яхши тушунчага эга бўлиб олиш корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашда қўлландиган кўрсаткичларни гуруҳларга ажратиш ва таҳлилни бекамукўст ўтказиш имконини беради.






6-чизма. Молиявий ҳолатни ифодаловчи аналитик кўрсаткичларни туркумланиши.

Таҳлил жараёнида қўлланадиган барча кўрсаткичлар ўзаро боғланган, бир-бирини тақозо қилади. Бу, албатта, иқтисодий ҳодисалар орасидаги реал боғланишдан келиб чиқади. Корхона молиявий ҳолатини комплекс ўрганиш кўрсаткичларни тизимлаштиришни тақозо қилади, чунки кўрсаткичлар мажмуи улар қанчалик тугалланган бўлмасин, уларнинг ўзаро боғлиқликларини, ўзаро бўйсунганлигини ҳисобга олинмаса, фаолият самарадорлиги ҳақида ҳақиқий тасаввурни бера олмайди.

Банк мижозлари молиявий ҳолатини таҳлил қилишда биз юқорида айтиб ўтганимиздек, кўрсаткичларни олиш усулига кўра абсолют ва нисбий кўр-

саткичларга ажратдик. Маълумки, абсолют кўрсаткичлар ўрганилаётган иқтисодий-молиявий ҳодиса ва жараёнларнинг ҳажмини, миқдорини, размерини ифодалайди. Нисбий кўрсаткичлар эса бир миқдорни иккинчи бир миқдорга бўлиш натижасида олинган ҳосила сифатида ифодаланади. Нисбий кўрсаткичларнинг кўпчилиги молиявий коэффициентлар кўришида фойдаланилади.

Молиявий фаолиятни ифодаловчи кўрсаткичларни характерига кўра алоҳида гуруҳларга ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. Кўрсаткичларни гуруҳларга ажратишда биз банк муассасини ахборотлардан ташқи фойдаланувчилар сифатида қараб, уларни имкониятлари молиявий ҳисоботлар маълумотлари билан чегараланади, деган нуқтаи назардан ёндошдик. Бизнинг фикримизча молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни 5 та гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир (7-чизма).



7-чизма. Корхоналар молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни гуруҳланиши.

**Ликвидлик кўрсаткичлари** – корхонанинг қисқа муддатли қарзларини тўлашга бўлган қобилиятини тавсифлайди. Аслида «ликвидлик» сўзи лотинча «liquidus» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида у «суюқлик, оқувчанлик ёки моддани суюқликка айланивчанлиги» деган маъноларни беради. Иқтисодий категория сифатида эса, активларни, қимматликларни пулга айланиш қобилиятини англатади. Ликвидлик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун асосан бухгалтерия баланси маълумотларидан фойдаланилади.

Банк миқозлари бўлиши корхоналарни қисқа муддатли қарзларни ифодалаш учун ликвидликни қуйидаги кўрсаткичларидан фойдаланиш тавсия этилади:

- жорий ликвидлик;
- муддатли ликвидлик;
- абсолют ликвидлик;
- соф айланма маблағлар.

**Жорий ликвидлик кўрсаткичи** – бу корхонанинг жорий қарзларини тўлаш имкониятларини кўрсатади. Жорий ликвидлик даражасини ифодаловчи коэффициентни ( $K_{жл}$ ) ҳисоблаш учун унинг жорий активлари суммаси ( $Ж_а$ ) билан жорий мажбуриятлари суммаси ( $Ж_м$ ) ўзаро таққосланади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{жл} = \frac{Ж_а}{Ж_м}$$

Корхонанинг жорий активлари таркибига, маълумки, корхонанинг товар-моддий захиралари, келгуси давр харажатлари, дебиторлик қарзлари, пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалари

ва бошқа активлари (яъни баланс активининг II қисмининг жами суммаси) киради. Жорий мажбуриятларига эса корхонанинг жорий йилда тўланиши лозим бўлган барча турдаги қарзлари—мол етказиб берувчилардан, бюджетдан, банк-кредит муассасалардан, шўъба корхоналаридан, ходимларидан ва бошқалардан бўлган қарзлари (яъни баланс пассиви II қисмининг жамидан узоқ муддатли мажбуриятлар чегирилган қисми) киради.

Муддатли ликвидлик кўрсаткичи—корхонанинг маълум (белгиланган) муддатда пулга айланиши мумкин бўлган активлари билан қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш имконини билдиради. Айрим адабиёт ва қўлланмаларда бу кўрсаткич «тез ликвидлик кўрсаткичи» деб ҳам аталади. Муддатли ликвидлик даражасини ифодаловчи кўрсаткични ( $K_{мл}$ ) ҳисоблаш учун муддатли ликвид активлар суммаси ( $M_a$ ) билан жорий мажбуриятлари суммаси ўзаро таққосланади, яъни қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_{мл} = \frac{M_a}{Ж_m}$$

Муддатли ликвид активлар таркибига дебиторлик қарзлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва пул мабалағлари киради, яъни улар корхонанинг жорий активларидан секин амалга ошувчи ликвидлари—товар-моддий захиралари ва келгуси давр харажатларини чегирилгандан қолган қисмини билдиради.

Абсолют ликвидлик—корхонанинг жорий мажбуриятларини зудлик билан тўлаш имконини тавсиф-

лайди. Абсолют ликвидлик даражасини ифодаловчи кўрсаткични ( $K_{ам}$ ) аниқлаш учун пул маблағларини умумий суммасини ( $\Pi_m$ ) жорий мажбуриятлар суммаси билан таққосланади, яъни

$$K_{ам} = \frac{\Pi_m}{Ж_m}$$

Абсолют ликвидлик даражасини ҳисоблашда айрим ҳолларда пул маблағлари билан бирга қисқа муддатли молиявий қўйилмалар (КММК)ни ҳам ҳисобга олишади. Чунки, КММК асосини юқори ликвидли бозор қимматли қоғозлари ташкил қилганлиги учун ҳам, уларни тўлов учун кафолат сифатида қаралади.

Соф айланма маблағлар – корхонанинг соф ишчи капитали миқдорини тафсировловчи кўрсаткич бўлиб, у жами жорий активлар суммасидан жами жорий мажбуриятлар суммасини чегиргандан кейинги қолдиқ капитали суммасини ифодалайди, яъни

$$C_{ам} = Ж_a - Ж_m$$

Кўриниб турибдики, бу кўрсаткич юқорида келтирилган ликвидлик кўрсаткичлари фарқли ўлароқ, абсолют кўрсаткич ёрдамида ифодаланган.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган кўрсаткичлар корхоналарни қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш қобилиятини баҳолаш имконини беради. Қисқа муддатли тўлов қобилияти таҳлилинини тўладиришда шунингдек, бошқа айрим кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Булар жумласига барча активлар таркибида жорий активлар салмоғи, айланма маблағларни хусусий капитал билан таъминлаганлиги,

айланма маблағларни қарамлик даражаси ва бошқа кўрсаткичларни киритиш мумкин.

**Ишчанлик фаолиги кўрсаткичлари** – корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди. Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодалаш учун қуйидаги коэффициентлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- активлар айланувчанлиги;
- дебиторлик қарзлари айланувчанлиги;
- кредиторлик қарзлари айланувчанлиги;
- моддий ишлаб чиқариш захиралари айланувчанлиги;
- операцион циклнинг давомийлиги.

Маълумки, айланувчанлик кўрсаткичлари корхонани молиявий ҳолатини баҳолашда жуда муҳим рол ўйнайди, чунки ресурсларни айланиш тезлиги қанча юқори бўлса, уларни пулга айланиш жараёни ҳам шунчалик тез амалга ошади, бу эса унинг тўлов қобилиятини яхшилайдди. Ишчанлик фаолигини кўрсаткичларини ҳисоблаш учун бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклларида фойдаланилади.

Активлар айланувчанлиги – бу бир сўмлик актив эвазига неча сўмлик маҳсулот тўғри келишини ифодалайди. Активлар айланувчанлиги кўрсаткичи ( $A_a$ ) қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$A_a = \frac{M_x}{A_k}$$

бу ерда,  $M_x$  – маҳсулот ҳажми,  $A_k$  – баланс активларининг ўртача қиймати.

Формуладан кўриниб турибдики, активлар айланувчанлигини ҳисоблаш учун корхона балансидаги активларни ўртача йиллик қийматини асос қилиб олинапти. Агар биз корхонанинг барча активларини унинг иқтисодий ресурслари деб қарасак, у ҳолда активлар айланувчанлигини ресурс қайтими кўрсаткичи, деб ҳам айтишимиз мумкин.

Дебиторлик қарзлари айланувчанлиги кўрсаткичи корхонанинг дебиторлик қарзлари ҳисобот даври мобайнида неча кунда бир марта айланганлигини ифодалайди. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$A_{\text{дк}} = 365 : \frac{C_{\text{т}}}{D_{\text{к}}}$$

бу ерда,  $A_{\text{дк}}$  – дебиторлик қарзларини айланувчанлиги, кунларда;  $C_{\text{т}}$  – сотишдан тушган соф тушум;  $D_{\text{к}}$  – соф дебиторлик қарзлари суммаси.

Формуладаги иккинчи нисбат дебиторлик қарзларини айланиш тезлигини (мартада) ифодалайди. Демак, 365 кунни дебиторлик қарзини айланиш тезлигига бўлсак, у ҳолда айланиш давомийлиги, яъни дебиторлик қарзлари ўртача неча кунда бир марта айланиши келиб чиқади. Бу билан биз ҳисобот даврида корхонанинг дебиторлик қарзлари ўртача неча марта пулга айланганлигини аниқлашимиз мумкин.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, сотишдан тушган тушум таркибида маҳсулотлар (иш ва хизматлар) учун олдиндан тўланган тўловлар ҳам кирганлигини инобатга олиб, уни ўрнига фақат кредитга–насыга сотган маҳсулотлар (иш ва хизматлар)

қиймати олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Дебиторлик қарзлари айланувчанлигини кўпчилик ҳолларда кредиторлик қарзлари айланувчанлиги билан (ҳақдорлик ва қарздорликни) таққослаб баҳолаш катта аналитик аҳамиятга эга.

Кредиторлик қарзлари айланувчанлиги кўрсаткичи корхонанинг кредиторлик қарзларини тўлаш учун қанча айланма қилиш кераклигини тавсифлайди. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$A_{\text{кк}} = 365 : \frac{C_{\text{мт}}}{K_{\text{к}}},$$

бу ерда,  $A_{\text{кк}}$  – кредиторлик қарзлари айланувчанлиги, кунларда;  $C_{\text{мт}}$  – сотилган маҳсулотлар таннари;  $K_{\text{к}}$  – кредиторлик қарзларининг ўртача йиллик суммаси.

Кредиторлик қарзлари айланувчанлиги кўрсаткичини ҳисоблашда, олдинги кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, сотилган маҳсулотлар таннарини нисбатан ҳисобланган. Бу ерда ҳам иккинчи нисбат ( $C_{\text{мт}}/K_{\text{к}}$ ) кредиторлик қарзларини айланиш тезлигини англайди.

Моддий-ишлаб чиқариш захиралари айланувчанлиги товар-моддий захираларни сарфланиши ва сотилиши жараёнини тезлигини ифодаловчи кўрсаткичдир. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса моддий-ишлаб чиқариш захираларининг ликвидлик даражаси шунчалик юқори бўлади ва бошқа шароитлар бир хил бўлган тақдирда корхонанинг молиявий ҳолати яхши бўлади. Бу кўрсаткични ( $A_{\text{мз}}$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:



$$A_{\text{мз}} = 365 : \frac{C_{\text{мз}}}{M_3},$$

бу ерда,  $M_3$  – моддий-ишлаб чиқариш захираларининг ўртача қиймати.

Моддий-ишлаб чиқариш захиралари айланувчанлигини тезлаштириш, айниқса, кредиторлик қарзи катта бўлган шароитда ўта долзарб масалага айланади. Айланувчанликни яхшилашда айниқса, моддий ишлаб чиқариш захиралари таркибий тузилмасини оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Моддий – ишлаб чиқариш захиралари айланувчанлигини тезлаштириш корxonанинг яна бир муҳим кўрсаткичи операцион цикл давомийлигини қисқартириш имконини беради.

Операцион циклининг давомийлиги кўрсаткичи корxonанинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш учун неча кун сарфланишини тавсифлайди. Бу кўрсаткичнинг муҳимлиги шундаки, унинг ёрдамида корxonанинг пул маблағлари неча кун мобайнида моддий-ишлаб чиқариш захиралари билан боғлиқ бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Операцион циклининг давомийлиги кўрсаткичи ( $O_{\text{ца}}$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$O_{\text{ца}} = A_{\text{дк}} + A_{\text{мз}}$$

Кўриниб турибдики, операцион циклининг давомийлиги бу дебиторлик қарзлари ва моддий-ишлаб чиқариш захираларининг айланишлари умумий давомийлиги билан ифодаланади. Демак, операцион циклининг давомийлиги қанчалик камайтирилса давр мобайнида корxonанинг маҳсулотларини ишлаб чи-

қариб сотиш жараёни ҳам шунчалик тезлашади. Бу албатта унинг тўлов қобилиятини яхшилаш имконини беради.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифода-лашда жуда муҳим рол ўйнайди, лекин уни баҳо-лашда бошқа бир қатор кўрсаткичлардан ҳам фойда-ланиш тавсия қилинади. Булар жумласига хусусий капитал айланувчанлиги, моддий ноайланма активлар, ишчи кучи самарадорлиги каби кўрсаткичларни ки-ритиш мумкин.

**Рентабеллик кўрсаткичлари** корхона фаолияти самарадорлигини тавсифлайди. Рентабеллик атамаси немисча «Rentabel» сўзидан олинган бўлиб «даро-мадли, фойдали, харажатларни оқловчи, хўжалик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ» деган маънони беради. Корхоналар фаолияти самарадорлигини ифо-далаш учун қуйидаги коэффициентлардан фойда-ланиш тавсия этилади:

- активлар рентабеллиги; :190
- сотиш рентабеллиги; :29
- хусусий сармоя рентабеллиги;
- битта акциянинг рентабеллиги (фойдалилиги).

Активлар рентабеллиги кўрсаткичи корхона активлари фойдалилик даражасини ифодалайди, яъни корхонада фойдаланилган активларини ҳар бир сўми эвазига неча сўмлик фойда ишлаб топилганлигини тавсифлайди. Ушбу кўрсаткични ( $P_a$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$P_a = \frac{C_{\phi}}{A_x}$$

бу ерда,  $C_{\phi}$  – соф йиллик фойда;  $A_x$  – активларнинг ўртача йиллик қиймати.

Активлар рентабеллиги кўрсаткичининг афзаллик томони шундаки, у корхонанинг рақобатбардошлигини кўрсатувчи муҳим индикаторлардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, унинг ёрдамида қатор корхоналар фаолиятини қиёсий таҳлил ўтказиш мумкин.

Сотиш рентабеллиги кўрсаткичи корхонанинг маҳсулотлар ишлаб чиқариши самарадорлигини тавсифлайди ва у ўзида ишлаб чиқариб сотган ҳар бир сўмлик маҳсулоти эвазига қанча соф фойда олинганлигини акс эттиради. Ушбу кўрсаткични ( $P_c$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$P_c = \frac{C_{\phi}}{C_{\pi}}$$

бу ерда,  $C_{\pi}$  – сотишдан тушган соф тушум.

Сотиш рентабеллиги кўрсаткичини ҳисоблашда юқорида кўрсатилган усулдан ташқари амалиётда, таҳлил олдига қўйилган вазифадан келиб чиқиб, соф фойда кўрсаткичи ўрнига сотишдан олинган ялпи фойда ёки асосий фаолиятдан олинган фойда кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. Уларнинг аҳамияти корхона молиявий фаолиятини баҳолашдан кўра кўпроқ, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини баҳолашда муҳимроқ.

Хусусий сармоя рентабеллиги кўрсаткичи корхона мулкдорлари инвестиция қилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди ва ўзида

хусусий капитални ҳар бир сўми эвазига неча сўмлик соф фойда ишлаб топилганлигини акс эттиради. Ушбу кўрсаткични ( $P_{\text{хк}}$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$P_{\text{хк}} = \frac{C_{\phi}}{X_{\text{к}}}$$

бу ерда,  $X_{\text{к}}$  – хусусий капиталнинг ўртача йиллик қиймати.

Бу кўрсаткич корхона молиявий ҳолатини баҳолашда қўлланадиган муҳим натижавий кўрсаткич бўлибгина қолмай, балки ундан ривожланган мамлакатларда корхона акцияларни бозор баҳосига таъсир кўрсатувчи муҳим омилли кўрсаткич сифатида ҳам фойдаланишади.

Битта акциянинг рентабеллиги кўрсаткичи битта акцияни фойдалилик даражасини ифодалайди ва у ўзида муомаладаги ҳар бир сўмлик оддий акция эвазига фойдани қанча улуши тўғри келишини акс эттиради. Бу кўрсаткични ( $P_{\text{ма}}$ ) ҳисоблаш учун йиллик соф фойда (имтиёзли акцияларга тўланган дивидендлар чегирилган) суммасини ( $C_{\phi}$ ) муомаладаги оддий акцияларнинг ўртача сонига ( $M_{\text{ас}}$ ) бўлинади, яъни:

$$P_{\text{ма}} = \frac{C_{\phi}}{M_{\text{ас}}}$$

Корхона молиявий фаолияти нуқтаи назардан қараганда битта акциянинг рентабеллиги кўрсаткичи корхонанинг бозорга доир фаолиги кўрсаткичлари тарқибига киритилиши керак эди. Бироқ кўрсаткичларни моҳиятан гуруҳлаганда у акциянинг фойдали-

лик даражасини ифодаловчи кўрсаткичларидан бири бўлганлиги учун ҳам уни рентабеллик кўрсаткичлари таркибида кўриб чиқишга қарор қилдик.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган рентабелликнинг бир қатор кўрсаткичлари корхона фаолияти самарадорлигини бемалол баҳолаш имконини беради. Таҳлил жараёнида юқорида келтирилган кўрсаткичлардан ташқари яна бошқа кўрсаткичлар ёрдамида ҳам корхона фаолиятининг у ёки бу томонлари самарадорлигини қўшимча баҳолаш мумкин.

**Сармоя тузилмаси кўрсаткичлари** – корхонанинг узоқ муддатли қарзларини тўлашга бўлган қобилиятини тавсифлайди. Узоқ муддатли қарзларни тўлаш қобилиятини ифодалаш учун қуйидаги коэффициентлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- мулкчилик коэффициенти;
- молиявий боғлиқлик коэффициенти;
- кредиторларнинг ҳимояланганлиги коэффициенти.

Маълумки, сармоя тузилмаси кўрсаткичлари корхонага узоқ муддатга маблағ қўйган мулк эгалари ва кредиторлар манфаатларини ҳимояланганлик даражасини ифодалайди. Уларни ҳисоблаш учун бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Мулкчилик коэффициенти кўрсаткичи корхонанинг барча капитали таркибида ёки мулки таркибида унинг ўзига тегишли бўлган капитал ҳиссасини тавсифлайди. Айрим манбаларда «мухторлик коэффициенти» номи билан ҳам юритилувчи ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_m = \frac{Y_c}{A_x}$$

бу ерда,  $K_m$  – мулкчилик коэффициенти,  $Y_c$  – ўз сармоясининг ўртача йиллик суммаси;  $A_x$  – активларнинг ўртача йиллик қиймати.

Формуладан кўриниб турибдики, мулкчилик коэффициенти иложи борича катта бўлгани маъқул. Чунки, бу нарса ўз маблағи билан юқори даражада таъминланганлигини, барқарор молиявий тузилмани ва айниқса ишчанлик фаоллиги пасайган вақтда кредитлар олиш учун кафолатларни яхшилигини ифодалайди.

Молиявий боғлиқлик коэффициенти корхонани ташқи қарзларга қанчалик боғлиқ эканлигини тавсифлайди ва у ўзида хусусий капитални ҳар бир сўми эвазига қарз капитални неча сўми тўғри келишини акс эттиради. Ушбу кўрсаткични ( $K_{mb}$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_{mb} = \frac{K_c}{Y_c}$$

бу ерда,  $K_c$  – қарз сармоясининг ўртача йиллик суммаси.

Мантиқан олиб қараганда, ушбу кўрсаткични иложи борича кичик бўлгани маъқул, акс ҳолда корхонанинг қарзи кўп бўлиб, уни иқтисодий но-чорлик ҳолатига олиб келувчи вазият қалтислигини билдиради. Бу кўрсаткични юқори даражада бўлиши шунингдек, корхонада пул маблағлари тақчиллиги вужудга келишининг потенциал хавфи мавжудлигини кўрсатади.

Кредиторларнинг ҳимояланганлиги коэффициенти кредиторлар томонидан корхонага тақдим этган кредити учун фоизларни тўланмай қолишдан ҳимояланганлик даражасини тавсифлайди. Ушбу кўрсаткични ( $K_{\text{хк}}$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_{\text{хк}} = \frac{\Phi_{\text{сф}}}{K_{\text{ф}}}$$

бу ерда,  $\Phi_{\text{сф}}$  – солиқларни ва фоизларни тўлашгача бўлган фойда;  $K_{\text{ф}}$  – давр учун фоиз кўринишидаги харажатлар.

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, кредиторларни ҳимояланганлик коэффициенти солиқларни ва фоизларни тўлашгача бўлган фойданинг ҳисобот даври мобайнида тўланиши лозим бўлган қарзлар бўйича фоиз харажатларига нисбатан неча марта кўп бўлганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу кўрсаткични бошқача номи «қоплаш коэффициенти» деб ҳам айтилади.

**Бозорга доир фаоллик кўрсаткичлари** – корхона акцияларини инвесторлар учун жалб қилувчанлик қобилиятини тавсифлайди. Ушбу гуруҳ коэффицентларига қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- нарх-фойда нисбати;
- акциянинг даромадлилиги;
- акциянинг баланс қиймати;
- тўланган дивидендлар ҳиссаси.

Кўриниб турибдики, бозорга доир фаоллик кўрсаткичлари ўз ичига корхона акцияларини қиймати ва уларни даромадлилигини тавсифловчи турли кўр-

саткичларни олади. Корхона қимматли қоғозларига инвестиция қилар экан инвесторлар иккита йўналиш бўйича даромад оладилар: бир томондан дивиденд олсалар, иккинчи томондан акция курсларини ортиши эвазига уларнинг маблағлари кўпайиб боради. Шу сабабли акционерлар турли кўрсаткичлардан фойдаланиб корхона акцияларни жалб қилувчанлик даражасига баҳо бериб борадилар.

Нарх-фойда нисбати кўрсаткичи акционерларни корхона соф фойдасининг ҳар бир сўми учун неча сўм тўлашга тайёрлигини тавсифлайди, яъни бу кўрсаткич компания билан акционерлар ўртасидаги муносабатни белгилайди. Ушбу кўрсаткични (Кн/ф) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$K_{н/ф} = \frac{A_{об}}{B_{эф}}$$

бу ерда,  $A_{об}$  – битта акциянинг бозор баҳоси;  $B_{эф}$  – битта акцияга соф фойда.

Битта акцияга тўғри келадиган соф фойда кўрсаткичини ҳисоблаш имтиёзли акциялар учун тўланган дивидендлар чегирилиб ташланган соф фойдани муомаладаги оддий акциялар сонига бўлиш орқали амалга оширилади, яъни

$$B_{эф} = \frac{\Phi_c - I_{ад}}{M_{ас}}$$

бу ерда,  $I_{ад}$  – имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар.

Кўришиб турибдики, бу кўрсаткич акцияни рентабеллиги кўрсаткичидан бир оз фарқ қилиб, барча



акциялар учун эмас фақат оддий акцияларга нисбатан ҳисобланганлиги билан фарқ қилади. Шунини алоҳида қайд қилиш лозимки, акциянинг фойдалилиги кўрсаткичи бозор иқтисодиёти ривожланган дав-латларда корхона молиявий ҳолатига баҳо беришда қўлланадиган муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида қаралади. Чунки бу кўрсаткич корхоналар акция-сининг бозор баҳосига таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир.

Акциянинг даромадлилиги кўрсаткичи акционер акцияларини бир сўмлик қиймати ҳисобига қанча даромад олганлигини тавсифлайди. Молиявий ҳолат таҳлили амалиётида акциянинг даромадлилигини иккита кўрсаткич ёрдамида ифодалайдилар: жорий даромадлилик ва ялпи даромадлилик. Жорий даромадлилик акциялардан олинадиган дивидендларга нисбатан ҳисобланади ва шунинг учун ҳам уни «Дивидендлар меъёри бўйича акциянинг даромадлилиги» деб ҳам юритадилар. Бу кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

$$A_{\text{жм}} = \frac{D_{\text{жм}}}{A_{\text{сб}}},$$

бу ерда,  $A_{\text{жм}}$  – дивидендлар меъёри бўйича акциянинг даромадлилиги,  $D_{\text{жм}}$  – битта акцияга тўғри келадиган дивиденд суммаси.

Акция даромадлилигини ифодаловчи иккинчи кўрсаткич–акциянинг ялпи даромадлилиги «курсдаги фарқни ҳисобга олган ҳолдаги акциянинг даромадлилиги» деб ҳам айтилади. Уни ҳисоблашда дивиденд билан бир қаторда акция эгаси олиши мумкин бўлган акция курси ўртасидаги фарқ

(акцияни харид қилиш нархи билан сотиш нархи ўртасидаги фойда ёки зарар) ҳисобга олинади, яъни:

$$A_{\text{фк}} = \frac{D_{\text{н}} + (C_{\text{н}} - X_{\text{н}})}{X_{\text{н}}},$$

бу ерда,  $A_{\text{фк}}$  – курсдаги фарқни ҳисобга олгандаги акциянинг даромадлиги;  $C_{\text{н}}$  – акцияни сотиш нархи;  $X_{\text{н}}$  – акцияни харид нархи.

Таҳлил олдига қўйилган вазифадан келиб чиққан ҳолда акция даромадлигини у ёки бу кўрсаткичидан фойдаланиш мумкин. Бу кўрсаткичларни баҳолашда битта акцияга тўланган дивидендлар билан унинг номинал баҳосини таққослаб ўрганиш билан бир қаторда, бошқа корхоналар акцияларини даромадлик даражалари билан ҳам таққослаб баҳолаш чуқур аналитик хулосалар чиқариш имконини беради.

Тўланган дивидендлар ҳиссаси кўрсаткичи корхона соф фойдасининг қандай улуши акционерлар учун дивидендлар тўлаш учун сарфланганлигини тавсифлайди. Бу кўрсаткични ( $T_{\text{дх}}$ ) ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$T_{\text{дх}} = \frac{T_{\text{д}}}{C_{\text{ф}}}$$

бу ерда,  $T_{\text{д}}$  – тўланган дивидендлар суммаси.

Бу кўрсаткич корхонани ҳисобот йилида дивидендлар тўлаш учун етарлича фойда олаётганидан далолат беради. Одатда, унинг қиймати бирдан юқори бўлмаслиги лозим. Тўланган дивидендлар меъёри

турли корхоналарда турлича бўлиши табиий. Чунки унинг ҳажми акционерлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва корхонанинг дивиденд сиёсатига боғлиқ.

Юқорида келтирилган 5 та гуруҳга оид 20 та асосий коэффициентлар корхоналар молиявий ҳолатини турли томонларини атрофлича баҳолаш имконини беради. Бу эса тўғри молиявий қарорлар қабул қилишнинг гаровидир.

2000  
2001  
2002

### III. МИЖОЗНИНГ УМУМИЙ ТАШКИЛИЙ- ИҚТИСОДИЙ ТАСНИФИ

Иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришлар мавжуд банкларнинг фаолият юргизишга алоқадор бўлган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа банклар билан алоқа қилишдаги ўзаро муносабатини тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Банклар тижорат корхонаси сифатида асосий иши кредитлаш, ҳисоб-китоб олиб бориш, депозит, касса ва бошқа операцияларни бажариш жараёнида бир қатор хавф-хатарларга, жумладан, олинган қарзнинг қайтарилмаслигига, ссуда бўйича фоиз тўланмаслигига, ҳисоб-китоб, валюта, фоиз миқдори ва шунга ўхшаш таваккалчиликларга дучор бўлиши мумкин. Банк операцияларида хавф-хатарнинг юқори бўлиши, асосан унинг миждозлари молиявий ҳолати ва иш якунларига боғлиқ бўлади.

Банкнинг барқарор иш юритиши ташқи ва ички бозорда ҳамкорларнинг малакали танланишига боғлиқ. Бунда миждознинг молиявий қобилиятини тўғри баҳолай олиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай таҳлилий ахборотлар банк раҳбарияти томонидан миждозларнинг ўз мажбуриятларини бажаришга лаёқатини аниқлаб, тегишли ҳал қилувчи қарорлар қабул қилишга имкон яратади.

Миждознинг иқтисодий ҳолати банк томонидан таҳлил қилиш улар ўзаро муносабатларининг дастлабки босқичидан-миждозга хизмат кўрсатишга оид

шартнома тузишга тайёргарлик кўришдан бошланади.

Айниқса, қарз бериш борасидаги шартномаларни тузишда батафсил иқтисодий таҳлил бўлиши даркор.

Иқтисодий таҳлил мижоз тўғрисида умумий маълумотлар тўплашдан бошланади. Унинг таркибига мижознинг мақоми, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, фаолиятининг муҳим йўналишлари борасидаги асосий манба, унинг низоми, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, солиқ органлари ҳисобидан ўтилганлиги хусусида маълумотнома, бухгалтерия ҳисоботлари киритилади.

Корхонанинг низомида уни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад, таъсисчи ва муассислар таркиби, фаолият йўналиши, низом маблағининг ҳажми, ташкилий-ҳуқуқий шакли, ташкил этиш тартиби ва фойданинг сарфланиши, бошқарув тузилмаси ва бошқа масалалар ўз аксини топади. Низомда келтирилган мижоз фаолиятининг асосий йўналишлари, низом маблағининг ҳажми ва унинг тўлов қобилияти, муассис молиявий ҳолатининг барқарорлиги, унинг фаолияти долзарблиги ўрганилган ҳолда банк ходими келажакда юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарни чамалаб олиши мумкин. Банк хизматидан фойдаланиш хоҳишини билдирган корхона раҳбари, бош ҳисобчи билан суҳбатлашиб, уларнинг ўз ишига нечоғли лаёқатини билиб олса бўлади.

Молиявий ҳисоботлар мижоз фаолияти хусусида ахборот беришда асосий манба ҳисобланади. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, ана шундай ахборотлар манбаига бухгалтерия баланси (1 шакл); молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2 шакл); асосий во-

ситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3 шакл); пул оқимлари тўғрисида ҳисобот (4 шакл), хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5 шакл), ҳамда (2 шаклга) маълумот, йиллик ҳисоботларга тушунтириш хатлари (очиқ беришлар) кабилар киради.

Молиявий ҳисоботлардан миждоз мулкнинг ҳолати ва уларнинг манбалари (яъни хусусий, қарзлар ва жалб этилганлари), асосий ва айланма маблағлар ҳажми, шу жумладан, пул маблағлари, дебитор ва кредитор қарзлари, низом жамғармаси миқдори, соф фойда ва йиғилган тақсимланмаган фойда, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар билан бўлган ҳисобкитоблар, соф даромадан фойдаланиш, миждознинг маблағи ва фондлари ҳаракати хусусида маълумотлар ўрин олади.

Тушунтириш хатида миждоз фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ҳолати, яъни сотилган маҳсулот бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳажми, соф фойда, айрим фаолият (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) турларининг даромад келтириши ва самарадорлиги баён этилиши лозим. Шунингдек, хатда миждознинг шартнома ва шартномалар бўйича бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторлар билан бўлган мажбуриятларининг қай даражада бажарилганига баҳо берилади.

Кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг турлари бўйича батафсил фикр юритиб, уларни қайтариш муддатлари, кредитларни қайтариш муддатини ўтказиб юбориш сабаблари баён этилган ҳолда миждоз томонидан қарзлардан қутулиш бўйича кўрилган тадбирлар келтирилади.

Тушунтириш хатида корхонанинг ташқи иқтисодий алоқалардаги иштироки хусусида маълумот

бериш муҳим ҳисобланади. Жумладан, бу борадаги фаолият қачон бошланган, экспорт ва импорт операциялари тавсифи, йирик хорижий ҳамкорлар номи, экспорт бўйича ташқи иқтисодий фаолият ҳажми (четта товар чиқаришдан тушган валютанинг ўсиши), импорт бўйича ташқи иқтисодий фаолият (ҳорижда товар олиш ҳажмининг ўсиши), хорижий ҳамкорлар билан тузилган шартноманинг бажарилишига баҳо бериш, ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган фойданинг ўсиши, унинг миқдор учун даромадлилиги даражасини қайд этиш муҳимдир. Корхонанинг йиллик ҳисоботга ёзилган тушунтириш хатида, шу билан бирга, миқдор томонидан корхонани ривожлантиришга хизмат қиладиган омиллар: янги қувватларни ишга тушуриш, ишлаб турган қувватларни қайта жиҳозлаш ва такомиллаштириш, маҳсулот ва хизмат кўрсатиш турларини янгилаш, маҳсулот сотиш ва харид қилишнинг янги бозорларини излаш, ташқи бозорга чиқиш, маҳсулот сифатини ошириш ва уни рақобатбардошлигига эришишга эътибор берилади.

Тушунтириш хатида шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи ҳуқуқий шахсга эга бўлмаган, қайсики айланма маблағдан катта миқдорда сармоя олувчи ва бу билан миқдорнинг молиявий ҳолатини мушкуллаштирувчи, унинг тўлов қобилиятини пасайтирувчи шубҳа корхоналари ташкил этишдаги корхона иштирокига алоҳида эътибор берилади. Агар миқдор қонунчиликка биноан кенг кўламли бажарилгани хусусида ҳисобот беришга мажбур бўлса, унда банк бу борадаги корхонанинг баланси ва молиявий натижаларини атрофлича таҳлил қилиши лозим.

Миқдорнинг жорий йилда олиб борган ҳисоботи тушунтиришининг асосий қисмини ташкил этади.

Бунда мижоз ҳужжатлар ва методик материалларга асосланади. Бунда қуйидагилар кўрсатилади:

- бухгалтерия ҳисоби юргизиладиган асосий меъ-ёрий ҳужжатлар (ҳисоби сиёсати, счётлар режаси, уларни қўллаш бўйича кўрсатмалар);

- асосий воситалар, моддий бўлмаган активлар, арзон ва тез эскирувчи буюмлар учун ажратмаларни белгилаш усуллари;

- ишлаб чиқариш захиралари, товарлар, молиявий сарфлар учун ажратмаларни белгилаш тамойиллари;

- маҳсулот ишлаб чиқариш, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун сарфлашга ажратилган мод-дий ресурсларни баҳолаш усуллари;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат учун нарх белгилашда сарфларни ҳисобга олиш усуллари;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат ҳақини аниқлашда устама нархни белгилаш йўллари;

- умумий захиралар, шубҳали қарзлар бўйича захиралар, қимматли қоғозлардаги қўйилмаларнинг қадрсизланиши бўйича захиралар, кўтариладиган сарфлар ва тўловлар бўйича захираларни ташкил этиш тартиби;

- тайёр маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматни баҳолаш усуллари;

- маҳсулот сотишдан олинган тушумларни ҳисобга олиш усуллари;

- фойда ҳисобига махсус фондлар ташкил этиш, акционерлик учун дивидентлар белгилаш ва уларни тўлаш тартиби;



- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида олинган мажбуриятлар ва кредитларни ифода этиш усуллари;
- бухгалтерия ҳисоботидаги ҳар бир бўлимлар бўйича қайта ҳисобга олиш муддатлари.

Мижознинг ҳисоб-китобидаги маълумотлардан банк ходими корхонада бухгалтерия ҳисоби қандай даражада ташкил этилганлигини ва қўллаётган ҳисоб сиёсати ҳақида умумий тасаввурга эга бўлади.

Мижоз ташкилий-иқтисодий фаолиятини чуқурроқ ўрганиш учун тақдим этиладиган маълумотлар (бошланғич ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоботи) билан бир қаторда, банк мазкур тизимдан ҳоли бўлган ахборотлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Бунга мијознинг фаолиятини турли жабҳаларини қамраб олган даврий нашрларда эълон қилинган мақолалар (ҳуқуқий, маркетинг, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-маънавий ва бошқа чиқишлар), мијоз томонидан ёки унинг иштирокида ташкил этилган кўргазмалар, кўриклар, тақдимотлар тўғрисида хабарлар, реклама буклетлари, видеофильмлар ва бошқа тарғибот материаллари маълумотлар учун манба бўлиши мумкин.

Мазкур ахборотлар манбаини ўрганиш мијознинг фаолияти тўғрисида, унинг олдида турган муаммолар, ривожланиш истиқболлари тўғрисида тўлиқ маълумот олишга имкон беради. Тизимга дахлдор бўлмаган ахборотлар бошқа банклар, солиқ инспекцияси, банкнинг бошқа мијозларидан олиниши мумкин. Мазкур ахборотлар мијознинг тўлов қобилиятини шартнома ва шартнома мажбуриятларини бажариш интизомини, хўжалик суди ёки арбитражда муҳокама қилинганлигини, солиқ ва банк қонунчилигини бузганлигини аниқлаш учун хизмат қилади.

Банк унинг хизматидан барча фойдаланувчилар ва қарздорлар хусусида маълумотлар тўплаб, улардан ҳам тегишли ахборот олиш мумкин. Улардан ми- жознинг олдинги қарзларини тўлаш ҳолати, ҳисоб рақамида қолган сармояси, неча марта миждоз кредит қарзларини тўламаганлигини билиб олиши мумкин.

Банклар билан амалий иш даврида миждоз фао- лиятини ўрганиш қуйидаги умумий мезонлар асосида олиб борилади:

1. Миждознинг феъли (унинг шаъни, мажбурият- лари бўйича доимий жавобгарлиги, ҳаракатчанлиги).

2. Мажбурият бўйича миждознинг жавобгарлик имкониятлари (молиявий ҳолатини баҳолаш, тўлов имкониятларини ўзгартиришдаги истиқбол, фойда кўриш, активлар ўсиши ва уларнинг ликвидлиги).

3. Хусусий сармояларнинг етарлилиги.

4. Кредитларни қоплаш бўйича активларнинг си- фати ва самарадорлиги.

5. Иқтисодий ҳолати ва миждознинг унга боғлиқ- лиги даражаси (миждоз фаолият кўрсатаётган тармоқ- нинг аҳволи, маҳсулотга талаб, сотиш усуллари, таъ- минот шароити, ҳисоб-китоб шакллари ва бошқалар).

Барча ахборот манбалари инобатга олинган ҳолда миждознинг ҳолатини банк томонидан ўрганилиши ва унда бал бўйича баҳо қўйиш иқтисодий таҳлилнинг муҳим усули ҳисобланади. Юридик шахс бўлмаган ва молиявий ҳисобот тузмайдиган миждозларни таҳлил қилишда кўпинча шу усулдан фойдаланилади. Бунда банк томонидан ишлаб чиқилган анкета шаклини миждоз ёки банк ходими тўлдириб, миждоз билан бўладиган операцияларнинг банк учун аҳамияти инобатга олинган ҳолда ҳар бир анкета саволига белгиланган муайян баллар бўйича баҳоланади.

Масалан, бирор шахсга қарз бериш чоғида анкетадан қуйидаги маълумотлар ўрин олиши керак: қарз олувчининг ёши, жинси, ўтроқлиги, касби, фаолият тури, бир корхонада муҳим ишлаши (стажи), жамғарма ҳисобининг мавжудлиги, кўчмас мулкка эгаллиги, суғурта полиси ва бошқалар. Бирор бир қарор қабул қилиш учун жамланган баллар йиғиндиси банк томонидан белгиланган энг қуйи чегарадан ортиқ бўлиши керак.

Шундай қилиб, миждознинг ташкилий-иқтисодий тавсифи учун банк жуда кўплаб ахборот манбаидан фойдаланади: миждоз билан юзма-юз суҳбатлар, бухгалтерия ҳисоботи, миждознинг картотекаси, унинг таъсис ҳужжатлари, ташқи тармоққа алоқаси бўлмаган манбалар шулар жумласига киради. Ушбу ахборотларни банк таҳлил қилган миждознинг тақлифи нечоғли ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиб, бу билан ўз фаолиятидаги хавф-хатарни камайтиришга имкон яратади. Фаолиятни кўрсатувчи кўплаб батафсил маълумотларни умумлаштириш эвазига миждознинг умумий иқтисодий таснифи ушбу ахборотларни акс этган жадвал тузилиши билан яқунланади (6-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган корхонанинг маҳсулотлар сотишдан тушган тушуми, фойдаси, меҳнат унумдорлиги, мулкнинг ўртача йиллик қиймати ижобий бўлиб, ривожланишга имкониятлар етарли.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан сотишдан тушган тушумнинг ўсиш суръати (+6,93 %)дан сотишдан олинган ялпи фойданинг ўсиш суръати (12,08 %) сезиларли даражада юқорилиги эътиборни тортади. Бу албатта, сотилган маҳсулотлар таннархини

ҳам тадқиқ ўтказилаётган даврда маълум миқдорда ўсганлигини кўрсатиб турибди, лекин сотишдан тушган тушумни ўсиш суръатига нисбатан унинг ўсиш суръати ( $1,1208/1,0693 = 1,0482$  марта) секинроқ бўлган. Мазкур корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот таннархини ўзгаришига унинг ички омиллари билан бир қатор ташқи омилар—хом ашё, ёқилғи, энергия ва бошқа зарурий маҳсулот (яримфабрикатлар, бутловчи буюмлар ва шунга ўхшашлар) нархи ўсиб бориши ҳам катта таъсир кўрсатади.

6-жадвал

**Мижоз фаолияти кўрсаткичларини  
умумлаштириш таснифи**

т/р	Кўрсаткичлар номи*	Базис даври	Ҳисо- бот даври	Фарқи	
				Абсо- лот (+, -)	Нис- бий (%)
1	2	4	5	6	
1.	Соф йиллик фойда, минг сўм	81795	116543	34748	42,48
2	Сотишдан Олинган яли фойда, минг сўм	312000	349676	37676	12,08
3	Сотишдан тушган соф тушум, минг сўм	1087500	1162876	75376	6,93
4	Сотиш рентабеллиги, %	7,52	10,02	2,50	x
6	1 ходимнинг ўртача йиллик меҳнат унумдорлиги, минг сўм	8700	8945	245	2,82

7	Активларнинг йиллик ўртача қиймати	947400	1015436	68036	7,18
8	Активлар рентабelligи, %	8,63	11,48	2,85	х
9	Дебитор қарзлари, жами	217500	237120	19620	9,02
10	Шу жумладан, муддати ўтганлари	50525	52200	1675	3,33
11	Муддати ўтган дебитор қарзларининг салмоғи, %	23,23	22,01	-1,22	х
12	Кредиторлик қарзлари, жами	489000	489440	440	0,09
13	Шу жумладан, муддати ўтганлари	60450	53800	-6650	-11,0
14	Муддати ўтган кредит қарзларининг салмоғи, %	12,36	10,99	11,08	х
15	Банқдан олинган узоқ муддатли қарзлар	217500	221920	4420	2,03
16	Шу жумладан, муддатида узилмаганлари	х	6000	х	х
17	Банқдан олинган қисқа муддатли қарзлар	39600	31000	-8600	-21,72
18	Шу жумладан, муддатида узилмалари	х	280	х	х

Бу ерда ва кейинги жадвалларда ўртача йиллик кўрсаткичлар олинган.

Бироқ, бундай ўсишларга корхона ҳам ўз навбатида маълум тадбирларни белгилашга мажбур бўлади: бир томондан ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш ва иккинчи томондан ўз маҳсулотлари нархини кўтариш.

Бу ўзгаришлар ўз навбатида корхона фаолияти самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири – сотиш рентабеллигини 2,5 пунктга кўпайишига олиб келган. Аммо бу омилларнинг нечоғли таъсири хусусида якуний хулоса чиқариш учун миқдорнинг фаолиятини янада чуқурроқ таҳлил қилиш лозим.

Активлар ўртача йиллик қийматининг ўсиш суръати (7,18 %) мазкур корхонада ишлаб чиқариш кенгайганидан дарак беради. Бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати фойда олиш суръатидан паст бўлганлиги боис корхона активларининг самарадорлиги базис давридаги 8,63 %дан ҳисобот даврида 11,48 %гача яъни 2,85 пунктга кўпайган.

Таҳлил жараёнида дебитор қарзлари, шу жумладан, уларнинг муддати ўтиб кетганларини чуқур ўрганиш муҳимдир. Балансдаги маълумотларга кўра, ҳисобот даври охиригача бундай қарзлар базис йилига нисбатан 9,02 %га яқин, шу жумладан, муддати ўтганлари 3,33 %га ошган. Бу омил корхонанинг тўлов қобилиятига жиддий таъсир кўрсатади. Зеро, буни кредиторлик қарзлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, корхонанинг кредиторлик қарзлари ҳисобот даврида базис даврига нисбатан деярли ўзгармаган (0,09 %) бўлсада, лекин унинг ҳажми дебиторлик қарзига нисбатан катталигича қолиб турибди.

Муддати ўтган кредитор қарзлари миқдори ҳисобот йилининг охирига келиб, барча қарзларнинг 10,99 % ни ташкил этади. Ҳисобот даврининг охирида миждоз банкдан узоқ муддатга олган қарзларини ўз вақтида тўламаган миқдори 6 млн. сўмга етган, бу жами қарзининг 2,7 %ни ташкил этади.

Шундай қилиб, кўрсаткичлар таҳлили корхона фаолиятидаги ижобий ва шу билан бирга эътиборга молик камчиликлар, унинг иқтисодий ҳолати ҳусусида муайян ҳулоса чиқариш имконини беради. Аммо миждознинг фаолиятини жадвал кўрсаткичлари орқали дастлабки ўрганиш бундан кейинги қарз бериш банк учун бирор-бир хавф-хатар туғдириши мумкин, деган фикрга келишни тақозо этмайди. Бунинг учун миждознинг фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш керак бўлади.

#### **Банк кредит бўлими ходимларига эслатма:**

Миждозларнинг умумий ташкилий-иқтисодий таснифлаш жараёнида Сиз уларнинг бухгалтерия ҳисобларини тўғри, ишончли юритилганлигига алоҳида эътибор беринг. Бухгалтерия ҳисоблари тўғри юритилмаган корхоналардан эҳтиёт бўлиш лозим. Бундай корхоналар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўз фаолиятини молиялаштиришда мунтазам қийнчиликларга дуч келаётган корхоналар;

- фойдалилик даражаси кескин ва ишониб бўлмайдиган даражада кўпайиб кетган «сеҳирли корхоналар»;

- раҳбар ходимлари илгари ноқонуний ишлари учун жазоланган корхоналар;

- ўзини «жозибатор»лиги билан «эл оғзига тушиб қолган» корхоналар.

#### **IV. МИЖОЗ МУЛКИНИНГ ҲОЛАТИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ**

Тижорат банки фаолиятининг асосий мақсади-активларга қўйилган маблағлардан фойдаланишдир. Бунда корхона ва корхоналарга берилган кредитлар, қимматли қоғозлар ҳамда пайлар, депозитлар ва бошқа активлар инобатга олинади. Банклар қўйган маблағларнинг самарадорлиги, асосан банк миждозлари фаолиятининг нечоғли фойда келтиришига боғлиқ.

Мижознинг самарали ишлашидаги муҳим омиллардан бири уларнинг асосий воситалари ва моддий ресурслар ҳамда мол-мулкдан оқилона фойдаланишидир. Мижознинг меҳнат фаолиятига иқтисодий баҳо беришда унинг асосий воситалари ҳолатига, турли хил фаолият кўрсатишда мол-мулкдан қандай фойдаланишига, шу жумладан, ташқи иқтисодий алоқаларга эътиборни қаратиш керак.

Бундай таҳлил учун корхонанинг бухгалтерия ҳисоботи, шунингдек, ички ҳисоб ва ҳисобот материаллари, келишувга биноан баланс тақдим этиладиган бир неча йиллик мол-мулк миқдори, унинг ҳолати, таркиби ва ундан тўғри фойдаланиш хусусидаги кўрсаткичлар ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Таҳлил асосий фондлар ҳолати ва ундан фойдаланишга баҳо беришдан бошланади. Улардан сама-



рали фойдаланиш ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, таннархини арзонлаштириш, фойда олишни кўпайтириш ва юқори унумдорликка эришишга имкон беради. Эскирган асосий воситалардан фойдаланиш рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатиб, иқтисодий ўсиш суръатларини камайтиради.

Банк ишлаб чиқариш қувватларини янгилашни, янги технологик жараёнларни жорий этиш, асосий фондларнинг замонавий тузилмасини татбиқ этишни баҳолаши лозим. Янги техникадан фойдаланиш ва меъёрий муҳлатда фойдаланиш чоғида унинг унумдорлиги нечоғли ошганлигига ҳамда эскириб қолган техникадан фойдаланишнинг олдини олишга, асосий фондларни ўз вақтида замонавий технология билан тўлдириб боришга эътибор қаратилади.

Асосий фондларнинг ҳажми, таркиби, тузилмаси ва ўзгариб бориши (динамикаси) таҳлили ҳам муҳимдир. 3–5 йилдан кам бўлмаган даврда асосий фондлар таркиби, тузилмасининг ўзгаришини белгилловчи кўрсаткични баҳолаш айниқса, аҳамиятлидир. Фақат бир неча йиллик яқунлар корхона фаолиятидаги турғун ўзгаришларни аниқлаб олишга имкон яратади. Асосий фондларнинг айрим турлари қийматини уларнинг умумий ҳажмига (қийматига) қиёслаш асосий фондлар тузилмасини ифодалайди. Корхонанинг мавжуд асосий фондлари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш асосий фондлари қуйидаги турларга бўлинади: ер; ерни ободонлаштириш; узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш; имо-

рат, иншоот ва узатувчи мосламалар; машина ва ускуналар; мебел ва идора анжомлари; компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси; транспорт воситалари; ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар; кўп йиллик дарахтлар; бошқа асосий воситалар ва консервация қилинган асосий воситалар.

Асосий фондлар айрим турларининг ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ҳар хил. Бевосита маҳсулот етиштиришда қатнашадиганлари асосий фондларнинг актив қисмини, ишлаб чиқариш жараёнига шароит яратувчилари унинг пассив қисмини ташкил этади.

Асосий фондлар актив қисми қўшадиган улуш корхонанинг техникавий таъминланиш даражаси, қуввати, меҳнат унумдорлигини ошириши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг кўпайиши, самардорлигининг ўсишини аниқлаш билан белгиланади. Шу билан бирга, фондларнинг пассив қисмига бир томонлама баҳо бериб бўлмайди. Зеро, корхона фондларнинг бу қисмини ҳам вақти-вақти билан янгилаб туриш лозим.

Корхона фаолияти натижаси асосий фондларнинг техникавий ҳолатига боғлиқ. Буни таснифлаш учун ундан фойдаланиш коэффициентини ҳисоблаб чиқиш зарур. Эскириш коэффициентининг ошиши техника яроқсизлиги ва уни ўз вақтида янгиланмаганлигини билдиради.

Асосий фондлар ҳаракатини таснифлаш учун янгилаш ва эски техникадан қутулиш (эскириш) коэффициентини ҳисоблаб чиқиш керак. Улар барча асосий фондларнинг ўсиши, шунингдек, гуруҳлаб, турлаб ва доналаб ҳам қиймати бўйича кўриб чиқилади. Асосий фондларнинг янгилаш ва эскириш

даражасини ҳисоблаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланилади:

$$K_{я} = \frac{Я}{\Phi_{к}}$$

ва

$$K_{э} = \frac{\mathcal{E}}{\Phi_{б}}$$

бу ерда,  $K_{я}$  – янгилаш коэффициенти;  $Я$  – ҳисобот даврида ишга туширилган асосий фондлар;  $\Phi_{к}$  – асосий фондларнинг давр охиридаги қиймати;  $K_{э}$  – эскириш коэффициенти;  $\mathcal{E}$  – эскирган асосий фондларнинг ҳисобот давридаги қиймати;  $\Phi_{б}$  – асосий фондларнинг давр бошидаги қиймати.

Мижознинг фойда кўриши ва меҳнат унумдорлигига эришишида асосий фондлар самарадорлиги ва унумдорлиги унинг муҳим омили ҳисобланади. Асосий фондларни таҳлил қилиш кўрсаткичлари тизими таркибига кирувчи улардан фойдаланишнинг умумлашган ва якка кўрсаткичлар ёрдамида олиб борилади. Асосий фондлардан фойдаланишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари бўлиб, фондлар самарадорлиги ва фонд сифими ҳисобланади.

**Фондлар самарадорлиги (S)** маҳсулотлар сотишдан тушган соф тушум (N)ни (ҚҚС ва аксиздан ташқари) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати (F)га нисбати билан аниқланади, яъни

$$\Phi_c = \frac{N}{F}$$

Бу кўрсаткич асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир сўмлик қиймати ҳисобига неча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотилганлигини яъни фондлар қайтимини тавсифлайди.

**Фонд сифими** фондлар самарадорлигига тескари кўрсаткич бўлиб, у бир сўмлик маҳсулот ҳисобига ўртача неча сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари тўғри келишини тавсифлайди. Бу кўрсаткич маҳсулотларни фондларга бўлган талабчанлигини ифодалайди.

Фондлар самарадорлиги кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришда меҳнатнинг унумдорлик даражаси ҳамда унинг фондлар билан етарлича қуролланишига боғлиқдир. Ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги қуйидагича акс эттирилиши мумкин:

$$\Phi_c = \frac{W}{F_\phi}$$

бу ерда,  $\Phi_c$  – фондлар самарадорлиги;  $W$  – меҳнат унумдорлиги;  $F_\phi$  – меҳнатнинг фондлар билан қуролланиши.

Фондлар самарадорлигини жадаллаштиришга меҳнатнинг фонд билан қуролланишини ўсишига қараганда меҳнат унумдорлигини юқори суръатлар билан ошириш орқали эришиш мумкин. Агар фонд билан қуролланишнинг ўсиш суръатлари меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатларидан юқори бўлса, у тақдирда фондлар самарадорлиги динамикаси салбий бўлади.

Мижознинг мулкӣ ҳолати ва унинг самарадорлигининг умумий кўрсаткичларни ҳисоблаш усули ва уларни таҳлили учун ахборот манбаи 7-жадвалда баён этилган.

**Асосий фондларнинг тузилиши, таркиби ва  
фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари  
(минг сўмда)**

Кўрсаткичлар номи	Базис даври	Ҳисо- бот даври	Фарқи, %	
			Абсо- лют (+,-)	Нис- бий (%)
2	4	5	6	7
Асосий фондларнинг йиллик ўртача (соф баланс) қиймати	374400	395200	20800	5,56
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати	292300	325440	31750	10,86
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг асосий фондлар умумий қий- матидаги салмоғи, %	78,07	80,35	2,28	x
Машина ва ускуналар- нинг йиллик ўртача қий- мати	108750	142820	14070	12,94
Ишчи машина ва уску- наларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари қий- матидаги салмоғи, %	37,20	43,89	6,69	x
Асосий фондлар ўртача йиллик эскириши сум- маси	145500	190000	44500	30,58
Асосий фондларнинг эскириш даражаси, %	27,99	34,01	6,02	x
Асосий фондларнинг янгиланиш даражаси, %	12,95	18,16	5,21	x
Асосий фондлар ҳи- собдан чиқариш коэф- фициенти, %	10,62	11,28	0,66	x

Сотишдан тушган соф тушум	1087500	1162876	75376	6,93
Ходимларнинг ўртача рўйхат бўйича сони, киши	125	130	5	4,00
Асосий фондлар самарадорлиги, сўм	2,90	2,94	0,04	1,38
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг самарадорлиги, сўм.	3,72	3,57	-0,15	-0,04
Ишчи машина ва ускуналарнинг самарадорлиги, сўм	10,00	8,14	-1,86	-18,60
Ҳар бир ходимнинг ўртача меҳнат унуми, сўм	8700	8945	245	2,82
Ҳар бир ходимнинг фонд билан қурола-ниш даражаси, сўм	2995	3040	45	1,50

7-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар миқдорнинг асосий фондларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш даражасини таснифлайди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий ишлаб чиқариш фондлари корхона умумий асосий фондларининг 80,35 %ни ташкил этади. Таҳлил қилинаётган даврда асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати сал кам 11 %га, шу жумладан, машина ва ускуналар қиймати -12,94 %га ошган. Барча асосий ишлаб чиқариш фондлари таркибида ишлатиладиган машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғи ҳисобот даврига келиб сезиларли даражада - 6,69 пунктга ошган ва у 43,89 %ни ташкил қилган.

Таҳлил этилаётган даврда асосий фондларнинг янгиланиш даражаси 12,95 %дан 18,16 %га ўсган. Бу шуни кўрсатадики, корхонани техник жиҳатдан таъминлаш бир оз бўлсада яхшиланган. Шу билан бир қаторда, асосий воситаларнинг эскириш даражаси 28 %дан 34 %га кўпайган. Агар асосий фондларни эскириши билан уларни чиқиб кетишини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда уларни янгиланиш даражасини жадаллаштириш зарурлиги кўриниб турибди.

Таҳлил қилинаётган даврда асосий фондларнинг ишлаб чиқариш самарадорлиги 1,38 %га ўсиши фонд билан қуролланиш даражасини қўшимча ўсиш суръатига (+1,5 %) қараганда меҳнат унумдорлигининг қўшимча ўсиш суръатини (+2,82 %) юқорироқ бўлиши ҳисобига юз берган.

Сарфланган маблағни қайтариш суръати ва унинг динамикасига сотилаётган маҳсулот тури ва аҳамияти, бажарилган иш ва кўрсатилаётган хизмат турларини ўзгартириш катта таъсир кўрсатиши мумкин. Нархи юқори бўлган, нисбатан унча кўп меҳнат ва хом ашё талаб қилмайдиган маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтириш яъни сотилаётган маҳсулотлар тузилмасини яхшилаш эвазига асосий фондлардан фойдаланишни тезлаштирмай туриб ҳам фондлар самарадорлигини ошириш мумкин.

Фондлар самарадорлигига янги жиҳозлар баҳосининг ўсиши, унинг якка тартибдаги қуввати ва меҳнат унумдорлигининг динамикаси мос келмаслиги ҳам таъсир кўрсатади. Аммо бундай номуносиваликни фақат фирма ички таҳлили натижасидагина аниқлаш имконияти бўлади. Чунки, ана шу ўзгаришларни ҳисобга олишнинг молиявий ҳисоботлар маъ-

лумотлари чегараланганлиги учун ташқи таҳлилда –банк ходимлари томонидан амалга оширишнинг иложи йўқ.

Йиллик ҳисоботга ёзилган тушунтириш хатига асосан, банк ходими ускуналардан фойдаланишни якка тартибда ўрганиб, унинг иш вақти ва қувватидан фойдаланиш даражасини баҳолаб, бу кўрсаткичларнинг тез-тез ўзгариб туриши ва ускуналарнинг бекор туриб қолиш сабабларини, шунингдек фонд самарадорлигига ташқи омиллар таъсирини ҳам ўрганиши лозим.

Энди таркибига ишлаб чиқариш захиралари ва сарф харажатлар, тайёр маҳсулот ва товарлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар кирадиган жорий активлар таҳлиliga ўтамиз.

Энг аввало, айланма маблағларнинг тузилиши, таркиби ва ўсиш суръатларини кўриб чиқамиз (8-жадвал).

Маълумки, жорий (айланма) активлар корxonанинг барча активлари таркибида салмоқли улушга эга бўлади. Бу кўрсаткичнинг юқори бўлишига, кўпинча: корxonанинг қайси тармоққа муносиблиги, у ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг харидоргирлиги, меҳнат фаолиятининг зарурлигига боғлиқ бўлади. Масалан, саноат корxonаларидаги айланма маблағнинг тузилиши, таркиби ва салмоғи савдо корxonаларининг шундай кўрсаткичларидан фарқ қилади.

Машинасозлик заводи кўрсаткичларини тўқимачилик саноат корxonаси кўрсаткичларига таққослаб бўлмайди. 8-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, жорий активларнинг қўшимча ўсиш суръати (8,21 %) унинг активларининг қўшимча



ўсиш суръатидан (7,18 %) юқори, бу албатта маълум маънода корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти кенгайиб, ишбилармонликнинг ҳар хил жабҳаларига маблағ сарфланаётганлигини англатади. Шу билан бирга айланма маблағнинг активлардаги салмоғи 0,42 пунктга камайган, яъни деярли ўзгармай қолган ўсган.

8-жадвал

**Жорий (айланма) активларнинг ҳолати  
ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари  
(минг сўм)**

Кўрсаткичлар номи	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи, %	
			Абсолют (+,-)	Нисбий (%)
Жами активлар	947400	1015436	68036	7,18
Шу жумладан, жорий активлар	570000	616816	46816	8,21
Жорий активлар салмоғи, %	60,16	60,74	-0,42	х
Жорий активларни шаклантиришнинг ўз манбаи	81000	136376	55376	68,37
Жорий активларни шаклланишида ўз манбаининг салмоғи, %	14,21	22,11	7,90	х
Товар-моддий захиралари	277500	273600	-3900	-1,41
Товар-моддий захираларининг жорий активлардаги салмоғи, %	48,68	44,36	-4,32	х

Соф дебиторлық қарз- лари	217500	237120	19620	9,02
Дебиторлық қарзлари- ни жорий активлар- дағи салмоғи, %	38,16	38,44	0,28	x
Сотишдан тушған соф тушум	1087500	1162876	75376	6,93
Жорий активлар уму- мий айланувчанлиги, кун	191,1	193,1	2,0	1,05
ТМЗ айланувчанлиги, кун	130,6	122,8	-7,8	-5,98
Дебитор қарзларның айланувчанлиги, кун	73,0	74,4	1,4	1,91
Айланыш тезлигини оши- риш (секинлаштириш) қисобидан айланувға жалб қилинған (айла- нудан олинған) маблағ суммаси	x	6372	x	x
Жорий активларның бир сўмиға тўғри кела- диган сотишдан тушум, сўм	1,91	1,89	-0,02	-1,05

Корхонаның жорий активларини шаклантириш-  
дағи ўз (хусусий) маблағлари манбаини салмоғи 14,21  
%дан 22,11 % кўпайған, бу ижобий ҳолат сифатида  
баҳоланади. Ҳорижий амалиётда корхонаның айлан-  
ма маблағни шаклантиришдағи ўз маблағлари  
салмоғи 25 %дан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ  
деб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда

тадқиқ қилинаётган корхонанинг жорий активларни шакллантиришнинг ўз маблағлари манбаини кўпайтириб боришга қилинаётган ҳаракати диққатга сазовордир.

Таҳлил қилинаётган даврда айланма маблағларнинг таркибида товар-моддий захиралари салмоғининг 4,32 %га ёки 3900 минг сўмга камайган. Бу ерда эътиборли томони шундаки, корхонанинг ТМЗ таркибидаги тайёр маҳсулотларнинг камайиши нисбатан жадалроқ бўлган, яъни маҳсулотларни сотиш ўтган даврга нисбатан юқори бўлган.

Корхонанинг дебитор қарзлари салмоғи гарчи ўтган йилги даражада – 38 %да сақланиб қолган бўлсада, унинг абсолют миқдори–суммасининг 19520 сўмга ёки 9,02 %га ошганлиги алоҳида эътиборни тортади.

Жорий активлар тузилмасининг ўзгаришини улардан фойдаланишга қандай таъсир кўрсатишини қўриб чиқайлик.

Жорий активлардан самарали фойдаланиш даражасини умумий-қиёсий кўрсаткичи бўлиб, уларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган тайёр маҳсулотни сотишдан тушган тушум ҳисобланади. 8-жадвалдан кўриниб турибдики, ҳисобот даврида жорий активлар самарадорлиги бир оз бўлсада камайган. Маълумки, жорий активлар самарадорлигининг ўсишига ишлаб чиқаришдаги жорий активлардан унумли фойдаланиш даражаси, шунингдек, айланишдан четлаштирилган активлар салмоғи, пул маблағлари ҳисоб ва рафидаги қолдиқ, қисқа муддатли қимматбаҳо қозғозларга ажратилган қўйилмалар кабилар ҳам таъсир кўрсатади.

Жорий активлардан унумли фойдаланишнинг муҳим кўрсаткичи уларнинг айланиши яъни маблағларни ишлаб чиқариш захираларидан тайёр маҳсулотга ўтиш ва тайёр маҳсулотнинг пулга айланиши тезлигидир.

Жорий активларнинг айланиши унинг айланиши тезлиги ёки айланиш давомийлиги билан ўлчанади. Бу кўрсаткичлар қуйидаги усулда ҳисоблаб топилади:

1) Жорий активларни айланиш тезлиги ( $A_T$ )

$$A_T = \frac{C_{\pi}}{Ж_а};$$

2) Жорий активлар айланишининг давомийлиги ( $A_A$ )

$$A_A = \frac{Ж_а \cdot K_k}{C_{\pi}},$$

ёки

$$A_A = \frac{K_k}{A_T},$$

бу ерда,  $C_{\pi}$  – сотишдан тушган соф тушум;  $Ж_а$  – жорий активларнинг ўртача йиллик қиймати;  $K_k$  – даврдаги календар кунлари.

Маблағлар айлантиришни тезлаштириш маҳсулот сотиш ҳажмини оширади (пул имкониятлари орқали), ортиқча ишлаб чиқариш захираларини камайтиради, фойда ва самарадорликни оширади.

8-жадвалда барча жорий активлар умумий айланиш, шунингдек, товар-моддий захиралари ва дебиторлик қарзларини айланиш кўрсаткичлари кел-

тирилган. Бундай ҳисоб-китоблар айланма маблағлар айланишини ҳамда бошқа айланма маблағлар: тайёр маҳсулот, товарлар ва бошқаларининг ҳолатини ҳам кўрсатади.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳисобот даврида барча жорий активларнинг айланиши давомийлиги базис даврига қараганда 2 кунга секинлашган. Бу ТМЗ айланиш тезлигини 7,8 кунга тезлашиши ва дебиторлик қарзлари айланишини 1,4 кунга секинлашиши ва қолаверса, жорий активларнинг бошқа моддаларини ҳам айланиш тезликларини ўзгариши эвазига юз берган.

Ҳар бир хусусий айланиш кўрсаткичининг умумий айланишдаги салмоғини аниқлаш учун юқорида олинган айрим айланма маблағлар айланиш давомийлигини уларнинг барча жорий активлар улушига кўпайтириш лозим. Шундай қилиб, ТМЗ эвазига умумий айланиш 4,3 кунга ( $7,8 \cdot 0,607$ ) тезлашган. Дебитор қарзлари ҳисобига умумий айланиш 0,8 ( $1,4 \cdot 0,607$ ) кунга кўпайган.

Жорий активларнинг бошқа элементларининг умумий айланишига таъсирини биз кўриб чиқмаймиз. У ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин.

Умумий айланиш ва унинг йиғиндиси кўрсаткичлари ўсишини таҳлил қилиш орқали маблағларнинг айланишини тезлаштиришга ёки секинлаштиришга қандай таъсир кўрсатгани ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун ҳисобот давридаги натижалар базис даври билан таққосланади ва олинган фарқ ҳисобот давридаги сотиш бўйича бир кунлик айланишга кўпайтирилади.

8-жадвал маълумотларидан айланма маблағларни айланишини 2 кунга ( $193,1 - 191,1$ ) секинлашиши

нати-жасида айланишга яна 6372 минг сўм 2·(1162876:365) маблағни қўшимча жалб қилишга олиб келганлигини аниқлаб олиш қийин эмас. Бу ҳолат шуни кўрсатиб турибдики, бир хил шароитда ишлаган корхона қўшимча равишда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш даврини бир оз (2 кун) чўзилиши эвазига 6372 минг сўм йўқотган ва ундан ишлаб чиқаришда фой-далана олмаган.

Таҳлилнинг кейинги босқичи айланма маблағлар айланишининг секинлашиш сабабларини аниқлашдан иборат. Бу сабабларни иккига бўлиш мумкин: ташқи, яъни корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ва ички, ташкилий-техникавий омиллар билан боғлиқ бўлган сабаблар. Ташқи омилларга корхона тузилишини ўзгартиришга олиб келган иложсиз сабаблар, шунингдек хом ашё, материаллар ва бошқа айланма активлар бўйича шартномаларнинг бузилиши, мамлакатдаги пул муносабатлари аҳволи-инфляция даражаси, ҳисоб-китоблар тизими ва бошқалар киради.

Айланма маблағлар айланишининг ўзгариш сабабларини ички омилларга кўра бир неча турга ажратиш мумкин:

- янги техника, технология ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига ҳаракатланиш жараёнидаги ўзгаришлар;
- маҳсулотлар сотишни ташкил этиш усуллари ва сотилган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар;
- моддий ресурсларни сарфлаш натижалари (тежаш ёки ортиқча сарфлаш);
- сотишда бўлмаган моддий ресурслар, товарлар, тайёр маҳсулотларнинг тўпланиб қолиши;

- айланма маблағларни шакллантириш манбаини бошқа мақсадларда фойдаланиш, яъни айланма маблағларни сочиб юбориш.

Маблағларнинг айланишини таҳлил қилишда катта эътибор: асосий маблағларни беҳуда сарфлашга олиб келган-ишлаб чиқаришга оид бўлмаган сарфларга қаратилади. Маблағларни беҳуда сарфлашга унчалиқ харидоргир бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқаришга маблағ сарфлаш, харидоргир бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган, тўхтатилган буюртмалар, муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари, айланма маблағларни капитал қўйилмада фойдаланиш; фаолиятнинг айрим турлари бўйича зарарни қопламаслик киради. Ҳисобот таҳлилида маблағларни беҳуда сарфлашни тўлақонли аниқлаш имкони бўлмайди. Бунинг учун жорий бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш зарур.

Фойдаланилган моддий ресурслар даражаси-айланма маблағлар айланишини жадаллаштиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Маҳсулотга кам хом ашё сарфлаш, маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш мижознинг фойда кўришини оширишнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Моддий ресурслардан тежамли фойдаланиш маҳсулот сотиш ҳажмини ошириб, айланма маблағларнинг айланувини тезлаштиради.

Моддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлар тизими ёрдамида баҳоланади. Улардан асосийси-маҳсулот бирлиги учун хом ашё сарфланиш ҳажми ва унинг моддий самарадорлигидир. **Маҳсулот бирлиги учун хом ашё сарфлаш материал**

**СИҒИМИ**-ишлаб чиқарилган 1 сўмлик маҳсулот учун солиштирма сарфланган хом ашё билан тавсифланди, яъни

$$m = \frac{M}{Q},$$

бу ерда,  $m$  – маҳсулот бирлиги учун сарфланган моддий ресурслар (моддий ресурслар қайтими);  
 $M$  – моддий ресурслар сарфининг умумий қиймати;  
 $Q$  – маҳсулот ҳажми, қиймат шаклида.

Моддий ресурслар самарадорлиги сарфланган моддий ресурсларнинг ўртача 1 сўмлик қиймати ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан белгиланади, яъни

$$V = \frac{Q}{M},$$

бу ерда,  $V$  – бир сўмлик моддий ресурс эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

Хом ашё сарфлаш яъни **материал сиғими кўрсаткичлари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

- умумий материал сиғими-қилинган моддий сарфларни сотилган маҳсулот қийматига нисбати;
- айрим материаллар сиғими-материал харажатлар аниқ гуруҳининг сотилган маҳсулот қийматига бўлган нисбати;
- алоҳида материаллар бўйича салмоқ материал сиғими – бир турдаги маҳсулот бирлигига тўғри келадиган материаллар харажати (натурал ҳолда



ҳисобга олинади), яъни аниқ турдаги материалларни аниқ турдаги маҳсулотга нисбати.

Моддий сарфлар сифимининг ҳисоби ва таҳлили 3–5 йиллик ўсиш кўрсаткичлари асосида олиб борилади. 9-жадвалда корхонанинг йиллик ҳисоботи асосида моддий ресурслардан фойдаланишни ҳисоблаш усулларида келтирилган.

9-жадвал

**Моддий ресурслардан фойдаланиш кўрсаткичлари  
(минг сўм)**

т/р	Кўрсаткичлар номи	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи	
				Абсолют (+,-)	Нисбий (%)
1	2	4	5		6
1	Сотишдан тушган соф тушум	1087500	1162876	75376	6,93
2	Моддий ишлаб чиқариш харажатлари	282750	290720	7970	2,82
3	Умумий материаллар сифими, сўм	0,26	0,25	-0,01	-3,85
4	Моддий самарадорлик, сўм	3,85	4,00	0,15	3,90

9-жадвалдан кўриниб турибдики, корхонадаги маҳсулот учун хом ашё сарфлаш ҳажми базис даврига қараганда 2,82 %га ошган. Бу эса барча айланма маблағлар айланувини секинлаштириб, маҳсулот ишлаб чиқариш суръати ва уни сотиш суръатининг ўсишига салбий таъсир кўрсатди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда моддий ресурслар сарфи ва маҳсулотларни ресурсларга бўл-

ган талабчанлиги (моддий сифими) орасидаги ўзаро боғланишни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин (шартли белгилар юқорида келтирилган):

$$Q = \frac{M}{m},$$

Кейинчалик занжирли боғланиш усулидан фойдаланган ҳолда бу икки омилни маҳсулотнинг қиймат шаклидаги ҳажмига таъсирини аниқлаш мумкин:

а) биринчи омил-моддий сарфлар ҳисобига маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсирини аниқлаш:

$$Q_M = (M^\Phi : m^B) - Q^B$$

б) иккинчи омил-моддий сифим ҳисобига маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсирини аниқлаш:

$$Q_m = Q^\Phi - (M^\Phi : m^B)$$

бу ерда,  $M^B$  ва  $M^\Phi$  – моддий ресурсларнинг базис ва ҳисобот давридаги сарфи;  $m^B$  – маҳсулотнинг базис давридаги моддий сифими.

Юқоридаги усулда тилга олинган омилларнинг маҳсулот сотиш ҳажмига таъсирини ҳисоблаб чиқамиз:

$$Q_M = (290720/0,26) - 1087500 = 1118154 - 1087500 = \\ = +30654$$

$$Q_m = 1162876 - (290720/0,26) = 1162876 - 1118154 = \\ = +44722$$

Қилинган ҳисоблардан кўриниб турибдики, моддий ресурсларни ортиқча сарфлаш эвазига маҳсулот ҳажми 30654 минг сўмга ошган. Материал сифимини, яъни маҳсулотларнинг моддий ресурсларга бўлган талабчанлигини камайиши ҳисобига маҳсулот ҳажми 44722 минг сўмга ошган. Икки омил таъсирида сотишдан тушган тушум ҳажмини кўпайиши 75376 минг сўмни ташкил этди.

Банкга тақдим этилган тушунтириш хатида мижоз шартнома бўйича энг муҳим ресурсларни сарфлаш меъёридан четга чиқилгани сабабларини келтиради. Бунда материалларни сарфлаш техник талабларга жавоб бермаслиги, таъминотчи мажбуриятини бажармагани боис бир материални бошқаси билан алмаштиришга тўғри келганлиги, материаллар билан таъминланмаганлиги, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, бичиш ва қайта ишлаш технологияси бузилганлиги, ускуналарнинг носозлиги ва бошқа сабаблар кўрсатилади. Таҳлилда мижоз фаолиятида муҳим ҳисобланган материаллар ҳажмини кенгайтириш аниқланади.

Корхона фаолиятида маҳсулот, хом ашё, товарлар ва хизматлар бўйича экспорт ва импорт операциялари муҳим йўналиш ҳисобланади. Бу борадаги фаолият учун мўлжалланган маблағлардан тежамли фойдаланишни қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳолаш мумкин:

– экспорт ва импорт операцияларини олиб боришда фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондларининг фонд қайтими;

– ташқи иқтисодий фаолиятидаги айланма маблағлар қайтими;

– экспорт маҳсулотларининг самарадорлиги (рентабеллиги).

Бу кўрсаткичлар экспорт ва импорт бўйича миқдорнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан қандай фойдаланаётганини аниқлаш имконини беради. Кўрсаткичларни ҳисоблаш усули 10-жадвалда келтирилган.

10-жадвал

**Ташқи иқтисодий фаолиятнинг самарадорлиги  
кўрсаткичлари таҳлили  
(минг сўмда)**

Кўрсаткичлар номи	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи, %	
			Абсолют (+,-)	Нисбий (%)
2	4	5	6	7
Экспорт тушуми	299400	315500	16100	5,38
Экспорт тушумидан фойда	29900	35050	5150	17,22
Асосий ишлаб чиқариш фондларининг йиллик ўртача қиймати	292300	325440	31750	10,86
Жорий активлар қиймати	570000	616816	46816	8,21
Экспорт бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларининг фонд қайтими, сўм	1,02	0,97	-0,05	-0,05
Айланма маблағларнинг экспорт бўйича қайтими, сўм	0,53	0,52	0,01	0,02
Экспорт қилинган маҳсулот самарадорлиги, %	10,00	11,11	1,11	x

-) 10-жадвал кўрсаткичлари таҳлили шундан далолат берадики, экспорт бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларининг фонд қайтими ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 0,05 %га камайган, бу эса корхона бўйича умумий фонд қайтими кўрсаткичидан 1,0 пунктга (2.1-жадвалга қаралсин) юқорироқ, экспорт бўйича айланма маблағлар қайтими базис даврига нисбатан 0,2 пунктга пасайган, аммо бу кўрсаткич бутун корхона бўйича олиб қараганда 1,37 пунктга камдир (2.2-жадвалга қаралсин).

Ҳисобот давридан экспорт қилинган маҳсулотнинг самарадорлик даражаси 11,11 %ни ташкил этди, бу эса маҳсулот самарадорлик даражасидан 1,09 пунктга юқоридир. Таҳлил қилинаётган ҳисобот даврида экспорт қилинган маҳсулот самарадорлиги 1,11 пунктга кўпайган ҳолда яли маҳсулот самарадорлиги 2,5 пунктга кўпайган.

Ўсиш суръатлари ва кўрсаткичлар даражасини таққослаш шуни кўрсатдики, корхонанинг умумий фаолиятига қараганда ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланиши анча самарали бўлган. Аммо якуний хулоса чиқариш учун шу даврдаги бухгалтерия ҳисоботи маълумотларини чуқур ўрганиб чиқиш лозим.

Таҳлилда экспорт операцияларининг ҳажми, тuzилмаси шартнома баҳоларининг ўзгариши, экспорт тушумларидаги валюта курсининг ўзгариши ўрганиб чиқилиши мумкин. Бу омилларнинг нечоғли таъсирини айрим шартномаларни ўрганиш орқали билиб олса бўлади.

Экспорт операцияларда ресурслардан тежамли фойдаланишни четга чиқарилган ҳар 1 сўмлик маҳ-

сулот учун сарфланган харажатларнинг ўсиш даражаси билан таққослаб ўрганиш мумкин. Таҳлилда 1 сўмлик экспортдан тушган тушум учун кетган харажатларни аниқлашда: транспорт сарфлари, божхона тўловлари, юкни қўриқлаш, маъмурий-бошқарув харажатларини инобатга олиш билан бирга, экспорт қилинган маҳсулот таннархига таъсир кўрсатувчи бундай сарф-харажатларни камайтириш йўллари аниқланади.

Банк ходими бир мамалакатдан бошқа мамлакатга юк олиб ўтишдаги маблағнинг ҳаракати бўйича маълумотлар ва шартнома ҳужжатлари асосида маблағларнинг айланишини кузатади. Бунда шартнома тузишдан бошлаб, экспорт бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва ташқарига чиқаргани учун миқдорнинг валюта ҳисобига маблағлар келиб тушиши ҳам инобатга олинади. Бунда банк ходими экспорт бўйича ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, таъқиқ бозорга чиқиш йўллари хусусида миқдорга қимматли маслаҳатлар бериши лозим. Бундай тавсиялар экспорт тушумлари муддатини қисқартириш, экспорт бўйича воситачилик харажатларини камайтириш, экспорт тушумлар бўйича туриб қолишларининг олдини олишни мақсад қилиб қўйиши лозим. Бундан ташқари, таҳлилда шартнома баҳоларнинг асосланганлигига эътиборни қаратилиши лозим.

Импорт операциялари пайтида чет эл валюта-сидаги маблағларнинг айланиш тезлиги фондлар самарадорлигини оширишда катта роль ўйнайди. Операцияларни ўтказишда банк ходими шартномада кўзда тутилган валютанинг айланиш тезлигига баҳо бериши лозим. Бунда шартнома асосида олдиндан

чет эл валютасида пул тўлаш, товарлар етказиб бериш, божхонада ҳужжатлаштириш, корхонага валюта тушиши, сотишдан келадиган тушумлар ҳисобга олинади. Шу билан бирга, импорт бўйича бўладиган ҳисоб-китоблар усули, ташқи бозорга чиқиш воситаларига (бевосита шартномалар, воситачилар орқали) алоҳида эътибор берилади.

## V. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА УЛАРДАН Фойдаланишни таҳлили

Мижознинг маълум давр ичидаги фаолиятининг турли томонлар-ишлаб чиқариш, савдо, воситачилик, инвестиция ва молиявий томонлари молиявий натижалар тизимида яқунланган қиймат кўринишидаги ўз баҳосини топади.

Ҳозирги вақтда корхона молиявий натижаларини фойдасининг қуйидаги кўрсаткичлари билан баҳолаш тавсия қилинган:

- маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;
- асосий фаолият бўйича фойда;
- умумхўжалик фаолияти бўйича фойда (зарар);
- солиқ тўлашдан олдинги фойда;
- йилнинг соф фойдаси.

Ушбу кўрсаткичлар миждоз фаолиятининг турли томонларини-маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, харажатларни камайтириш, молиявий фаолият яхшилаш борасидаги ишлари даражасини баҳолаш имконини беради.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда ( $\Phi_{я}$ ) – бу сотишдан тушган соф тушум (СТТ) билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи (СМТ) ўртасидаги тафовутдир, яъни

$$\Phi_{я} = \text{СТТ} - \text{СМТ}$$



**Асосий фаолият бўйича фойда** ( $\Phi_a$ ) – бу сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ( $\Delta_x$ ) орасидаги тафовутга асосий фаолият бошқа натижалари ( $\Delta B_{\text{фн}}$ ) орасидаги тафовутлар йиғиндисидир, яъни

$$\Phi_a = \Phi_{\text{я}} - \Delta_x + B_{\text{од}}$$

бу ерда,  $B_{\text{од}}$  – асосий фаолиятдан олинган бошқа операцион даромадлар.

**Умумхўжалик фаолияти бўйича фойда (зарарлар)** ( $\Phi_y$ ) – бу асосий фаолиятдан олинган фойдага молиявий фаолият натижалар орасидаги тафовутлар ( $\Delta M_{\text{фн}}$ ) йиғиндисидир, яъни

$$\Phi_y = \Phi_a \pm \Delta M_{\text{фн}}$$

бу ерда,  $\Delta M_{\text{фн}}$  – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ( $M_{\text{фа}}$ ) ва у бўйича қилинган харажатлар ( $M_{\text{фх}}$ ) орасидаги фарқдир, яъни

$$\Delta M_{\text{фн}} = M_{\text{фа}} - M_{\text{фх}}$$

**Солиқ тўлашдан олдинги фойда** ( $\Phi_c$ ) – бу умумхўжалик фаолияти бўйича фойда билан фавқулоддаги (кўзда тутилмаган) фойда ва зарарлар орасидаги тафовут ( $\Phi_{\text{фз}}$ ) йиғиндисидир, яъни

$$\Phi_c = \Phi_y \pm \Phi_{\text{фз}}$$

**Йилнинг соф фойдаси** ( $\Phi_n$ ) – бу солиқ тўлашдан олдинги фойда билан даромад (фойда) солиғи ( $\Delta_c$ ) ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа

солиқлар ва тўловлар ( $B_{ст}$ ) орасидаги тафовутдир,  
яъни

$$\Phi_{я} = \Phi_c - A_c - B_{ст}$$

Корхона фойданинг асосий қисмини маҳсулот сотиш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишдан олади. У амалдаги нархларда (КҚС ва акцизсиз) сотилган маҳсулотдан тушган тушум ҳамда сотилган маҳсулотнинг таннархи ўртасидаги фарқдан келиб чиқади. Фойда суммаси жуда кўп омиллар таъсирида ўзгариши мумкин. Жумладан, сотилган маҳсулот ҳажми, тури, сифати, тузилиши, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат, баҳолар даражаси, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш кабилар сотишдан олинган ялпи фойданинг кўпайиши ёки камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Мижоз маҳсулотлар сотишдан оладиган ялпи фойдадан ташқари асосий фаолиятдан ҳам маълум миқдорда даромад олиб ўз фойдаси миқдорини кўпайтириши мумкин. Асосий фаолиятдан тушадиган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

1) хўжалик шартнома шартларини бузганлиги учун ундирилган (ёки қарздор тан олган) жарима ёки бошқа турдаги «жазолар»лар, шунингдек, келтирилган зарарни қоплаш бўйича даромад;

2) ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар даромади. Жумладан, ўтган йилда таъминловчидан кўрсатилган хизмат ва моддий бойликлар учун қайта ҳисоб-китоб бўйича олинган ва сарф қилинган пуллар; ўтган йилда сотилган маҳсулот учун қайта ҳисоблар бўйича харидор ва буюртмачилардан олинган сумма ва бошқа шу кабилар.

3) маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) ва сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган рента даромади, корхона қошидаги ошхоналардан келадиган тушум, ёрдамчи бўлимлардан келадиган даромад каби бошқа (шу жумладан, идишлар-тара операциясидан олинган) даромадлар;

4) корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мулкларини сотишдан келадиган даромад;

5) даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан келадиган даромад;

6) бошқа операцион даромадлар (жумладан, товар-моддий бойликларни ва тайёр маҳсулотни қайта баҳолашдан келадиган даромад ва шунга ўхшашлар).

Мижоз соф фойдасини кўпайтиришнинг манбаларидан яна бири бу унинг молиявий фаолиятдан тушадиган даромадлардир. Корхоналар молиявий фаолиятдан қуйидаги даромад турларига эга бўлиши мумкин:

1) капитал трансфертидан олинган даромад;

2) ҳиссадорлик қатнашувидан (улуш кўринишида) олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар, корхонага тегишли облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;

3) валюта счёtlари, шунингдек, чет эл валютасида операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари;

4) мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан келадиган даромадлар;

5) Қимматли қоғозлар, шўъба корхона ва бошқаларга қўйилган маблағни қайта баҳолашдан кўрилган даромад.

б) молиявий фаолиятдан келадиган бошқа даромадлар.

Мижоз фаолияти ўрганилар экан унинг соф фойдасини кўпайтириш манбалари ва улардан фойдаланиш даражасига баҳо берилади. Корхонанинг «Молиявий натижалари ва улардан фойдаланиш ҳисоботи» шаклида келтирилган маълумотлардан фойдаланиб, унинг фаолияти яқунларига умумий баҳо берилади ва сўнгра фойда динамикаси тадқиқ қилинади. Таҳлил учун маълумотлар 11-жадвалда келтирилган.

11-жадвал

**Молиявий натижа кўрсаткичларининг таҳлили  
(млн.сўмда)**

Кўрсаткичлар номи	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи, %	
			Абсолют (+,-)	Нисбий (%)
2	4	5	6	
Сотишдан тушган соф тушум	1087500	1162876	75376	6,93
Сотилган маҳсулотлар таннари	775500	813200	37700	4,86
Сотишдан олинган ялпи фойда	312000	349676	37676	12,08
Давр харажатлари, жами	194250	189778	-4472	-2,30
шу жумладан:				
сотиш харажатлари	37500	42636	5136	13,70
Маъмурий бошқарув ва бошқа харажатлари	156750	147142	-9608	-6,13

Асосий фаолиятдан олинган фойда	117750	159898	42148	35,79
Молиявий инвестициядан фойда	15000	7980	-7020	-46,80
Фоиз кўринишидаги харажатлар	25125	24700	-425	-1,69
Солиқ тўлашгача бўлган фойда	107625	143178	35553	33,03
Даромад (фойда) солиғи	25830	26635	805	3,12
Соф (йиллик) фойда	81795	116543	34748	42,48

11-жадвалнинг кўрсаткичларини ўрганиш шуни кўрсатадики, таҳлил қилинаётган корхонанинг солиқ тўлашгача бўлган фойдаси ҳисобот даврида 33,03 %га ўсган, сотишдан олинган ялпи фойданинг ўсиши эса 12,08 %ни ташкил этган. Асосий фаолият билан боғлиқ асосий харажатлардан бири сотиш харажатлари ҳисобот даврида кўпайиши ва молиявий инвестициялардан олинган фойдани кескин камайиши солиқ тўлашгача бўлган фойдани бир оз камайишига сабаб бўлган бўлсада, маъмурий бошқарув харажатлари ва фоиз кўринишидаги харажатларни кескин камайиши эвазига солиқ тўлашгача бўлган фойда кескин кўпайган.

Сотишдан олинган ялпи фойдани қўшимча ўсиш суръати (12,06 %), сотишдан тушган тушумнинг қўшимча ўсиш суръати (6,93 %)дан юқорироқ бўлган. Бундай нисбатни вужудга келишига сотилган маҳсулотлар таннархини қўшимча ўсиш суръати (4,86 %) сотишдан тушган тушумни қўшимча ўсиш суръатидан пастлиги сабаб бўлган.

Бундай шароитнинг юзага келиш сабаблари бир нечта: сотилган маҳсулотлар таркибида таннархи паст, лекин баҳоси юқори бўлган маҳсулотлар салмоғининг кўпайиши; таъминотчилар етказиб берган хом ашё ва яримфабрикатларни харид қилиш баҳосининг камайганлиги, хом ашё, электр қувватини ва бошқа ресурсларни тежаб фойдаланганлиги ва бошқалар.

11-жадвал кўрсаткичлари асосида ушбу омилларни маҳсулот сотишдан олинган фойдага таъсир этишнинг таҳлил этиш усулини кўриб чиқамиз.

Сотишдан келадиган фойда динамикаси қуйидаги асосий омиллар таъсирида шаклланади: сотиш ҳажми, унинг тузилмаси, сотиладиган маҳсулот баҳосининг эркинлиги, маҳсулот таннархининг даражаси.

1. Маҳсулот сотишдан олинган фойданинг умумий ўзгариши қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta\Phi = \Phi_1 - \Phi_0$$

бу ерда,  $\Phi_1$ —ҳисобот давридаги фойда;  $\Phi_0$ —базис давридаги фойда:

$$\begin{aligned}\Delta\Phi &= \Phi_1 - \Phi_0 = 1162876 - 1087500 = \\ &= 75376 \text{ минг сўм.}\end{aligned}$$

2. Маҳсулот сотиш баҳоси ўзгаришининг фойдага таъсирини аниқлаш учун ҳисобот давридаги нархларда сотилган ҳақиқий маҳсулот қиймати ва ҳисобот давридаги ҳақиқий сотилган маҳсулотнинг базис даври баҳоларидаги қиймати таққосланади, яъни

$$\Delta\Phi_p = \Sigma p_1 q_1 - \Sigma p_0 q_1$$

бу ерда,  $p_0 q_1$  – базис йили баҳоларидаги ҳисобот йилидаги сотиш ҳажми;  $p_1 q_1$  – ҳисобот йили баҳоларида ҳисобот йилидаги сотиш ҳажми;  $p_1, p_0$  – ҳисобот ва базис йилидаги маҳсулот бирлигининг баҳолари;  $q_1, q_0$  – ҳисобот ва базис даврларидаги сотилган маҳсулотнинг физик ҳажми.

2-рақамли шаклда йиллик ҳисоботнинг базис даври баҳосида ҳақиқий сотилган маҳсулот хусусида маълумот йўқ. Ушбу омилнинг таъсирини ҳисоблаш учун умумий баҳолар индекси ёки истеъмол товарлари баҳосининг индекси усулидан фойдаланиш мумкин. Баҳолар индекси статистика маҳкамалари томонидан расмий нашрлардан олинishi мумкин. Айтайлик, бизнинг мисолда таҳлил қилинаётган даврда ўртача баҳолар индекси 1,20, яъни баҳо 20 %га қўшимча ўсган. Демак, ҳисобот даврида сотилган маҳсулотлар базис даври баҳоларида

$$\Sigma p_1 q_1 : I_p = \Sigma p_0 q_1 \text{ га}$$

ёки

$$1162876 : 1,20 = 969063 \text{ га тенг}$$

бўлади.

Демак, сотилган маҳсулот баҳосини ортиши эвазига фойда 193816 минг сўмга кўпайган, яъни

$$\begin{aligned} \Delta\Phi_p &= \Sigma p_1 q_1 - \Sigma p_0 q_1 = 1162876 - (1162876 : 1,20) = \\ &= +193813 \end{aligned}$$

3. Маҳсулот ҳажми ўзгаришини фойдага таъсири ( $\Delta\Phi_q$ ). Мазкур омилнинг фойдага таъсирини аниқлаш учун сотишдан олинган базис фойда сотилган маҳсулот ҳажмининг қўшимча ўсиш коэффициентига кўпайтирилади:

$$\Delta\Phi_q = \Phi_0 \cdot \left( \frac{\sum p_0 q_1}{\sum p_0 q_0} - 1 \right)$$

ёки

$$\Delta\Phi_q = \Phi_0 \cdot (I_q - 1)$$

бу ерда,  $p_0 q_1$  – базис йили баҳосида ҳақиқатдан сотилган маҳсулот;  $p_0 q_0$  – базис йилида сотилган маҳсулот;  $I_q$  – маҳсулот ҳажмининг ўсиш коэффициенти яъни

$$I_q = \frac{\sum p_0 q_1}{\sum p_0 q_0}$$

Мисолимизда фойдага сотиш ҳажми ўзгаришининг таъсири:

$$\begin{aligned} 312000 \cdot [(969063:1087500) - 1] &= 312000 \cdot (0,891 - 1) = \\ &= -33980 \text{ минг сўмга тенг.} \end{aligned}$$

4. Маҳсулот ассортименти ва унинг тузилмаси ўзгаришини фойдага таъсирини аниқлаш 1 сўмлик сотилган маҳсулот учун қилинган харажатнинг базис давридаги даражасини базис даври баҳоларида сотилган ҳақиқий сотиш ҳажмига кўпайтириш ҳамда



ҳисобот давридаги сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий қиймати бўйича олинган яқунларга таққослаш билан ҳисобланади.

$$\Delta\Phi_t = \left[ \frac{\sum T_0 q_0}{\sum p_0 q_0} \cdot \frac{\sum p_1 q_1}{I_p} \right] - \sum T_1 q_1$$

бу ерда,  $T_0 q_0$  – сотилган маҳсулотнинг базис таннархи;  $p_0 q_0$  – базис даврида сотилган маҳсулот ҳажми;  $p_1 q_1$  – ҳисобот даврида сотилган маҳсулот ҳажми;  $T_1 q_1$  – ҳисобот давридаги сотилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи;  $I_q$  – баҳонинг умумий индекси.

Бизнинг мисолимизда сотилган маҳсулот таннархи ўзгаришининг фойдага таъсири:

$$\begin{aligned} \Delta\Phi_t &= [(775500:1087500) \cdot (1162876:1,20)] - 813200 = \\ &= (0,7131 \cdot 969063) - 813200 = 691040 - 813200 = \\ &= - 122160 \text{ минг сўмга тенг.} \end{aligned}$$

Омилларнинг умумий таъсири:

$$193816 - 33980 - 122160 = 37676 \text{ минг сўм.}$$

Тафовутлар омиллар таъсирлари йиғиндиси ҳисобот давридаги сотишдан олинган фойданинг умумий ўзгаришини кўрсатмоқда:

$$\Delta\Phi = \Delta\Phi_p + \Delta\Phi_q - \Delta\Phi_t$$

Фойда ва маҳсулот ҳажми, фойда ва маҳсулот баҳосининг даражаси ўртасида тўғридан-тўғри бири-бирига бевосита боғланиш мавжуд, шу боис форму-

ладаги  $\Delta\Phi_p, \Delta\Phi_q$  кўрсаткичлари қўшув белгиси билан кўрсатилган. Формуладаги фойда билан таннарх ўртасидаги боғланиш тескари ва кўрсаткичи айирув белгиси билан ифодаланган.

Таҳлил яқунлари бўйича миждозга маҳсулот тузилмасини такомиллаштириш, унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган сарфларни камайтириш эвазига маҳсулот сотишдан олинадиган фойда суръатини ошириш учун имкониятлар топиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича таклифлар бериш лозим.

Молиявий натижалар таҳлилида ташқи иқтисодий фаолият яқунларига алоҳида эътибор берилади.

**Ташқи иқтисодий фаолиятнинг молиявий натижаси** экспортдан келган тушумни экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар суммасига таққослаш орқали аниқланади. Таҳлил учун 9010, 9020, 9030 «Сотиш (маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар)дан тушган даромад» счётлари таркибида очилган «Экспорт қилинган маҳсулот, ишлар ва хизматларни сотиши» субсчёти маълумотлари ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Таҳлил жараёнида чет эл валютасидаги экспорт тушуми ва унинг сўмдаги қиймати динамикаси, тушум таркиби-турли маҳсулотлар, ишлар ва хизматлардан тушган экспорт тушуми салмоғига баҳо берилиб, бошқа омилларнинг экспортдан олинган фойда динамикасига таъсири ўрганилади ҳамда корхонанинг жами фойда олиш суръати экспортдан олинган фойда олиш суръатига таққосланади (таҳлил усули олдинроқ кўриб чиқилган).

Бунда корхона томонидан ички бозорда маҳсулот сотиш эвазига фойда кўриш суръатига қараганда экспортдан олинадиган фойда суръатларининг юқори бўлиши; тайёр маҳсулот ва қайта ишланган хом ашёдан фойда олиш; экспорт бўйича воситачилик харажатларини камайтириш ҳисобига фойда олишнинг жаҳон даражасида ўстириш учун маҳсулот экспорти учун устама харажатларни камайтириш ижобий ҳолат ҳисобланади.

Корхона барча солиқ ва тўловларни тўлаб бўлгандан кейин қоладиган соф фойда миқдорини кўпайтиришдан катта манфаатдордир. Ўз навбатида банк ҳам мижознинг соф фойдасининг ўсиши, ўз маблағи эвазига молиявий ҳолатининг мустақамланиши тарафдори. Таҳлил жараёнида фойданинг асосий йўналишлар бўйича тенг бўлиниши, ўз маблағлари манбаини шакллантиришга юборилаётган соф фойда ва фойданинг ўсиш суръатлари ўрганилади.

**Фойдадан фойдаланишни таҳлил қилиш учун фойданинг тақсимланиши тартиби билан тўла танишиб чиқиш лозим.** Бунда фойданинг тақсимланиш асосий йўналишлар бўйича суммаси тўлиқ баён этилиб, йиллар бўйича унинг ўзгариш жараёни тадқиқ қилинади. Соф фойданинг тақсимланишининг асосий йўналишлари сифатида—дивидендлар тўлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратиш, моддий рағбатлантириш, социал ривожлантириш ва резерв фонди ташкил қилишларни келтириш мумкин. Шунингдек, фойдани қандай ишлатиш соҳалари бўйича ҳам таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Жумладан:

1. Бюджетта тўловлар. Бу моддада фойдадан олин-  
диган солиқлар ва фойда ҳисобига бюджетта бошқа  
тўловлар акс этади.

2. Захира капитали ва фондларга ажратмалар. Жам-  
гама фонди ва истеъмол фондига ажратмалар. Корхо-  
нанинг ушбу модда бўйича кўрсатилган фондларга  
ажратмалари уларнинг таъсис ҳужжати ва ҳисоб сиё-  
сатида белгиланган бўлса кўрсатилади.

3. Ҳайрия мақсадлари учун ажратмалар.

4. Бошқа ажратмалар. Уларга жазо чоралари ва  
атроф-муҳитни муҳофаза этиш талаблари бажарил-  
маганда етказилган зарарни қоплаш, табиий ресурс-  
лардан белгиланган меъёрдан ортиқча фойдаланиш,  
маҳсулот баҳосини ошириш эвазига асосий фойда  
олиш, фойдани ошириш ва бошқа солиқларни ўз  
вақтида тўлаб бормагани билан боғлиқ бўлган  
бюджетта тўловлар киради.

Ушбу модда бўйича фойданинг корхонада қола-  
диган қисми ҳисобига асосий воситалар ва моддий  
активлар харид қилиш учун банкдан олинган ссу-  
да бўйича фоизларни тўлаш, айланма маблағларни  
тўлдириш, банк ссудаларининг муддати етган фоизи  
учун тўловлар, бошқа корхоналар ва корхоналардан  
олинган маблағлар, қарзлар ҳамда бошқа тўловларни  
қайтариш амалга оширилади.

Фойдадан фойдаланиш таҳлилида маҳсулот со-  
тишдан олинган ялпи фойда; умумхўжалик фаолия-  
тидан олинган фойда, соф фойда—тақсимланмаган  
фойда (ҳисобот даврида ишлаб чиқариш ва ижти-  
мой ривожланишга, акциядорларга дивидентлар

тўлаш ва бошқа мақсадларга ишлатилган фойда)нинг ўзгариш суръатлари қиёсланади. Шунингдек, корхонанинг фойдадан солиқ тўлаш сиёсати, имтиёзлардан фойдаланиши баҳоланади, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун юборилган маблағлар ҳисобига ўз манбаларини ўсиш суръати ҳамда тақсимланмаган фойданинг ўсишини ундан фойдаланиш суръати билан таққосланади. Шунингдек, корхонанинг дивидент тўлаш борасидаги иши кузатилади.

Фойдадан фойдаланишни таҳлил қилиш мижознинг капитал маблағларни кўпайтириш борасида қатъий нияти мавжудлиги, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки соф фойдадан дивидентлар тўлаш ва бошқа чиқимларга иштиёқи борлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Кейинги ҳолат банкнинг мижоз билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишини мушкуллаштиради.

Фойда ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама самарадорлиги белгиси сифатида талқин қилиниши мумкин эмас. Бозор муносабатлари шароитида корхона иложи борича юқори даромад олишга ҳаракат қилади. Бу эса ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Кўпгина корхоналар энг муҳими—истеъмолчи учун маъқул бўлмаган усуллар, яъни маҳсулот ва моддий ресурслар етказиб бериш шартларини ўзгартириш, маҳсулот ишлаб чиқариш тузилмасида ўзгариш ясаш, нарх ошириш билан иложи борича кўпроқ фойда олишга ҳаракат қилади.

Фойда миқдори ва унинг ўсиб бориш суръатлари асосий ва айланма маблағлар ҳажмининг ўзгариши ҳамда улардан самарали фойдаланишни тўлақонли

акс эттира олмайди. Масалан, қўшимча фойда олиш ишлаб чиқариш фондлари ҳажмини ошириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг жадаллиги ва самарадорлигига баҳо бериш учун унинг самарадорлик кўрсаткичлари тизимидан фойдаланилади. Агар корхона маҳсулот сотиш эвазига ўз сарф-харажатларини қоплаб, фойда олса унинг ишлаб чиқариш фаолияти самарали ҳисобланади. Аммо, маълумки, фойда ва самарадорлик даражаси бир хил суръатда ўзгармайди, балки ҳар бири алоҳида ва ҳар хил йўналишда ўзгариши мумкин, яъни фойда самарадорликка нисбатан тез суръатлар билан ўсиши мумкин. Самарадорлик кўрсаткичлари корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг яли ва айрим турларини сотиш билан боғлиқ бўлган жорий харажатларнинг самарадорлиги билан белгиланади.

Банк учун корхонанинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили муҳим ҳисобланади. Унинг маълумотлари маҳсулот турларини баҳолашда, янада харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобига қўшимча фойда олиш имкониятларидан қандай фойдаланаётганини аниқлашга имкон беради. Бу таҳлил корхона самарадорлиги даражасини баҳолашни умумлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш учун имкониятлар излаш борасидаги асосий йўналишларни аниқлаш учун керак.

Корхона самарадорлигини баҳолаш учун амалиётда унинг даражасини тавсифловчи жуда кўп кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Уларни бир

гуруҳини қуйидаги жадвалда келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик (12-жадвал).

12-жадвал

### Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари

т/р	Кўрсаткичлар	Ҳисоблаш тартиби
1	Жами активлар рентабеллиги	Соф фойда: активлар ўртача қиймати
2	Жорий активлар рентабеллиги	Соф фойда: жорий активларнинг ўртача қиймати
3	Сотилган маҳсулот рентабеллиги	Соф фойда: маҳсулотни сотишдан тушган соф тушум
4	Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	Сотишдан олинган яли фойда: сотилган маҳсулотлар таннархи
5	Корхонанинг асосий фаолиятининг рентабеллиги	Асосий фаолиятдан олинган фойда: (сотилган маҳсулотлар таннархи + давр харажатлари)
6	Хусусий (ўз) капиталнинг рентабеллиги	соф фойда: ўз маблағларининг ўртача қиймати
7	Асосий капиталнинг рентабеллиги	соф фойда: узоқ муддатли активларнинг ўртача қиймати
8	Перманент капиталнинг рентабеллиги	соф фойда: (ўз маблағларининг ўртача қиймати + узоқ муддатли қарзлар + узоқ муддатли кредитлар)
9	Қарзга олинган капиталнинг рентабеллиги	соф фойда: қарзга олинган капиталнинг ўртача қиймати
10	Солиқ кесими	соф фойда: солиқ тўлағунга қадар фойда
11	Реал асосий капиталнинг рентабеллиги	соф фойда: (асосий фондларнинг қолдиқ қиймати + капитал қўйилмалар)

Жадвалда келтирилган самарадорлик-рентабеллик кўрсаткичларининг жуда кўп турлари бўлиб улар

корхона фаолиятининг у ёки бу томонларини тавсифлаш учун қўлланади. Уларнинг айримларини биз ушбу қўлланманинг «Банк миждозлари молиявий ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими» бўлимида кўриб чиққан эдик. Бу ерда рентабеллик кўрсаткичларини ўзаро боғлиқликлари ва уларни таҳлил қилиш услуби ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Активлар рентабеллиги кўрсаткичи корхонанинг 1 сўмлик активи (жалб қилиш манбаидан қатъий назар) ҳисобига неча сўмлик фойда олганини тавсифлайди. Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, уни ҳисоблаш учун корхона соф фойдаси ( $C_{\phi}$ )ни унинг активларининг ўртача йиллик қиймати ( $A_k$ )га бўлинади, яъни

$$P_A = \frac{C_{\phi}}{A_k}$$

Активлар рентабеллиги корхонани рақобатбардошлигини муҳим индикаторидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам унинг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ва атрофлича кўриб чиқиш ҳамда уларни ўзаро боғлиқлигидан фойдаланган ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқдир, яъни

$$P_A = \frac{C_{\phi}}{C_{\pi}} \cdot \frac{C_{\pi}}{A_k}$$

яъни

$$P_A = P_c \cdot A_o$$




бу ерда, биринчи нисбат сотиш рентабеллигини ( $P_c$ ), иккинчи нисбат эса-активлар айланувчанлигини ( $A_0$ ) тавсифлайди.

Демак, биз ушбу боғланиш орқали сотиш рентабеллиги ва активлар унумдорлигини активлардан фойдаланиш самарадорлик даражасига қандай таъсир кўрсатаётганлигини баҳолашимиз мумкин. Рентабеллик кўрсаткичи яхшиланиши бевосита корхонанинг активларини асоссиз кўпайтирмаслик ва мавжуд активлардан имкони борича унумли фойдаланишни тақозо қилади.

Шундай қилиб, активлар рентабеллигини пасайиши маълум маънода маҳсулотга талабнинг йўқолишидан, унинг фойдаси камайганлигидан, активларнинг йиғилиб қолишидан, миждознинг ишбилармонлиги йўқолганидан далолат беради. Умуман олганда активлар рентабеллигига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатиб, уларнинг ўзаро боғлиқликларини қуйидаги чизмада келтирилгандек тасаввур қилиш мумкин (8-чизма Дюпон модели).

Чизмадан кўришиб турибдики, активлар самарадорлигига таъсир этувчи омиллар жуда кўп бўлиб, улар орасида икки омил-сотиш рентабеллиги ва активлар айланувчанлиги бош омиллар сифатида ҳисобга олинади.

Активлар рентабеллигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири сотиш рентабеллиги экан унинг ўзини ўзгариши қандай бош омилларга боғлиқ, деган ўринли савол тугилади. Сотиш рентабеллиги ( $P_c$ ) кўрсаткичи одатда, соф фойда ( $C_\phi$ )ни сотилган маҳсулот ҳажми ( $C_{\text{TT}}$ )га бўлиш йўли билан ҳисобланади:



8-чизма. Рентабеллик ва унга таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги (Дюпон модели).

$$P_c = \frac{C_\phi}{C_\pi}$$

Рентабелликнинг омилли таҳлил қилиш амалиётида сотиш рентабеллигини фойда кўрсаткичини таркибий қисмларини ўзаро боғлаб унга омиллар таъсирини аниқлайдилар. Унинг умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$P_c = \frac{C_\phi}{C_\pi} = d_c \cdot d_x \cdot d_a \cdot d_m \cdot d_r$$

бу ерда,  $d_c$  – сотишдан олинган ялпи фойдада соф фойда ҳиссаси;  $d_x$  – асосий фаолият фойдасида ялпи фойда ҳиссаси;  $d_a$  – молиявий фаолият фойдасида асосий фаолият фойдаси ҳиссаси;  $d_m$  – солиқ тўлашгача бўлган фойдада молиявий фаолият фойдаси ҳиссаси;  $d_r$  – сотишдан тушган тушумда солиқ тўлашгача бўлган фойда ҳиссаси.

Мижоз фаолиятини баҳолашда солиқ тўлашдан кейин корхона ихтиёрида қоладиган фойдага нисбатан ҳисобланадиган сотиш рентабеллигини ҳисоблаш катта аҳамият касб этади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик сотилган маҳсулот неча сўм соф фойда келтирганини акс эттиради.

**Хусусий капитал (ўз сармояси)нинг рентабеллиги** мулк эгаси томонидан инвестиция қилинган сармояни самарадорлигини тавсифлайди ва ушбу сармояни бошқа қимматли қоғозлар учун қўйганда олинishi мумкин бўлган даромад билан таққослаш

имконини беради. У корхона акцияларини котировка даражасига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Ўз сармоясининг рентабеллиги ҳақида жуда умумий хулоса бериш нуқтаи назаридан солиқларни тўлагандан кейинги фойдани ўз сармоясининг ўртача йиллик қийматига нисбати катта аҳамиятга эга, яъни

$$P_{\text{рк}} = \frac{C_{\phi}}{X_{\text{к}}}$$

бу ерда,  $C_{\phi}$  – йиллик соф фойда;  $X_{\text{к}}$  – ўз маблағлар манбаларининг ўртача йиллик суммаси;  $P_{\text{рк}}$  – ўз сармояси рентабеллиги.

Ушбу кўрсаткич ўз капиталидан фойдаланишнинг самарасини белгилайди ва сотиш ҳамда ишлаб чиқаришдаги ўз қўйилмалар манбаи самарасининг унумдорлиги ўзгариши таъсирида бўлади. Ўз маблағлари манбаининг самарадорлигини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:

$$P_{\text{ус}} = \frac{C_{\phi}}{C_{\text{тг}}} \cdot \frac{C_{\text{тг}}}{Б} \cdot \frac{Б}{X_{\text{к}}}$$

бу ерда  $C_{\text{тг}}$  – сотишдан тушган тушум;  $Б$  – баланс якунининг ўртача йиллик суммаси.

Ушбу боғланишнинг биринчи нисбати сотиш рентабеллигини, иккинчиси активлар айланувчанлигини, учинчиси эса баланс якунининг ўртача йиллик суммасида ўз маблағлари манбасининг улушини билдиради.

**Самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили**  
(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи, %	
			Абсо- лют (+,-)	Нис- бий (%)
2	4	5	6	7
Соф фойда	81795	116543	34748	42,48
Сотишдан тушган тушуми	1087500	1162876	75376	6,93
Балансинг ўртача йиллик суммаси	947400	1015436	68036	7,18
Хусусий капитал	458400	525996	67596	14,75
Сотиш рентабел- лиги,	0,075	0,100	0,025	33,33
Активлар айла- нувчанлиги	1,148	1,145	-0,003	-0,26
Балансда хусусий капитални улуши	2,067	1,931	0,034	7,02
Хусусий капитал рентабеллиги	0,178	0,222	0,044	24,72

12-жадвалда келтирилган маълумотлар асосида самарадорлик кўрсаткичлари динамикасига оид баъзи бир хулосалар чиқариш мумкин. Демак, ҳисобот даврида сотиш рентабеллиги 33,33 %га, ўз маблағи манбаси-хусусий капиталнинг рентабеллиги эса 24,72 %га кўпайган.

Корхона фаолиятининг бундай якунига унинг соф (йиллик) фойдасини ҳисобот даврида базис даврига

нисбатан қўшимча ўсиш суръати (42,48 %)ни жуда юқори бўлгани ҳолда, сотишдан тушган тушумнинг (6,93%), баланснинг ўртача йиллик суммаси (7,18 %) ва ўз маблағлари манбаи (14,75 %)нинг қўшимча ўсиш суръатларини нисбатан унча юқори бўлмаганлиги сабаб бўлган.

Демак, юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар унчалик юқори суръат билан ўсмаган бўлсада фойдани юқори суръат билан ўсишини таъминлаган. Бир томондан, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кўпайиши, унинг таннархини нисбатан секинроқ ошиши, иккинчи томондан, корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан олинган молиявий натижасини юқори бўлиши ҳам яхши самарадорлик кўрсаткичини яхши бўлишига олиб келган.

Юқорида кўриб ўтган кўрсаткичларимизни базис даврига нисбатан у ёки бу даражада ўзгариши корхонанинг ўз сармояси (хусусий капитали) рентабеллигини жиддий ўзгаришига олиб келган. Корхонанинг хусусий капитали (ўз сармояси) рентабеллигига омиллар таъсирини ҳисоби 13-жадвалда келтирилган.

Жадвалда кўриниб турибдики, корхона хусусий капитали самарадорлиги 0,044 пунктга ошган, шу жумладан, бунга сотиш рентабеллиги ошиши (+0,059) ижобий таъсир кўрсатган бўлса, корхона умумий маблағлари манбаидаги хусусий капитали улушини ошиши (-0,014) ва активлар айланувчанлиги (-0,001) хусусий капитал самарадорлиги динамикасига салбий таъсир кўрсатган. Аммо салбий омиллар таъсири кучли бўлмагани боис умумий яқун ҳам ижобий бўлган.

12 ва 13-жадваллар кўрсаткичидан маълум бўладики, миқознинг ўз маблағлари самарадорлиги маҳсулот сотишни кўпайтириш ва иш фаолиятини кучайтиришгагина боғлиқ бўлмай, активлар тузилишига ҳам боғлиқдир.

14-жадвал

**Корхона ўз сармоясининг рентабеллигига таъсир кўрсатувчи омилларини занжирли боғланиш усули билан ҳисоблаш**

т/р	Боғланиш хусусияти	Кўрсаткичларнинг айрим омилари			Хусусий капитал рентабеллиги	Омилнинг таъсир даражаси
		Сотиш рентабеллиги	Активлар айланивчанлиги	Хусусий капитални балангдаги улуши		
1	2	3	4	5	6	7
1	Базис ҳисоби	0,075	1,148	2,067	0,178	...
2	1-боғланиш: сотиш рентабеллиги (ҳисобот)	0,100	1,148	2,067	0,237	0,237 - 0,178 = + 0,059
3	2-боғланиш: активлар айланивчанлиги (ҳисобот)	0,100	1,145	2,067	0,236	0,236 - 0,237 = - 0,001
4	3-боғланиш: хусусий капитал улуши (ҳисобот)	0,100	1,145	1,931	0,222	0,222 - 0,236 = - 0,014
					якуни	+ 0,044

Қарзга берилаётган маблағлардан фойдаланиш имкониятлари бевосита миқознинг молиявий барқарорлиги талабларига бориб тақалади. Бу ўз маблағларининг захирадаги товарлардаги коэффициентда ифодаланади ва унинг ҳажми қарз олувчи билан банк ўртасидаги кредит шартномаси билан белгиланади. Яна бир чеклаш—бу **баланснинг ликвидлиги** талабидир. Бошқача қилиб айтганда, корxonанинг ҳисобкитоб счётида биринчи гадаги тўловларни қоплаш учун етарли бўлган ўз маблағлари мавжуд бўлишининг лозимлигидир.

М/С  
Қ/С

М/С  
Қ/С

М/С

М/С  
Қ/С

М/С  
Қ/С

М/С  
Қ/С

М/С

Қ/С

М/С



---

## VI. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Тижорат банклари кредит бериш чоғида унинг қайтариш муҳлатини олдиндан кўриб чиқишади. Шу боис, банк қарз беришдан олдин, бу билан боғлиқ бўлган таваккалчиликни аниқлаб олиши лозим. Энг аввало, белгиланган муҳлатда шартнома бўйича кредитни қайтаришга келишиб олинади. Кредитни қайтариш юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган хавфхатарни банк қарз олувчининг молиявий ҳолатини таҳлил қилган ҳолда билиб олади.

Замонавий банк амалиётида қарз олувчининг молиявий ҳолатини аниқлаб олишнинг кўпдан-кўп усуллари қўлланилади. Уларнинг орасида молиявий **кўрсаткичлар ва пул оқимини таҳлил қилишни** қўллаш кенг ёйилган (кейинги V-бобга қаралсин).

Қарз олувчининг молиявий ҳолатини баҳолашга унинг ҳисобот давридаги умумий ҳолати ва юз берган ўзгаришлар, унинг молиявий барқарорлигини баҳолаш; корхона балансининг жорий ликвидлигини аниқлаш киради.

Корхонанинг молиявий натижалари ва улардан фойдаланиш молиявий ҳолатни аниқлаш учун асосий манба бўлиб (2 шакл) ҳисобланади. Шу билан биргаликда банк корхона ҳисоб рақами кўчирмаларидан, баланс ҳисоботининг моддаларидаги маълумотлардан, мамлакат халқ хўжалигида саноат ва бошқа

тармоқларнинг ривожланишини таснифловчи умумий статистик ахборотлардан фойдаланиши мумкин. Баланс ва молиявий ҳисоботларнинг бошқа шаклларида яқуний кўрсаткичларни баҳолашда қўлланиладиган иқтисодий коэффициентларни ҳисоблашда фойдаланилади.

Қарз олувчининг умумий молиявий ҳолатига баҳо бериш баланс яқунларига тенг бўлган ва ҳисобот давридаги ўзгаришларни ўзида мужассам этган корхона мол-мулкани умумий қийматини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун йил бошидаги баланс яқуни ҳисоботнинг охиридаги кўрсаткичлар билан таққосланади. Бундай таққослаш балансдаги умумий ўзгаришларнинг асосий йўналишларини аниқлашга кўмак беради. Оддий ишлаб чиқариш шароитларида баланс яқунининг ошиши ижобий, камайиши салбий ҳисобланади.

Кейинроқ баланс яқунларидаги ўзгаришларни ишлаб чиқариш динамикасига маҳсулот сотиш, шунингдек, корхона олган фойда суммаси мувофиқлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Баланс яқунига қараганда ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори суръатлар билан ўсиши, сотиш ва ундан олинадиган фойданинг ошиши корхонада маблағлардан фойдаланишни яхши йўлга қўйилганини билдиради. Баланс яқунида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг, унинг сотиш ва фойда олиш суръатлари пастлиги корхонани мавжуд маблағлардан қониқарсиз фойдаланганлигидан далолат беради. Маҳсулот сотиш ва олинган фойда суръатларини таққослаш учун зарур маълумотлар корхонанинг молиявий натижалари ва улардан фойдаланиш ҳисоботида ҳамда балансдан келтирилади.

Балансдаги жами ўзгаришлар ҳолатидан ташқари бевосита корхонанинг молиявий ҳолатига боғлиқ бўлган бошқа бир қатор кўрсаткичларни аниқлаш ҳам мақсадга мувофиқдир. Уларга қуйидагилар киради:

- баланс активининг I бўлими якунига тенг бўлган жалб қилинган маблағлар миқдори (узоқ муддатли активлар);

- баланс активининг II бўлими якунларида келтирилган суммага тенг бўлган фойдаланилган жорий (айланма) активлар, шу жумладан, моддий айланма активлар миқдори;

- баланс пассивининг I бўлими якунига тенг бўлган корхонанинг хусусий кاپитали (ўз маблағлари) миқдори;

- баланснинг II бўлими якунларига тенг бўлган мажбуриятлар миқдори.

Баланс бўлимлари ва моддаларидаги ўзгаришларни кўриб чиқиш билан бирга уларга баҳо бериш ва қиёслаш лозим. Баланс активидаги пул маблағлари, қисқа ва узоқ муддатли молиявий қўйилмалар қолдигининг кўпайиши ижобий баҳога лойиқ. Бунга асосий маблағлар, капитал қўйилмалар ва моддий бўлмаган активлар киради; баланс пассивининг I бўлими якунлари, айниқса, фойда йиғиндиси, махсус ва мақсадли молиялаш фондлари, шунингдек, келгуси давр даромадлари шулар жумласидандир. Баланс активи ва пассивидаги дебитор ва кредитор қарзларининг кескин ўсиб кетиши одатда, салбий баҳоланади. Шунингдек, барча ҳолатда зарарлар моддасида қолдиқнинг мавжудлиги ва унинг ошишини кўрсатилиши ҳам салбий ҳолат ҳисобланади.

Олдинги йилларда мавжуд бўлган зарарларни ҳисобот даврида йўқлиги шунини кўрсатадики, корхона маълум қийинчиликларга дучор бўлишига қарамасдан зарарни бартараф этиб, ўзининг молиявий ҳолатини яхшилашга эришган. Борди-ю, аввалги йилларда корхона зарар кўрмаган бўлса-ю, агар ҳисобот балансида зарарлар кўрсатилган бўлса, бундай ҳолат корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашганидан дарак беради, айниқса, йил бошида ҳам, йил охирида ҳам зарар суммаси кўрсатилиб, уларнинг миқдори тобора ортиб борган тақдирда бу жуда ёмон салбий ҳолат ҳисобланади. Олдинги йилларда ҳам, ҳисобот даврида ҳам зарарларнинг мавжудлиги мазкур корхонанинг самарасиз ишлаганлигини англатади. Аммо бундай пайтда зарарнинг динамикаси таҳлил қилиниб, шунга мойиллик ва бунга йўл қўйиш сабаблари кўриб чиқилиши лозим.

Корхона балансини таҳлил қилиш қарз олувчининг молиявий ҳолатига баҳо беришнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. У ҳисобот даврида корхона аҳволига дастлабки тасниф беришдангина иборатдир. Зеро, унинг молиявий ҳолатини батафсил идрок этиш уни чуқурроқ ва мукамалроқ ўрганиш, кейинги фаолиятнинг муаммоларини ва йўналишларини аниқлаб олиш лозим.

Корхона молиявий барқарорлиги ҳар хил иқтисодий кўрсаткичлар асосида аниқланади. Қарз олувчининг ишончли эканлиги, жумладан, қуйидаги кўрсаткичлар билан ҳам тавсифланади:

- корхонанинг молиявий барқарорлиги;
- маблағлардан фойдаланишдаги самарадорлиги.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги, энг аввало, мустақиллик (айрим манбаларда мухторлик, мулкчилик номлари билан айтиладиган) коэффициентда акс этади. Бунга ўз маблағлари ва қарз маблағлари билан таъминланганлиги кўрсаткичлари киради. Биринчи  $K_{ум}$  кўрсаткичи корхона активининг қанча қисми ўз маблағлари ҳисобига шаклланганлигини ёки шаклланиш манбаининг умумий суммасидаги ўз маблағи, салмоғини кўрсатади. Бу қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$K_{ум} = \frac{\text{Баланс пассивининг 1 бўлими}}{\text{Баланснинг умумий суммаси}}$$

Мазкур кўрсаткичнинг энг кам даражаси 0,50 коэффициент билан баҳоланади. Бу корхонанинг мажбуриятлар суммаси унинг ўз маблағлари суммасига тенг бўлишини аниқлатади.

Таҳлил этилаётган корхонанинг ўз маблағлари билан таъминлашлик коэффициенти қуйидагича:

$$K_{ум} = \frac{525996,0 \text{ минг сўм}}{1015436,0 \text{ минг сўм}} = 0,518$$

Кўриниб, турибдики, корхонанинг ўз маблағлари унинг жами маблағининг ярмидан сал кўпроқ қисмига (51,8 %) тенгдир. Бу эса ижобий ҳол эканлигини билдиради.

Ўз айланма маблағлари билан таъминлаш кўрсаткичи ( $K_{ўам}$ ) ўз айланма маблағлари қийматини корхона айланма активлари суммасига нисбати сифатида ҳисобланади.

Баланс пассивининг I бўлими - Баланс  
активининг I бўлими

$$K_{\text{уам}} = \frac{\text{Баланс пассивининг I бўлими} - \text{Баланс активининг I бўлими}}{\text{Баланс активининг II бўлими}}$$

Ушбу кўрсаткичнинг энг қулай қиёсланиши 0,6-0,8 дир. Бу кўрсаткич миқдорнинг ўз маблағи билан баланснинг актив қисмини, аниқроғи айланма маблағларни шаклланишидаги қатнашувини ифодалайди. Бу айниқса, доимо камаймайдиган захираларни қоплашнинг олдини олиш учун бериладиган қисқа муддатли ссудалар тақдим этишда муҳимдир.

Таҳлил этилаётган корхонада ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффициенти:

$$K_{\text{уам}} = \frac{525996,0 - 398620,0}{616816,0 \text{ минг сўм}} = 0,207 \text{ га тенг.}$$

Ушбу корхона мисолида ўз айланма маблағлари билан таъминланиш, тақлиф қилинаётган қиёслашдан анча паст, бу эса молиявий ҳолатнинг барқарор эмаслигидан дарак беради. Баҳоланишнинг мукамал бўлиши учун бу кўрсаткичлар ҳеч бўлмаса уч йиллик мобайнидаги ўзгариб боришни таҳлил этиш лозим. Бундай таҳлил асосида банк миқдорининг молиявий барқарорлиги хусусида тасаввур ҳосил қилади.

Мустақиллик коэффициенти қарз олувчининг молиявий барқарорлиги, кейинчалик молиявий ночорликнинг юзага келмаслигини кўрсатувчи «барометр» бўлиб ҳисобланади. Бундай аънава корхона ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши доимийлигини кафолатлайди. Коэффициентнинг пастайиши эса ушбу ҳолатнинг аксини кўрсатади.

Қарзга берилган маблағлар коэффициентини (айрим манбаларда молиявий боғлиқлик коэффициенти) мустақиллик коэффициенти тўлдириб, бу маблағларни корхона маблағининг умумий суммасига (баланс пассивининг II бўлими кўрсатилган) нисбати сифатида ифодаланади. У шу билан барча мустақиллик бирлиги ва коэффициент орасидаги фарқ билан ҳам аниқланади. Шунингдек, корхонанинг қарз олинган ва ўз маблағларининг хусусий коэффициентини қиёслаш  $K_{(K/M)}$  орқали ҳам аниқланиши мумкин:

$$K_{(K/M)} = \frac{\text{Қарзга олинган маблағлар (баланс Пассивининг II бўлими қатори)}}{\text{Ўз маблағи (баланс пассивининг I бўлими)}}$$

Ушбу кўрсаткич корхона ўз пулининг I сўмига қанча қарз олинган маблағ тўғри келишини кўрсатади. Бу кўрсаткичнинг энг юқори даражаси бирга тенг деб олинади. Агар кўрсаткич бу миқдордан юқори бўлса, корхонанинг молиявий барқарорлигига гумон туғилади.

Корхона мустақиллигини ифодаловчи хусусий кўрсаткичи сифатида узоқ муддатли қарз маблағлари жалб қилиниши коэффициентини келтириш мумкин. Бу узоқ муддатли кредит ва қарз олинган маблағлар суммасини корхонанинг ўз маблағлари, узоқ муддатли кредитлари ва қарзлари суммаси нисбатига тенгдир.

Ушбу кўрсаткич капитал қўйилмаларни молиялашдаги қарзга олинган маблағлар салмоғини яққолроқ баҳолашга имкон бериб, айрим турдаги

маблағлар манбаининг тузилишидаги юз берган ўзгаришларни акс эттиради.

Мижознинг маблағи тузилишини баҳолашда, шунингдек, асосий ва моддий айланма маблағларнинг аниқ миқдори ҳамда корхона мол-мулкидаги асосий маблағларнинг аниқ миқдори коэффициентидан фойдаланилади. Биринчи коэффициент ишлаб чиқаришга дахлдор мол-мулк коэффициенти деб ҳам аталади. У асосий фондлар, капитал қўйилмалар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш суммасининг баланс якунига нисбати билан аниқланади. Агар ишлаб чиқариш мол-мулки коэффициенти 0,5 га тенг бўлса, бу меъёрий ҳисобланади. Ушбу коэффициент кўрсатилган меъёрдан паст бўлса уни ошириш учун ҳисобот даврининг молиявий натижалари ўз маблағи манбаини яна кенгайтиришга имкон бермаса, ишлаб чиқариш йўналишидаги мол-мулкни кўпайтириш учун узоқ муддатли қарз маблағларини жалб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини турли кўрсаткичлар орқали аниқлаш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар икки гуруҳга бўлинади: корхона активидаги қўйилмалар ва уларнинг айрим турлари унумдорлиги ҳамда маҳсулот унумдорлиги.

Биринчи гуруҳга корхонанинг барча қўйилмалари (активлар); ўз маблағлари; ишлаб чиқариш фондлари; молиявий қўйилмалар самарадорлиги киради. Дастлабки уч кўрсаткич баланс ёки соф фойданинг ҳисобот давридаги қўйилмаларнинг ўртача қийматига нисбати билан ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фондларининг умумий қиймати асосий маблағлар, ишлаб чиқариш захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқа-



ришлар (қийматдаги ифодаси)нинг йиғиндиси билан аниқланади.

Корхонанинг молиявий қўйилмалари самарадорлиги даражаси унинг қимматли қоғозлар ва бошқа корхоналар низом фондига қўшилган салмоқдан тушган даромаднинг молиявий қўйилмалар ўртача қийматига нисбати билан аниқланади. Молиявий қўйилмалар самарадорлиги маблағларни сарфлаш борасида корхона танлаган йўналишни фойдалилигини кўрсатади.

Маҳсулот самарадорлиги сотишдан олинган фойданинг унинг таннархига ёки сотишдан тушган тушумига нисбати билан аниқланади. Бу кўрсаткич маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш харажатларини қоплаб, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш фойдали эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, самарадорликнинг умумий кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Жумладан:

- фаол ишчанлик коэффициенти, яъни сотишдан тушган тушумнинг баланс якунига нисбатини фоизлардаги ифодаси;

- ўз маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги коэффициенти яъни соф фойданинг ўз маблағлари манбаига (фоизларда) нисбати. Бу кўрсаткич узоқ муддатли кредитлашда айниқса қўл келади, чунки у корхонада сарфланган маблағларнинг самарадорлигига умумлаштириб баҳо беради.

Самарадорлик кўрсаткичлари тижорат банкларини икки нуқтаи назарда қизиқтириши мумкин. Биринчидан, бу кўрсаткичлар мижоз ўз ихтиёрида бўлган маблағлардан нечоғли унумли фойдаланишини акс эттиради. Иккинчидан, улар ёрдамида банк қарз

берувчи корхонага берилган кредитнинг самарадорлиги қандай бўлиши хусусида тушунча ҳосил қилиши ва қолаверса, унга сарфланаётган маблағнинг мақсадга мувофиқлигини билиши мумкин. Бундан ташқари, самарадорлик кўрсаткичлари асосида миждознинг кейинги ривожланишидаги муайян имкониятлар аниқлаб олинади.

---

## **VII. МИЖОЗНИНГ ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ ВА ТЎЛОВ-ҲИСОБ ИНТИЗОМИ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ**

Банк миждзининг маълум давр ёки муддатда банкдан, мол етказиб берувчилар, бюджет, ишчи ва хизматчилардан кечиктирилган ёки муддати узайтирилган қарзининг йўқлиги унинг тўлов қобилияти мавжудлигини кўрсатади. Миждзининг тўлов қобилиятига эга эмаслиги даражаси ҳисобот давридаги қарзларининг ҳажми ва муддати, турли кўринишдаги муддати узайтирилган қарзларининг айланишига кўра белгиланади (уни узиш бўйича бир кунлик айланишни ҳисобга олган ҳолда ўртача қарзни узиш қолдиғи) ва ҳ.к. Масалан, кредит портфелининг таҳлилида ссудалар бўйича тўлаш муддати кечиктирилган қарз олувчилар 30 кунгача, 30 дан 60 гача, 60 дан 180 гача ва 180 кундан ортиқ муддатга қарзни кечиктирган миждозлар гуруҳларга ажратилади.

Миждзининг тўлов қобилияти тушунчаси унинг кредитни уза олиш лаёқати тушунчаси билан узвий боғланган. Шу билан бирга таҳлил мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бу турлича кўриб чиқилади. Айрим ҳолатда иқтисодга оид адабиётлардагидек миждзининг тўлов қобилиятига унинг кредит қобилиятига нисбатан кенгроқ тушунча сифатида қара-

лади. Бошқа пайтда эса тўлов қобилияти кредит қобилиятининг тавсифларидан бири бўлган баланс ликвидлигига амал қилинади.

Биринчи ҳолатни кўриб чиқамиз. Қарз мажбуриятларни ўз вақтида бажарилиши баланснинг ликвидлиги ҳисобига бўлиши, бунда хусусий сармоянинг етарли миқдорда бўлиши, корхона фаолияти самараси ва уни оқилона бошқарув яъни, кредит тўлаш қобилияти ва молиявий барқарорлик омиллари ҳисобига ҳамда қарзнинг иккиламчи узиш манбалари (кредит, васийлик, суғурта, гаров) асосида ҳам бўлиши мумкин. Қарздорнинг тўлов қобилияти паст бўлса, кредит берувчи қарзни узишнинг иккиламчи манбаини талаб қилишга ҳақли.

Банк мижозининг тўлов қобилияти—бу унинг мажбуриятлари бўйича қарзини ўз вақтида ва тўлалигича ҳисоб-китоб қилишга лаёқатлилигидир. Мижознинг кредит қобилияти даражаси-кредит хавф хатарини, яъни асосий қарз ва фоизларни тўлай олмаслигини олди олинисини баҳолашнинг асосий усулларидан биридир.

Иккинчи ёндашувда, яъни тўлов қобилияти баланс ликвидлиги деб қаралганда, кредит қобилияти кенг тушунча, тўлов қобилияти эса унинг омилларидан бири сифатида намоён бўлади. Бу ҳолда баланснинг ликвидлиги унинг актив ва пассив томонлари таркибини мос келиши билан яъни қарз олувчининг қарз мажбуриятини бажариш учун айланмадан маблағларни ажрата (пул кўринишида) олиш қобилияти билан белгиланади.

Баланс активининг ликвидлигини таҳлили учун корхона активлари маблағларни пул кўринишида, ликвидлик кўринишида ажрата олиш қобилиятини белгиловчи мезонлар асосида гуруҳланади. Баланс пассивлари барқарорлик даражаларига кўра гуруҳланади: ўз маблағи, узоқ муддатли мажбуриятлари, қисқа муддатли қарз мажбуриятлари.

Баланс ликвидлиги ёки корхона тўлов қобилияти кам ликвидли активлар барқарор пассивлар билан қопланганда, қисқа муддатли қарз мажбуриятларига активларнинг энг кўп ликвидлиги мос келган ҳолларда таъминланади.

Бу тамойлга риоя қилиш билан ликвидлик коэффициентлари бевосита баҳоланади.

Мижознинг баланс ликвидлигини баҳолаш учун ликвидлик ва қарз мажбуриятларини қоплаш коэффициентларидан фойдаланилади. Ликвидлик коэффициентлари корхона қайтариши керак бўлган қарзнинг қайси қисми ўз муддатида тўланиши мумкинлигини англатади. Ликвидлик бу молиявий ишлаб чиқариш фаолиятини тўлақонли таъминлаш учун зарур бўлган корхона активларининг нақд пулга айланиш қобилиятидир.

Корхонанинг барча активларини ликвидлик даражасига кўра шартли равишда уч синфга бўлиш мумкин. Унинг биринчи синфига корхонанинг пул кўринишидаги активлари; қисқа муддатли молиявий қўйилмалар-касса, ҳисоб, валюта, депозит ва бошқа махсус счётлардаги пул маблағлари қолдиги; давлатнинг қисқа муддатли мажбуриятлари ва бошқа шунга ўхшашлар киради. Активлар ликвидлигининг

иккинчи синфига, жўнатишган юк бўйича қисқа муддатли дебитор қарзлар (90 кундан ошмаслиги керак); ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича улар билан ҳисоб-китоблар, қисқа муддатли дебиторлик қарзлари киради. Товар-моддий бойликлар захираси, тайёр маҳсулот ва товарлар кўринишидаги моддий активлар, узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва бошқа активлар учинчи синф ликвидлик активларига тааллуқлидир. Умумий ликвидлик коэффициенти биринчи, иккинчи ва учунчи синф ликвид активларининг жорий йилда тўланиши лозим бўлган қарзга нисбати билан ҳисобланади:

$$K_{\text{умумл}} = \frac{\text{Ликвид активлар (1-синф + 2-синф + 3 синф)}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Банкнинг қисқа муддатли ссудалари, жорий йилда тўланиши керак бўлган узоқ муддатли ссудалар, мол етказиб берувчилар, бюджет, бюджетдан ташқари фондлардан, меҳнат ҳақи бўйича ишчи ва хизматчилардан қарзлар ва бошқалар қисқа муддатли қарз мажбуриятлари таркибига киради.

Таҳлил қилинаётган корхонада активларнинг умумий ликвидлик коэффициенти

$$K_{\text{умумл}} = \frac{616816,0 \text{ минг сўм}}{267520,0 \text{ минг сўм}} = 2,31 \text{ га тенг.}$$

Бу коэффицент миқдори мижоз активларининг

умумий ликвидлиги яхшилигидан дарак беради. Корхона активларининг ликвидлигини тавсифловчи бошқа коэффициент-тез ликвидлик коэффициенти биринчи ва иккинчи синф ликвидлик маблағларининг корхона жорий мажбуриятлари умумий суммасига нисбати билан ҳисобланади. Унинг мақбул миқдорини 0,8–1,2 бўлиши мажбуриятларининг қайси бир қисми қўшимча маблағ жалб қилмасдан қопланиши мумкинлигини кўрсатади. Бизнинг мисолимизда тез ликвидлик коэффициенти 1,26 га тенг. Кўриниб турибдики, ҳар икки коэффициент мижознинг ликвидлиги даражаси юқорилигидан дарак беради.

Шундай қилиб, тўлов коэффициентлари қарз олувчининг ўз мажбуриятлари юзасидан жавобгарлигини кўрсатади. Шу билан бирга бу кўрсаткичлар аниқ муддатга қолдиқ қиймат асосида аниқланади, шунинг учун қарз олувчининг молиявий аҳволи бошқа кўрсаткичлар билан тўлдирилади.

Корхона молиявий ҳолатини баҳолаш учун унинг айланма активларини бошқариш самарадорлиги ҳамда айланма ва бошқа маблағларнинг ҳаракатини белгиловчи кўрсаткичлар зарур. Шу билан бирга бу кўрсаткичлар баланс ликвидлиги даражаси ўзгаришини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Уларга барча активлар, дебиторлик қарзлари, моддий-ишлаб чиқариш захиралари айланувчанлик кўрсаткичлари, маблағлар ҳаракатининг жадаллик коэффициенти кабилар тааллуқлидир.

Айрим пайтда банк мижознинг молиявий ҳолатига баҳо беришда ишлаб чиқариш ва муомалада бўлган активларнинг қанча вақт ичида айланишда

бўлишини белгиловчи умумий айланувчанлик кўрсаткичлардан фойдаланади. Бу кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

Жами активларнинг айланиш тезлиги	=	$\frac{\text{Активларнинг } x \text{ календарь } \text{ ўртача қиймати } \text{ кунлар сони}}{\text{сотишдан тушган тушум}}$
--	---	--

Активлар айланиш тезлигининг секинлашуви ёки жадаллашуви таҳлил қилинаётган даврда уларни ўзгаришидан дарак беради ва активлар алоҳида турларининг айланиш кўрсаткичларини, шунингдек, корхонанинг айланма ва барча маблағлари ҳаракати кўрсаткичларини ўрганиш каби келгуси таҳлил йўналишини белгилайди.

Дебиторлик қарзининг айланиш тезлиги (кунларда) унинг ўрганилаётган даврдаги ўртача қолдиғининг бир кунлик реализация кўламига нисбати билан ҳисобланади. Бу кўрсаткич харидорларга юборилган маҳсулот бўйича ҳисоб-китоб ҳолатини тавсифлайди. Айланиш тезлиги секинлашуви харидорлар қарзининг ўсишидан, шунингдек, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган жўнатиладиган товарларнинг ўсишидан ёки ҳисоб шакллари ўзгаришидан дарак беради. Шунинг учун узил-кесил хулоса чиқариш учун маҳсулотни жўнатиш шароитларини, дебиторлик қарзлари таркибини унинг давомлилик муддатлари билан таҳлил қилиш муҳимдир.



Активларни бошқариш самарасини ифодаловчи бошқа кўрсаткич товар-моддий бойликлар ўртача қолдигининг бир кунлик тушумга нисбати билан ҳисобланувчи товар-моддий бойликлар захирасининг айланиш тезлиги ҳисобланади.

Моддий захираларга маблағлар сарфланиши ликвидликка қисман таъсир қилади. Аммо, шу билан бирга, улар ишлаб чиқариш фаолиятини самарали таъминлаш даражаси сақланиши керак. Захира қанча кам бўлиб, улар қанчалик тез айланса, корхонанинг маблағи туриб қолмайди. Захираларнинг кўпайиши ишлаб чиқариш жараёнига ёки маҳсулот сотишига қайсидир омилнинг тўсқинлик қўлаётганини билдириши мумкин.

Маблағларнинг ҳаракат эркинлиги коэффиценти ҳаракатдаги (айланма) активларнинг умумий активлар қийматига нисбати билан ҳисобланади. Захира ва харажатлар, пул маблағлари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар (баланс активининг II бўлими) ҳаракатдаги айланма маблағлар ҳисобланади.

Ҳаракат эркинлиги коэффиценти ортиши корхона маблағларининг катта қисми айланма активларга сарфланганлигини кўрсатади.

Айланма маблағлар ҳаракат эркинлиги коэффицентиининг камайиши корхона активларидаги маблағлар қотиб қолмаганлигини билдиради, чунки корхонада нафақат айланма маблағлар ҳажми, балки узоқ муддатли активлар ҳам кўпайиши мумкин.

Ҳаракат эркинлиги коэффицентлари корхона қўйилмалари таркибини ифодалайди; уларнинг миқдори эса, тармоққа мансублигига боғлиқ. Савдо

корхоналарида ҳаракат эркинлиги коэффициенти-нинг ортиши, фаолият доираси кенгайганидан, товар обороти ўсганидан дарак беради ва одатда, ижобий баҳоланади. Саноат корхоналарида бу кўрсаткич фаолият доирасининг кенгайиши билан бирга, маблағлар айланиши секинлашганини ва улардан фойдаланиш самарасининг пасайганини ҳам ифодалайди.

Шунингдек, корхона активлари айланиш тезлигининг ҳаракат эркинлиги унинг ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятларига ҳам боғлиқ. Лекин ҳар қандай корхона имконият даражасида айланиш тезлигининг жадаллашувидан ва қўйилган маблағлардан кўпроқ фойда олишдан манфаатдор.

Қарз олувчининг молиявий ҳолатини баҳолаш усулига пул оқими таҳлилни ҳам киритиш мумкин. Пул оқими-корхона ўз сарфлари ва мажбуриятларини ўзига тегишли ресурслар билан қоплаш қобилиятини белгиловчи мезондир. Пул оқимининг таҳлили натижасида текширилаётган даврда маблағлар оқимининг келиши ва кетишини таққослаш орқали миждознинг ўз мажбуриятларини қоплаш қобилиятини баҳолаш имконини беради. Маблағлар келиши уларнинг кетишидан ортиқлиги: корхонада қарз мажбуриятларининг фондлар айланиши жараёнида қопланиш имконияти мавжудлигини билдиради.

Пул маблағларининг келиши қуйидагиларни қамраб олади: шу давр мобайнида олинган фойда, амортизация учун ажратмалар, давр охирида бўладиган харажатлар учун захиралар суммаси, жамғарма ва дебиторлик қарзига маблағ ажратиш, кредиторлик қарзлари ва банк ссудаларининг ортиб бориши.

акциядорлик сармоясининг (ташқи манбалар эвазига) кўпайиши. Ўрганилаётган давр мобайнида пул маблағларининг дебиторлик қарзи ва жамғармага чиқиб кетиши, кредиторлик қарзларнинг қисқариши, фоиз, солиқ, дивидендлар тўлаш, ссудалар, капитал сарфларни қоплаш, акционерлик сармоясининг қисқариши ҳисобига рўй беради. Маблағларнинг келиши ва кетиши орасидаги фарқ пул оқимини белгиловчи қийматни ифодалайди.

Мижознинг қопланиши керак бўлган қарз мажбуриятларидан бир неча баробар ортиб кетган пул миқдори кучли пул оқими деб ҳисобланади. Қарз мажбуриятларининг тўлиқ қопланишини таъминлайдиган оқим-етарли, таъминлай олмайдигани эса етарли эмас ёки салбий деб қаралади.

Пул оқимлари бевосита ва билвосита усулда ҳисобланиши мумкин. Бевосита усулда корхона маблағларининг ҳар бир моддасининг ўзгаришини — ортиши ёки камайишини пул маблағларини ўзгаришига бевосита таъсири орқали ифодаланса, билвосита усулда маблағлар манбаи ва турли қўйилмалар қийматининг соф фойдани ўзгариши оқибатида олинган пул оқимини аниқлашга асосланади.

Пул оқимининг таҳлили корхона фаолиятининг уч йўналишида: операция, инвестиция ва молиявий фаолият йўналишлари бўйича ўтказилади. Пул оқимининг таҳлили учун маълумот манбаи бўлиб баланс ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади. Ҳақиқий маълумотлар асосида ҳисобланган пул оқими корхонанинг баланс ликвидлиги ҳолатини ифодалайди. Билвосита усулдан пул оқим-

ларини соф фойда орқали хом чўтлашда фойдаланилади. Пул оқими келишининг кетишидан кўра устунлиги мазкур корхона кредит қарзлари ҳажмини белгилашга имкон туғдиради.

Мижознинг тўлов қобилияти ва кредит қобилиятини таҳлил қилишда тижорат банклари томонидан қуйидаги методик усуллар қўлланилади:

- ликвидлик коэффициентлари ҳақиқий ҳолатини меъёрий даража билан таққослаш;
- коэффициентлар ўзгариши таҳлили;
- коэффициентлар ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили.

Бошқа шароитларда ликвидлик коэффициенти ўсиши мижознинг тўлов қобилияти ва кредит қобилияти яхшиланганини билдиради. Шу билан бирга, узил-кесил хулоса чиқариш учун омилли таҳлил ўтказиш талаб қилинади.

Ликвидлик коэффициентининг миқдорий даражасига таъсир қилувчи омилларга қуйидагилар киради:

- биринчи ва иккинчи синф ликвидлик маблағлари ҳажмининг динамикаси;
- моддий активлар қийматининг динамикаси;
- бошқа активлар миқдорининг динамикаси;
- қисқа муддатли қарз мажбуриятлари ва улар элементлари миқдорининг динамикаси.

Умумий ликвидлик коэффициентининг ўзгаришини қуйидаги омиллар белгилайди:

- биринчи ва иккинчи синф ликвидлик активлари динамикаси ҳамда уларнинг элементлари;

• қисқа муддатли қарз мажбуриятлари динамикаси.

Умумий ликвидлик коэффиценти ўзгаришининг асосий сабабларини кўрсатиш учун унинг динамикасига айрим омиллар таъсирини занжирли боғланиш усули билан аниқлаш мумкин.

Шартли мисол келтирамиз. Ҳисобот даврида корхонанинг жадал ликвидлик коэффиценти 0,46, базис даврида эса 0,27 ни таъкил қилган, яъни 0,19 пунктга ошган. Коэффицентларни ҳисоблаш учун 15-жадвалда келтирилган дастлабки маълумотлардан фойдаланилади.

1. Ликвидлик активлар ўзгаришининг умумий ликвидлик коэффицентига таъсири:

$$\frac{480,2}{22513,3} = + 0,021$$

шу жумладан:

1-синф ликвидлик активлари:

$$\frac{+ 90,5}{22513,3} = + 0,004$$

2-синф ликвидлик активлари:

$$\frac{+ 389,7}{22513,3} = + 0,017$$

**Корхонанинг ликвид активлари ва қисқа муддатли  
мажбуриятлари ўзгариши (минг сўмда)**

Кўрсаткичлар номи	Базис даври	Ҳисобот даври	Ўзга- риши
2	3	4	5
1 ва 2-синф ликвидлик активлари	6138,5	6618,7	+480,2
Жумладан:			
1-синф ликвидлик активлари	130,5	321,0	+90,5
2-синф ликвидлик активлари	5908,0	6297,7	+389,7
Қисқа муддатли қарз мажбуриятлари	22513,	14157,4	-8355,7
Жумладан:			
Қисқа муддатли ссудалар	19052,4	11071,0	-7981,4
Мол етказиб берувчилардан бўлган қарзлар	3027,7	2728,7	-299,0
Бюджетдан бўлган қарзлар	-	-	-
Ишчи ва хизматчилардан бўлган қарзлар	433,	357,7	-75,5

2. Қисқа муддатли қарз мажбуриятлари ўзгаришининг умумий ликвидлик коэффициентига таъсири:

$$\frac{6138,5}{14517,5} - \frac{6138,5}{22513,3} = 0,423 - 0,273 = +0,15$$

шу жумладан:

қисқа муддатли ссудалар бўйича:

$$\frac{6138,5}{(11071,0 + 3027,7 + 433,2)} - \frac{6138,5}{22513,3} = \frac{6138,5}{14531,9}$$

$$\frac{6138,5}{22513,3} = 0,4224 - 0,2727 = +0,1497$$

мол етказиб берувчиларнинг кредиторлик қарзлари бўйича:

$$\frac{6138,5}{19052,3 + 2728,7 + 433,2} - \frac{6138,5}{22513,3} - \frac{6138,5}{22213,2} - \frac{6138,5}{22513,3} =$$

$$= 0,276 - 0,273 = +0,003$$

3. Ликвидлик активлар ва қисқа муддатли қарз мажбуриятларининг умумий таъсири:

$$+0,021 + 0,18 = +0,39$$

Келтирилган мисолда жадал ликвидлик коэф-фициенти ўсишига қисқа муддатли ссудалар бўйича қарзларнинг қисқариши кўпроқ таъсир кўрсатиши аниқланди. Буни миждоз молиявий ҳолатининг яхши-ланишида ижобий баҳолаш мумкин. Масалан, тақ-симланмаган фойда ҳисобига ўз капиталининг ўсиши банкдан бўлган қарзнинг қисқаришига олиб келади. Шунинг билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши ҳисобига қисқа муддатли ссудалар

камайишини, мижозга кредит беришнинг тўхталишини – ижобий ҳолат деб қаралмайди.

Шунингдек, кредиторлик қарзнинг қисқариши ҳам умумий, ликвидлик коэффиценти ўсишига сабаб бўлиши мумкин. Бу бир томонлама баҳоланмайди. Масалан, мол етказиб берувчиларнинг корхонага ишончи сусайса ва улар олдиндан ҳақ тўлашни талаб қилишса, кредиторлик қарзининг бундай қисқариши тўлов қобилиятининг пасайганидан дарак беради.

Келтирилган мисолда ликвид активларининг динамикаси умумий ликвидлик коэффицентининг ўзгаришида асосий омил эмас эди. Лекин кўпинча унинг ўсиши дебиторлик қарзининг ошиши сабабли юз беради. Тўловнинг инқироз пайтидаги кўтарилиши ликвидлик коэффицентининг ўсиш омили бўлиши ҳам мумкин. Унинг миқдори 4, 5, 6 ва ҳ.к.га етиши мумкин, лекин бу тижорат банки мижози тўлов қобилиятининг яхшиланганидан эмас, балки пасайганидан дарак беради. Айнан шунинг учун ликвидлик коэффицентларини (тўлов қобилиятини) ҳисоблашда яқин муддатларда қопланадиган дебиторлик қарзларидан фойдаланилади.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлил қилиш усуллари қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ўсиш суръатини ўрганиш. Тўланмаган қарзларни олдинги даврларга нисбатан тез ўсиш суръатлари банк мижози тўлов қобилиятининг ёмонлашганидан дарак беради. Дебиторлик қарзининг кредиторлик қарзларига нисбатан тез суръатда ўсиши ҳам шунини кўрсатади.



2. Бир қисми дебиторлик, иккинчиси кредиторлик қарзларини ифодаловчи ҳисоб-китоб балансини тузиш:

Дебиторлар	Кредиторлар
<p>Жўнатилган товарлар;                      Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар:                      товарлар, кўрсатилган хизмат, бажарилган ишлар учун                      шўъба корхоналари билан бюджет билан ходимлар билан бошқа операциялар бўйича бошқа дебиторлар билан бошқа кредиторларга берилган бўнақлар</p>	<p>Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар:                      товарлар, кўрсатилган хизмат,                      бажарилган ишлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича                      ижтимоий таъминот ва суғурта бўйича                      мол-мулк ва шахсий суғурта бўйича                      шўъба корхоналари билан бюджет билан бюджетдан ташқари тўловлар юзасидан сотиб олувчи ва буюртмачилардан олинган бўнақлар</p>
сальдо	сальдо

Дебиторлик қарзи кредиторлик қарзидан сезиларли даражада ошиб кетмаслиги керак. Дебиторлик қарзи қолдиғи (сальдо)нинг ўсиши корхона тўлов қобилияти ёмонлашганини кўрсатади.

3. Бир томондан дебиторлик ва кредиторлик қарзларидаги ўзгаришларнинг чамбарчас боғлиқ-

лигини, бошқа томондан-сотиш ҳажмини аниқлаш. Бу боғлиқлик ўсиш суръатлари ёки корреляцион боғланиш асосида бўлиши мумкин (корреляцион коэффициентининг 0,5 дан юқори бўлиши боғланиш мўътадил эканлигини кўрсатади).

4. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари айланиш тезлигининг таҳлили. Айланиш тезлиги дебиторлик ёки кредиторлик қарзи ўртача қолдигининг сотишдан тушган бир кунлик тушумга нисбати билан ҳисобланади. Айланиш тезлиги секинлашуви миждоз тўлов қобилиятининг ёмонлашуви кўрсаткичидир. У мол етказиб берувчилар, бюджет ва бошқаларга муддати ўтган тўлов салмоғининг ўсиши оқибатида юзага чиқиши мумкин. Дебиторлик қарзи айланиш тезлиги секинлашуви харидорнинг тўлов муддати ўтган қарз салмоғи ўсишининг белгиси ҳисобланиб, мол етказиб берувчи-корхона тўлов қобилиятининг пасайганлигини билдиради. Бу борада ҳисоб-китоб баланси таркибини таҳлили асосида, шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари алоҳида турларининг айланиш тезлигини ҳисоблаш билан узиш-кесил хулоса чиқариш мумкин. Дебиторлик қарзи ҳисобига ликвидлик коэффициентларининг ўсиши, шунингдек, унинг айланиш тезлиги секинлашуви корхона кредит қобилияти синфи кўтарилиши учун асос бўла олмайди.

5. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таркибий таҳлили. У дебиторлик ва кредиторлик қарзлари асосий турлари миқдорининг ўзгариш сабабларини, муддати ўтган тўловлар улуши, миқдори, муддати, шартнома тузувчилари ва юзага

келиш сабаблари бўйича таҳлил қилишни, шунингдек, муддати ўтган тўловларнинг картотека бўйича аниқлашни кўзда тутлади. Бу таҳлил асосида ликвидлик коэффициентини ҳисоблаш учун нисбатан узоқ муддатга (60 кундан ортиқ) кечиктирилган дебиторлик қарзлари салмоғи чегараси тўғрисида ахборот тўпланиши мумкин. Масалан, агар бу салмоғи 5 %ни ташкил қилса, коэффициентларни ҳисоблашда балансдан 95 % дебиторлик қарзи қолдиғини олиш керак.

Таркибий таҳлил учун корхонанинг шартнома, қарз миқдори, унинг юзага келиш ва қопланиш муддатлари кўрсатилган дебиторлик ёки кредиторлик қарзи ҳолатини таҳлил қилиш зарур. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таркибий таҳлилинини бошқа ҳисоб турлари бўйича ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ. Товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун олдиндан ҳақ тўлаш билан боғлиқ дебиторлик қарзлари улишининг ўсиши ва шу сабабдан кредиторлик қарзи қисқариши ҳам корхона молиявий аҳволи ёмонлашувининг омили бўлиши, шу билан бирга унинг тўлов ва кредит қобилиятларининг пасайишига олиб келиши мумкин. Аксинча, тўлов ёки талабнома билан ҳисоб-китобдаги салмоқ ошиши мижознинг бозорга бўлган ишончи ошганлиги билан бир вақтда таъминотчилар олдидаги кредитор қарзларининг ошишига олиб келиши мумкин.

Тўловларни бюджетга ўз вақтида ўтказиши ҳам корхонанинг тўлов қобилияти кўрсаткичи ҳисобланади. Бунга боғлиқ равишда молия органларига кредиторлик қарзининг таркибли таҳлили зарур.

Тўлов муддати кечиктирилган қарзнинг мавжудлиги молиявий қийинчиликлар сабаблари объективлигидан ва келгусида корхона тўлов қобилияти пасайишидан дарак беради.

Юқорида таъкидланганидек, қоплаш коэффициентларининг ўзгариш сабаблари ҳам (жорий ликвидлик) жуда хилма-хил. Мижоз тўлов қобилиятини баҳолашда коэффициент динамикасини аниқловчи асосий омилнигина эмас, балки ўзгаришларнинг иқтисодий табиатини ҳам аниқлаш зарур. Товар-моддий бойликлар захирасининг кўпайиши коэффициентини ўсиш омилларидан бири бўлиши мумкин. Агар у айланиш тезлигининг секинлашуви билан бирга содир бўлса, яъни ҳисобот даври ишлаб чиқариш талаблари билан боғлиқ бўлмаса, унда қоплаш коэффициентининг яхшиланиши корхона тўлов қобилияти мустақамланаётганидан дарак бермайди. Шу билан бирга, йил мобайнидаги захиралар айланиш тезлиги ҳам назардан четда қолмаслиги керак (захираларнинг айланиш тезлиги кунларда ҳамда захираларнинг барча ва айрим турлари бўйича давр мобайнида айланиш миқдори каби ҳисобланиши мумкин).

Шундай қилиб, тижорат банки мижози тўлов қобилиятининг таҳлили ҳисоб-китобнинг миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолашни ўзида мужассамлаштиради. Ҳисоб-китоб маълумотларини миқдор жиҳатдан баҳолаш молиявий кўрсаткичларига таъсир қилувчи иқтисодий жараёнларни ўрганишга асосланади.

## **VIII. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ БАНК БИЛАН ҶЗАРО КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Ҷзаро кредит муносабатлари таҳлили қарз олувчига қарз бериш билан боғлиқ кредит таваккалчилиги даражасини, маблағ ажратилаётган тадбирнинг хатари, кредит муносабатлари фойда келтиришининг баҳолашни ўз ичига олади.

**Кредит таваккалчилиги** – бу асосий қарз ва фоизларнинг ундиролмаслик хатаридир. Ҳисобот даврида тўлов муддати ўтган қарзининг борлиги, унинг кичик, ўрта ва катта миқдорлари, муддати узайтирилган ссудаларнинг борлиги, ҳажми ва ўртача давомийлиги, муддати узайтиришнинг ўртача муҳлати, битта ссуда муддатининг узайиши кабилар таҳлил манбалари ҳисобланади. Таҳлилнинг бу қисми банк кредит портфели таҳлиliga ахборот тўплаш имконини беради. Ссудалар сифатини баҳолашда муддатида қайтарилмаган қарз давомийлиги, шунингдек, битта ссуда муддатини узайтиришнинг сони ҳисобга олинади.

Кредит хатарини баҳолаш усуллари ва унинг омилларига мувофиқ қуйидагилар таҳлил предмети бўлиши мумкин:

- ўтган даврлардаги ссудалар йўналишининг мақсади;

- ссудаларни кредит хатаридан ҳимоялашнинг ишончлилиги;

- ҳисобот даврида ссудаларнинг ўртача миқдори, йирик ссудалар мавжудлиги (тижорат банки капитали 5 %идан кўп бўлмаган миқдорда);

- ссудаларнинг ўртача давомийлиги;

- ссудаларни бериш тартиби;

- ссудаларни қоплаш манбалари;

- ссудаларни қоплаш тартиби;

- қарз олувчининг ссудалардан фойдаланиш самарадорлиги;

- ссуданинг бирор хатар гуруҳига тааллуқлилиги.

Ссудаларнинг йўналиши унинг қандай мақсадга йўналтирилганлиги билан банк фаолиятига мос келиши, унинг кредит портфели маълум сегментига тааллуқлилиги ва бу сегмент ишининг бандлик даражаси нуқтаи назаридан баҳоланади. Масалан, агар банк фаолиятининг мақсади маълум ҳудудда ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўлиб, мижоз эса банк ссудаларини уй-жой қурилиши учун олган бўлса—бундай кредит муносабатларини ижобий деб баҳолаш мумкин эмас (айниқса, банк кредит портфелидаги эътирозли-муаммоли ссудаларнинг салмоғи катта бўлса).

Катта миқдорда ссудалар бериш, пул бозорининг ўртача муҳлатидан кўп муддатга кредит бериш, инфляция шароитида банкни хатардан (инфляция, фоиз) ҳимоялаш таъминланмаган ҳолда узоқ муддатли ссуда бериш - хатарли операция деб баҳо-

ланади. Нисбатан узоқ муддатли ссудалар хатаридан банкни ўзгарувчан фоиз ставкалари, ўртачадан оширилган юқори фоизли маржа, ликвидлик гаровнинг баланд қиймати ва бошқалар ҳимоялаши мумкин.

Мижознинг ҳисоб-китоб варағига ўтказилган ссудалар кредитланаётган операциялар билан боғлиқ ҳисоб-китоб ҳужжатларига ҳақ тўлаш учун берилган ссудаларга нисбатан хатарлироқ ҳисобланади.

Шунингдек, ссудаларни қоплаш манбалари ҳам банк хатари даражасини белгилайди. Кредитландиган бойликлар сотилишидан олинadиган фойда ҳисобидан қопланадиган ссуданинг хатари камроқ бўлса, чиқарилиши кўзланган маҳсулотдан келадиган фойда ҳисобидан қопланадиган ссуданинг хатари кўпроқ ҳисобланади. Кредитлаш муҳлати давомида ёки охирида, тенг ёки катталашадиган салмоқлар билан, ҳисоб-китоб варағидан ёки ссуда счётига фойдани ҳисобга киритиш воситасида кредитлаш хатар ва қарзни қоплаш тартиби нуқтаи назаридан ҳам бир тарафлама баҳоланмайди.

Қарз олувчининг ссудадан фойдаланиш самарадорлиги банкни кредит хатаридан ҳимоялаш даражасини белгилайди. У кредитланадиган тадбирнинг ҳисобот давридаги ўртача фойдаси деб баҳоланиши мумкин. Кредитланадиган тадбирдан олинadиган соф фойда уни қоплашга етарли бўлиши керак. Шу билан бир қаторда фоиз тўловларини қоплаш коэффициенти [(фоизларни тўлашдан аввалги фойда): (фоиз тўловлари)] халқаро андозаларга мос ра-

вишда 7 дан 3 гача бўлган миқдорни ташкил қилиши керак.

Ўтган даврларда мижозлар билан кредит муносабатлари хатарини баҳолашнинг яқунловчи босқичи-ссудаларнинг маълум хатар гуруҳига тааллуқли эканлигини таҳлил қилишдир. Кредит портфелининг таҳлил услуби ссудаларни хатар гуруҳидан бирига киритилишини кўзлайди. Биринчи гуруҳ учун хатар 2 % ҳажмида баҳоланади, иккинчиси учун-5, учинчиси учун-30, тўртинчиси учун-75,0, бешинчиси учун-100 %. Агар ўтган даврдаги ссудалар тўртинчи ёки бешинчи гуруҳга тааллуқли ва кредит хатаридан ишончли ҳимоя қилинмаган бўлса, бундай кредит муносабатларини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Кредит хатаридан ҳимояланишнинг ишончлиги белгиланган маржа ҳажми (ликвидликни белгиланган қиймати билан ссуда миқдори орасидаги фарқ) ва ссудаларни қоплашнинг иккиламчи манбаларидан реал фойдаланиш орқали баҳолаш мумкин. Масалан:

Ссудаларни суғурта товони ҳисобидан қоплаш

Ҳисобот даврида суғурта товони ҳисобидан қопланиши керак бўлган ссудалар миқдори

Ссудаларни белгиланган сотилиши ҳисобидан қоплаш

Ҳисобот даврида белгиланган сотиш ҳисобидан қопланиши керак бўлган ссудалар миқдори



Кредит хатарини баҳолаш усулларида бири кредитланадиган тадбирнинг иш хатарини таҳлил қилишдир. Бундай таҳлил кредитга оид ҳужжатларнинг асосий турларидан ҳисобланувчи кредитланадиган тадбирларни **техник-иқтисодий асослаш (ТИА)** бўлади. ТИАда қуйидагилар кўрсатилади:

- ссуда мақсади (йўналиши);
- ҳамкор (мол етказиб берувчи);
- шартнома (шартномалар) реквизитлари;
- кредитланадиган бойликлардан фойдаланиш тартиби (ишлаб чиқариш талаблари, сотиб олиш-сотишда воситачилик операциялари ва Ҳ.к.);
- қарз олувчининг харажатлари: а) олинаётган бойликларнинг миқдори ва нархи кўрсатилган қиймати; б) қўшимча харажатлар (божхона, транспорт, сақлаш ва реализация бўйича харажатлар); в) олинган ссудаларга банк кафилиги хати; г) муддати ва фоиз ставкаси кўрсатилган фоиз тўловлари;

- сотишдан фойда.

ТИАга иш хавфининг таҳлили учун банк талаб қилган шартномалар илова қилинади.

Ссуда йўналишлари бир неча позицияларда баҳоланади:

- ссуда йўналишининг банк фаолияти мақсадига мувофиқ келиши;
- банк кредит бериш бўйича мазкур аҳдлашув хавф-хатарини баҳоловчи ва уларни бошқара оладиган мутахассисларга эга бўлиши;
- ссудани узишдаги таваккалчилик манбалари.

Ҳамкорликда. иш юритувчига унинг қанчалик ишончилиги билан баҳо берилади. Таъминотчиларнинг кўп бўлиши эътиборга олинади: қанча таъминотчи кўп бўлса шунча хавф-хатар камаяди. Хом ашё ва тўлдирувчи маҳсулотларни бевосита уни ишлаб чиқарувчи ёки воситалар ёрдамида олинishi ҳам аҳамиятга молик. Ўртада турган воситачи қанчалик кўп бўлса, хавф-хатар шунча ошади.

Одатда, иш бўйича таваккалчилик омиллар техниквий-иқтисодий асослашда баён этилганидан кўра кўпроқ бўлади. Бундай омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- **товарлар айлантиришни кредитлашда:** юқдан фойдаланиш бўйича ташишдаги хатар, валюта таваккалчилиги, хом ашёни олиб келиш ва уни олиб чиқишдаги хавф-хатар;

- **маҳсулот ишлаб чиқаришни кредитлашда:** ишчи кучининг мавжудлиги, имкони ва ёши, асосий фондларнинг қуввати ва уларни иш билан таъминлаш;

- **маҳсулот сотишни кредитлашда:** харидорлар мав-жудлиги ва уларнинг молиявий барқарорлиги, демо-график омиллар, бозорда мазкур маҳсулотга рақобат ва ушбу бозорнинг тараққиёт босқичи, валюта ха-тари ва ҳ.к.

Ссуда беришда шунга ўхшаш бошқа омиллар ҳам таҳлил этилиши керак.

Техника-иқтисодий асослашда кредитлаштирилган тадбирлар билан боғлиқ бўлган пул оқими ҳам ўз аксини топади. Кирим даражаси маҳсулот сотиш

билан боғлиқ бўлган чиқимлар, фоизли ва воситачилик тўловларини қоплашга етиши лозим. Асосий қарз фойдадан қайтарилади. Фойданинг мўлжалланган қолдиғи қарз олувчиларнинг хом ашё олиш, маҳсулот ташиш харажатлари, кредит учун фоиз тўлашга қодир эканлигидан далолат беради. Айниқса, қадрсизланиш шароитида баҳолар юқори бўлса, кредитлаш катта хавф-хатарга учраши мумкин.

ENC

Шс

## **IX. БАНК МИЖОЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ КОЭФФИЦИЕНТЛАР ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ**

Банк миждозлари молиявий ҳолати ўрганилар экан, уни баҳолашда молиявий коэффициентлардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутди. Бу таҳлилнинг асосий афзаллиги шундаки, улар ёрдамида корхонанинг молиявий ҳолатини етарли даражада ва оддий баҳолаш мумкин. Шу билан бирга молиявий коэффициентлар кўп йиллик фаолиятни ўрганиш, кўрсаткичларни ўзгаришига инфляция таъсирини бартараф қилиш, бошқа корхоналар ёки бошқа базавий кўрсаткичлар билан таққослаш имконини беради.

Молиявий коэффициентлар таҳлилининг моҳияти молиявий ҳисоботларнинг турли моддалари ўртасидаги нисбатни аниқлашдан иборат бўлгани учун ҳам, олинган нисбий кўрсаткичларни таққослаш имкониятлари ниҳоятда каттадир. Таққослаш учун база сифатида умумий қабул қилинган стандартлар; тармоқнинг ўртача кўрсаткичлари; олдинги йиллардаги шунга ўхшаш кўрсаткичлар; рақобатлашувчи ёки бошқа илғор корхоналар кўрсаткичлари ва таҳлил қилинаётган корхонанинг бошқа кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Молиявий ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган кўрсаткичлар даражаси таққослаш базасидан

ёмоироқ бўлса, бу ўрганилаётган корхона молиявий фаолиятининг заиф жойларини мавжудлигидан далолатдир. Демак, молиявий коэффициентлар корхона молиявий ҳолатини яхшилаш имкониятлари умумий ҳажмини аниқлаш имконини ҳам берар экан. Шунинг учун ҳам, корхоналарнинг молиявий менежерлари корхона молиявий фаолиятига доир қарорлар қабул қилар экан, энг аввало, ушбу қарорни муҳим молиявий коэффициентларга таъсир қилишига баҳо беради.

Банк ёки бошқа кредиторлар, инвесторлар ва корхонанинг молиявий ҳолатига қизиқувчи, молиявий ахборотлардан ташқи фойдаланувчилар учун ҳам корхона фаолиятига баҳо беришнинг асосий усули бўлган молиявий коэффициентлар алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун бўлса керак, бозор иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатларда «Молиявий коэффициентлар» эълон қилинадиган махсус нашрлар мавжуд. Булар жумласига АҚШдаги «Дан энд Брэдстрит» компанияси, «Роберт Моррис Ассошиэйтс» фирмаси, АҚШ Савдо вазирлигининг Солиқлар бюроси, Қимматли қоғозлар бўйича комиссия ва бошқаларни киритиш мумкин. Япония мамлакатада эса молиявий коэффициентлар бўйича маълумотларни «Кайся нэмкан» йиллик тўплами ҳамда Савдо ва саноат вазирлиги томонидан мунтазам чоп қилиб бориладиган алоҳида ахборотномада кўриш мумкин.

Ўрни келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, корхоналар молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни қўллашда ҳозирча ягона тизим иш-

лаб чиқилган эмас. Шунинг учун бўлса керак, турли мамлакатларда молиявий коэффициентларни турлича қўллашадилар. Жумладан, АҚШда 10 дан 15 тагача бўлган коэффициентларни эълон қилишса, Япониянинг «Кайся нэмкан» йиллик тўпламида 12 та кўрсаткич, Савдо ва саноат вазирлиги ахборотномасида эса 80 га яқин кўрсаткич келтирилади. Умуман олганда, жаҳон амалиётида корхоналар молиявий ҳолатига баҳо бериш учун 10–15 кўрсаткичдан фойдаланиш кифоя деб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашда қўлланадиган кўрсаткичлар ўзига хос тизими ишлаб чиқилиб, амалиётда қўллаш учун тавсия қилинган. Молиявий ҳолатни баҳолашда қўлланадиган асосий молиявий коэффициентлар 5 та йирик гуруҳларга ажратилган бўлиб, уларни умумий сони 20 тани ташкил қилади. Улар ушбу қўлланманинг «Банк миждозлари молиявий фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизми» қисмида алоҳида кўриб чиқилди. Бу ерда ана шу коэффициентлар ёрдамида корхона молиявий ҳолатини баҳолашга ҳаракат қилинди.

Банк учун унинг миждозлари бўлган корхоналарнинг тўлов қобилияти муҳим аҳамиятга эга. Даставвал корхонанинг жорий даврдаги тўлов қобилияти ўрганилади, бунинг учун эса унинг балансни ликвидлик даражаси баҳоланади. Корхона баланси ликвидлик даражасини баҳолаш учун биз унинг бухгалтерия балансидан олинган қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотларидан фойдаланамиз (16-жадвал).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, миждоз балансининг ликвидлик кўрсаткичлари базис даврига нисбатан ҳисобот даврида янада яхшиланган. Хусусан, жорий ликвидлик даражаси 9,82 фоизга ёки 0,206 пунктга ошган. Бу шунинг аниқлиги, базис даврида корхона 1 сўмлик жорий мажбуриятларини тўлаш учун жорий йилда пулга айланиши мумкин бўлган 2,099 сўмлик активга эга бўлса, ҳисобот даврида ҳар бир сўмлик жорий қарзларини қоплаш учун 2,306 сўмлик жорий активга эга бўлган.

**Корхона балансининг ликвидлик даражасини  
ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили  
(минг сўм)**

*16-жадвал*

Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи	
			Абсолют (+, -)	Нисбий (%)
Жорий активлар, шу жумладан	570000	616816	46816	8,21
Товар-моддий захиралари	277500	273600	-3900	-1,41
Келгуси давр харажатлари	4500	6080	1580	35,11
Соф дебиторлик қарзлари	217500	237120	19620	9,02
Қисқа муддатли инвестициялар	48000	70376	22376	46,62
Пул маблағлари	22500	29640	7140	31,73

Жорий мажбуриятлар, шу жумладан:	271500	267520	-3980	-1,47
Банк кредити	39600	31000	-8600	-21,72
<b>Кoeffициентлар</b>				
Жорий ликвидлик	2,099	2,306	0,206	9,82
Муддатли ликвидлик	1,061	1,260	0,199	18,80
Абсолют ликвидлик	0,083	0,111	0,028	33,69
Соф айланма активлар	298500	349296	50796	17,02

Халқаро амалиётда ҳам бу кўрсаткични 2,0 билан 2,5 орасидаги коэффициентни энг яхши деб ҳисобланишини эътиборга оладиган бўлсак, таҳлил қилинаётган корхона балансининг жорий ликвидлик даражасини жуда яхши ҳолатда, деб баҳолаш мумкин.

Корхона балансининг муддатли (тез) ликвидлик даражаси ҳам ҳисобот даврида базис даврига нисбатан сезиларли даражада яхшиланган—0,199 пунктга ёки 18,8 фоизга кўпайган. Корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш амалиётида банклар томонидан кенг қўлланадиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланган муддатли ликвидлик даражаси унинг қарзини узишнинг реал имкониятларини кўрсатиб беради. Чунки, корхона айланма маблағларининг турлари



бўйича ликвидлик даражаси турлича бўлиб, товар-моддий захираларини пулга айланиши нафақат харидорларни бўлишини, балки уларда тўлаш учун пул маблағларини бўлишини ҳам тақозо қилади.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муддатли ликвидлик кўрсаткичларини ҳисоблашда бозор иқтисодиёти ривожланган бир қатор мамлакатларда, хусусан ғарб мамлакатларида «Келгуси давр харажатлари»ни ҳам ҳисобга оладилар. Бундай ҳолатда муддатли ликвидлик кўрсаткичини ҳисоблаш учун айланма маблағлардан товар-моддий захираларни айриб натижани жорий мажбуриятларга бўлиш лозим бўлади.

Корхона баланси ликвидлиги кўрсаткичларидан яна бири ҳисобланган абсолют ликвидлик кўрсаткичидан аксарият ҳолларда корхона ўзини ички мақсадлари учун фойдаланадилар. Қилинган ҳисоб китоблардан кўриниб турибдики, абсолют ликвидлик даражаси ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 0,028 пунктга кўпайган. Демак, корхона ҳисобот йилида ўз кредиторлари билан 33,69 %га тезроқ ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

Корхона баланси ликвидлиги таҳлили жараёнида соф айланма маблағларни алоҳида ўрни бор. У корхонанинг барча жорий қарзларини узгандан кейин корхонани ривожланиши учун мавжуд бўлган потенциал имкониятини тавсифлайди. Чунки, агар корхонанинг барча жорий активлари фақат қисқа муддатли мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлса, унда бу пулар оборотли мажбуриятларга киради ва корхонани бундан кейин ривожланиши учун имконияти қолмайди. Шунинг учун бўлса керак соф

айланма активларни кўпинча «ишчи капитал» деб ҳам айтилади.

Ҳисобот даврида корхона баланси ликвидлик даражасини яхшиланишида маълум маънода ана шу ишчи капитални кўпайиши катта роль ўйнаган. Ишчи капитални нима ҳисобига кўпайганлиги сабабларини билиш учун айланма активлар тузилмасини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга (17-жадвал).

17-жадвал

**Корхона айланма активларининг тузилмасини таҳлили**

Кўрсаткичлар	Суммаси (м. сум)		Салмоғи (%)		Фарқи (+,-)	
	Базис даври	Ҳисобот даври	Базис даври	Ҳисобот даври	суммада	Салмоғида
Товар-моддий захира-лари	277500	273600	48,68	44,36	-3900	-4,33
Келгуси давр харажатлари	4500	6080	0,79	0,99	1580	0,20
Соф дебиторлик қарзлари	217500	237120	38,16	38,44	19620	0,28
Қисқа муддатли инвестиция	48000	70376	8,42	11,41	22376	2,99
Пул маблағлари	22500	29640	3,95	4,81	7140	0,86
Жами	570000	616816	100,00	100,00	46816	0,00

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, унинг жорий активларининг асосий қисми (87 %дан 78 %гача) товар-моддий захиралари ва соф дебиторлик қарзлари улушига тўғри келади. Ҳисобот даврида товар-моддий захиралари салмоғи сезиларли даражада—4,33 пунктга камайган бўлса, бошқа турдаги барча айланма активлар улуши 0,2 пунктдан то 2,99 пунктгача кўпайган. Айниқса, корхонанинг қисқа муддатли инвестициялар ва пул маблағларини кўпайиши корхона баланси ликвидлиги яхшиланганлигини яна бир бор кўрсатиб турибди.

Корхона молиявий ҳолати таҳлил қилинар экан, унинг балансини ликвидлигини ўрганиш билангина чегараланмаслик керак. Балки ана шу активлардан фойдаланиш самарадорлиги қандай эканлигини ўрганиш ҳам муҳим аналитик аҳамиятга эга. Корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи — ишчанлик фаоллиги коэффициентлари қуйидаги жадвалда келтирилган (16-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, активлар айланувчанлиги ҳисобот даврида базис даврига нисбатан 0,23 %га секинлашган бўлиб, бу корхона фаолияти умумий ҳажмини бир оз қисқарганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, активлардан фойдаланиш самарадорлиги бир оз пасайган, сабаби активларни ўсиш суръатига нисбатан, сотишдан тушган даромадларини ўсиш суръати секинроқ бўлган, бу эса активлар айланувчанлиги кўрсаткични ёмонлашишига олиб келган.

**Ишчанлик фаоллиги кўрсаткичлари таҳлили**  
(минг сўм)

Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи	
			Абсолют (+,-)	Нисбий (%)
Сотишдан тушган тушум	1087500	1162876	75376	6,93
Сотилган маҳсулотлар таннари	775500	813200	37700	4,86
Активлар қиймати	947400	1015436	68036	7,18
Товар-моддий захиралари	277500	273600	-3900	-1,41
Соф дебиторлик қарзлари	217500	237120	19620	9,02
Мол етказиб берувчилардан қарзи	85500	91200	5700	6,67
<b>Кoeffициентлар</b>				
Активлар айланувчанлиги	1,148	1,145	-0,003	-0,23
Дебиторлик қарзлари айланиш давомийлиги	73,0	74,4	1,4	1,91
ТМЗ айланиш давомийлиги	130,6	122,8	-7,8	-5,98
Кредиторлик қарзлари	40,2	40,9	0,7	1,74

айланиш давомийлиги				
Операцион цикл давомийлиги	203,6	197,2	-6,4	-3,15

Корхонада товар-моддий захираларини айланиши тезлашган, бу ўз навбатида уларни айланиш даврини камайишига олиб келган. Демак, ТМЗ айланиш тезлиги ҳисобот даврида 7,8 кунга (130,6 кундан 122,8 кунгача) қисқарган бўлса бунинг натижасида уларни таъминлаш учун зарур бўлган маблағлардан 5930,1 минг сўмини  $[7,8 \cdot (277500/365)]$  озода қилиш имкониятига эга бўлган.

Корхонада дебиторлик қарзларини айланиш давомийлиги 1,4 кунга (73 кундан 74,4 кунга) секинлашган бўлсада, товар-моддий захираларини айланиш тезлиги нисбатан юқори бўлганлиги сабабли операцион циклининг ўртача давомийлиги 6,4 кунга (203,6 кундан 197,2 кунга) қисқарган. Буларни ҳаммаси корхона ресурсларидан фойдаланиш даражаси ҳисобот даврида сезиларли даражада яхшиланган бўлсада, уни янада яхшилаш имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатиб турибди.

Корхона ресурсларидан фойдаланиш даражаси яхшиланиши албатта унинг умумий самарадорлик даражасига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Уларнинг таъсири қандай бўлганлигини баҳолаш учун корхона рентабеллиги кўрсаткичларини ифодаловчи кўрсаткичларини шу давр мобайнидаги ўзгаришларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир (17-жадвал).

## Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи	
			Абсолют (+,-)	Нисбий (%)
Соф (йиллик) фойда	81795	116543	34748	42,48
Активлар қиймати	947400	1015436	68036	7,18
Сотишдан тушган тушум	1087500	1162876	75376	6,93
Хусусий капитал	458400	525996	67596	14,75
Муомаладаги акциялар сони	9000	10000	1000	11,11
<b>Козффициентлар</b>				
Активлар рентабеллиги	0,086	0,115	0,028	33,72
Сотиш рентабеллиги	0,075	0,100	0,025	33,33
Хусусий капитал рентабеллиги	0,178	0,222	0,043	24,71
Битта акциянинг фойдалилиги	9,088	11,654	2,566	28,23

Жадвал маълумотларини далолат беришича, корхона фаолиятини самарадорлиги ҳисобот даврида базис даврига нисбатан сезиларли даражада ошган. Рентабелликнинг барча кўрсаткичларини кескин кўпайганлигининг асосий сабаби йиллик соф фойда кўрсаткичининг юқори суръатлар билан кўпайганлигидир.

Маълумки, активлар рентабеллиги корхонанинг рақобатбардошлигини ифодаловчи муҳим индикаторлардан бири ҳисобланади. Чунки у корхонанинг барча ресурслари эвазига қанча фойда олинаётганлигини ифодалайди. Қилинган ҳисоблардан кўриниб турибди, ҳисобот даврида корхонанинг барча активлари 7,18 %га кўпайган. Лекин шу давр мобайнида соф йиллик фойда 42,8 %га ошган, натижада, активлар рентабеллиги 33,72 %га кўпайган, яъни активларни қўшимча ўсиш суръатига нисбатан соф фойда тезроқ ўсган.

Корхонанинг сотиш рентабеллигини ҳисобот давридаги ўзгариши ҳам ижобий бўлган. Бунга энг аввало, сотишдан тушган даромадларни ўсишини корхона харажатларига ўсиш суръатига нисбатан жадалроқ бўлишини таъминлаш орқали эришилган. Сотиш рентабеллиги нисбатан юқори эмаслиги кўриниб турибди, лекин уни базис давридаги (7,5 %)дан ҳисобот даврида (10 %гача) кескин – 1,33 мартага кўпайиши корхона учун катта ижобий ўзгаришдир.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сотиш рентабеллиги юқорида биз ҳисоблаган усулдан бошқача усулда ҳам ҳисобланиши мумкин. Унга мувофиқ рентабеллик сотишдан олинган ялпи фойдани сотишдан тушган тушумга нисбатан ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткичнинг аналитик аҳамияти – нарх белгилаш сиёсатидаги ўзгаришлар ва сотилган маҳсулотлар таннархини назорат қилишдир.

Хусусий капитал (ўз сармояси) рентабеллиги корхона мулкдорлари сарфлаган хар бир сўми эвазига неча сўмдан соф фойда ишлаб топилганлигини

ифодалайдиган муҳим кўрсаткичдир. Корхонанинг мулкдорлари томонида алоҳида эътибор бериладиган бу кўрсаткич, улар томонидан ўз маблағларини бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига сарфлаганда олиши мумкин бўлган даромадлари билан таққослаш имконини беради. Корхонанинг хусусий капитал рентабеллиги базис давридаги (17,8 %)дан ҳисобот даврида (22,2 %) сезиларли даражада (4,3 пунктга) кўпайган бўлиб, бунга асосан хусусий капитални ўсишига нисбатан соф фойдани жадал ўстириш орқали эришилган.

Хусусий капитал рентабеллиги кўрсаткичининг афзаллик томонларидан яна бири шундаки, корхонанинг соф фойдаси йил якунида тақсимланмаган фойда сифатида хусусий капитал таркибига киритилади ва демак, ана шу коэффициент орқали хусусий капитал таркибига қўшилган фойда улушини ҳам ифодалаш имкони бўлади. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда хусусий капитал рентабеллигига корхона акцияларининг котировкасига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омил сифатида қаралади.

Корхонанинг муомаладаги ҳар битта акциясига тўғри келадиган соф фойда-акциянинг фойдалилик кўрсаткичи базис давридаги (9,088)дан ҳисобот даврида (11,654) сезиларли даражада – 2,566 пунктга ёки 28,23 %га кўпайган. Бу кўрсаткич ҳам корхона акцияларини бозор қийматига катта таъсир этувчи муҳим омилдир.

Шундай қилиб юқорида келтирилган рентабеллик кўрсаткичлари унинг ҳисобот давридаги фаолияти базис даврига нисбатан сезиларли даражада самарали бўлганлигини кўрсатиб турибди. Бу эса ўз навбатида



корхонанинг тўлов қобилиятини хусусан узок муддатли қарзларини тўлов имкониятларини яхшиланишига ҳам жиддий ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди албатта.

Корхонани узок муддатли қарзларини тўлашга бўлган қобилиятини тавсифлаш учун молиявий боғлиқлик, мулкчилик ва кредиторларни ҳимояланганлик коэффициентларидан фойдаланилади. Ана шу кўрсаткичларни таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар корхонанинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларидан олинди. Маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган (20-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотларни ўзиёқ сўз корхонанинг ўз ва қарзга олган капитали устида бораётганлигини ва инвесторлар манфаатини ҳимояланиш даражаси ҳақида бораётганлигини кўрсатиб турибди. Коэффициентларни биринчиси—молиявий боғлиқлик кўрсаткичи корхонанинг ташқи қарзларга боғлиқлик даражасини ифодалайди. Ушбу коэффициент қанча юқори бўлса, корхонанинг қарзлари шунча кўп бўлади ва уни банкротликка олиб келиш мумкин бўлган вазият шунча қалтис бўлади. Шунингдек, коэффициентни юқори даражада бўлиши корхонада пул маблағлари тақчиллигини вужудга келишининг потенциал хавфи мавжудлигини акс эттиради.

Ўрни келганда шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткични бирдан ошмаслигини, имкони борича ўз ва қарз сармойасини ўзаро мувофиқ келадиган даражада бўлишини тавсия қилинади. Чунки, корхона капиталида узок муддатли

қарз маблағлари қанчалик катта салмоққа эга бўлиши молиявий ссудалар, қарзлар ажратишнинг таваккалчилик даражаси шунчалик юқори деб айтилади.

20-жадвал

**Корхона сармоясн тузилмасининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи	
			Абсолют (+,-)	Нисбий (%)
Активлар қиймати	947400	1015436	68036	7,18
Хусусий капитал	458400	525996	67596	14,75
Мажбуриятлар	489000	489440	440	0,09
Фоиз харажатлари	25125	24700	-425	-1,69
Даромад (фойда) солиғи	25830	26635	805	3,12
Соф (йиллик) фойда	81795	116543	34748	42,48
<b>Кoeffициентлар</b>				
Молиявий боғлиқлик коэффиценти	1,067	0,931	-0,136	-12,75
Мулкчилик коэффиценти	0,484	0,518	0,034	7,02
Кредиторларни ҳимояланганлик коэффиценти	5,284	6,797	+1,513	28,63

Биз таҳлил қилаётган корхонанинг молиявий боғлиқлик коэффиценти базис даври (1,067)га нисбатан ҳисобот даври (0,931) да сезиларли даражада - 12,75 %га камайган. Бунга корхона ҳисобот даврида қарз капитални камайтириш ва хусусий капитални ошириш эвазига эришган.

Корхона молиявий боғлиқлик даражасини яхшилаш эвазига у билан боғлиқ яна бир кўрсаткични - мулкчилик коэффиценти яхшилашга эришган. Агар базис даврида корхона мулки таркибида унинг хусусий капитали 48,4 % ташкил қилган бўлса, ҳисобот даврида унинг улуши 51,8 %гача кўпайган, яъни корхона мулк эгаларининг соф капитали миқдори ҳисобот даврида 3,4 пунктга ошган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткичнинг иложи борича катта - 60 % атрофида бўлишини юқори баҳолашадилар, чунки бундай нисбат барқарор молиявий тузилма ҳисобланиб, ишчанлик фаоллиги камайган вазиятларда катта зарар кўришдан ҳимоя ва кредит олиш учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Сармоялар тузилмасининг учинчи кўрсаткичи-кредиторларни ҳимояланганлик ёки фоизларни қоплаш коэффиценти бўлиб, кредиторлар томонидан корхонага берилган кредитлар учун фоизларни тўланмаслигидан ҳимояланиш даражасини ифодалайди. Бу кўрсаткичда иккита мақсадда фойдаланилади. Биринчидан-у солиқ ва фоизларни тўлашгача бўлган фойдани фоиз харажатларидан неча баробар катта эканлигини баҳолаш учун, иккинчидан-корхона томонидан ишлаб топилган фойдани қанча қисми

фоизларни тўлашга сарфланаётганлигини баҳолаш учун фойдаланилади.

Биз таҳлил қилаётган корхонада солиқ ва фоизларни тўлашгача бўлган фойда (таркиб: соф фойда + фойда солиғи + фоиз харажатлари) билан базис давридаги фоиз харажатларини қоплаш 5,284 баробарни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йилида 6,797 баробарни ташкил қилган, яъни фоизларни қоплаш даражаси 28,64 %га яхшиланган.

Молиявий коэффициентларни охириги гуруҳи-бозорга доир фаолик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун бир қатор қўшимча маълумотлар, хусусан акцияларни бозор баҳоси, эълон қилинган дивидендлар ва бошқалардан фойдаланиш зарур бўлганлиги сабабли биз уларни ҳисоб-китобига алоҳида тўхталиб ўтмадик.

## **Х. МИЖОЗ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ ЯКУНЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ**

Мижоз (корхона ёки ташкилот) фаолиятининг таҳлилида қуйидагилар яқунловчи босқич ҳисобланади:

- мижоз олинган қарзининг тўлаш даражасини аниқлаш;
- банк мижозлари олинган қарзининг тўлаш картотекасини тузиш;
- кредитлаш шартномаларини ишлаб чиқиш;
- кредит муносабатларини аниқлаш.

Қарз олувчи молиявий ҳолатига баҳо бериш учун унинг фаолиятини бажарувчи жуда кўплаб кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар хил бўлиши корхона молиявий ҳолатидаги ўзгаришларнинг барчасини илғаб олишда бир қатор мушкулликларни юзага чиқаради. Шу боис олинган маълумотларни бирлаштириш ва тизимлаштириш лозим. Бу вазифани ҳал этишда рейтинглашдан фойдаланилади. Корхонанинг молиявий ҳолатини аниқлаш учун балларда ифодаланган рейтинглаш, улар ўзгариш ишораси қийматини бирлаштирган ҳолда, тўпланган баллар ҳисобидан унинг мавқеига баҳо берилади.

**Баҳолашнинг рейтинг тизими, энг аввало, корхона кўрсаткичларини тизимлаш ва уларни гуруҳлаш бўйича таснифлаш нечоғли тўғри танлангани ҳамда асосланганини кўзда тутди. Бу гуруҳлар ссуда берган банк нуқтаи назаридан қарздор корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолашда ҳар бири аҳамиятига қараб мавқеи бўйича жойлаштирилади. Қисқа ва ўрта муддатли кредитлаш мижознинг қарзини қайтариш қобилияти ва молиявий барқарорлигини характер-ловчи кўрсаткичларга алоҳида эътибор берилади. Узоқ муддатли кредитлаш, лойиҳавий молиялаш ва ҳамкорликдаги фаолиятда корхона мол-мулки тузил-маси ва фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичлари аҳамиятга моликдир.**

Ушбу гуруҳларни мавқеи бўйича кўриб чиқиш якунлари қарз олувчининг ўз олдига қўйган вазифасига биноан амалга оширилади. Гуруҳлар бўйича кўрсаткичлар ҳам тутган мавқеи асосида кўриб чиқилади.

Иқтисодий асослашнинг кейинги босқичи олинган ҳар қандай ҳақиқий кўрсаткичларга баҳо беришдир. Ҳар бир гуруҳга киритилган кўрсаткич бўйича улар мавқеи асосида ёки ана шу кўрсаткичлар миқдорларининг энг юқори ёки энг қуйи чегараси асосида ҳамда улар эгаллаган аҳамиятига қараб синфларга бўлинади. Ҳақиқий эришилган даража билан якунлар бўйича танлаб олинган мўлжалдаги даража таққосланган ҳолда балл баҳоси берилади. Шундан сўнг

йириклашган гуруҳлар бўйича ички рейтинг қуйидаги формула бўйича чиқарилади:

$$B_{\text{урт}} = \frac{\sum b_i \cdot d_i}{\sum d_i}$$

бу ерда,  $B_{\text{урт}}$  – йириклашган гуруҳлар кўрсаткичлари бўйича ўртача балл;  $b_i$  –  $i$ -кўрсаткичнинг балл баҳоси;  $d_i$  – ушбу гуруҳдаги  $i$ -кўрсаткичнинг улуши (салмоғи).

Молиявий ҳолатнинг якуний балл баҳоси қуйидагича аниқланади:

$$B_{\text{умум}} = \frac{\sum B_{\text{урт}} \cdot d_i}{\sum d_i}$$

Тўпланган баллар умумий миқдорига қараб, қарз олувчи корxonанинг қайси синфга тааллуқлиги аниқланади. Барқарор молиявий ҳолатга эга бўлган қарз олувчилар юқори синфни ташкил этади. Буни умумий ва йириклашган гуруҳлар бўйича олган юқори рейтингга ҳам тасдиқлайди.

➤ **биринчи синфга** умумий молиявий ҳолати барқарор бўлсада, аммо айрим кўрсаткичлари бўйича меъёрда унчалик бўлмаса ҳам оғиш кузатилган корxonалар;

-ME > **иккинчи синфга** молиявий танглик аломатлари бўлиб, уни бартараф этиш учун етарли имкониятлари бор бўлганлар корхоналар;

> **учинчи синфга** ўрта хавф-хатар, ўзининг молиявий ҳолатини бирор бир жиддий қайта куриш, (хусусийлаштириш, кенгайтириш ва бошқалар) билан бартараф этишга қодир корхоналар;

> **тўртинчи синфга** молиявий ҳолати қониқарсиз бўлиб, уни ўнглаш учун ҳеч қандай истиқболи йўқ корхоналар киради.

Мисол тариқасида мижоз қарзини қайтара олиш қобилиятини баҳолашнинг бошқа тизимини (рейтинг баҳоси) келтириш мумкин.

Мижоз қарзини тўлаш имконияти синфини аниқлаш асосида кўрсаткичларнинг миқдорий даражаси ва уларнинг рейтинги туради. Мамлакатимиздаги айланма маблағларни ташкил этишнинг ўзига хослиги боис жаҳон амалиётида қўлланилаётган ликвидлик ва қоплаш коэффициентининг белгиланган даражасидан тўғридан тўғри фойдаланиш имконини бермайди.

Тижорат банклари иш бошлаш даврида мезон даражалари ўлчовининг яратишда бир хил корхоналар (битта тармоқ ёки тармоқ бўлинмаси)нинг ўртача миқдорларига таяниши мумкин. Ўртача миқдор даражасида бўлган коэффициентлар ва кўрсаткичлар қарз олувчини иккинчи, ўртача даражадан юқори бўлганларни-биринчи, ўртача даражадан паст бўлганларни-учинчи синфга киритишга асос бўлади.



Тизимдаги кўрсаткичнинг рейтинги ёки муҳимлиги бу-тижорат банки сиёсатига, миқдор хусусиятларига, баланс активларининг осон пулга айланишига, ссуда бозоридаги ҳолатига қараб алоҳида ҳар бир қарз олувчи учун аниқланади. Масалан, қисқа муддатли маблағлар катта салмоғи, ссудалар бўйича муддати ўтган қарзлар мавжудлиги, таъминотчиларга тўланмаган маблағлар корхоналарнинг пул маблағларни тезда ҳалос этиш қобилиятини баҳолайдиган ликвидлик коэффициент аҳамиятини оширади. Доимий захира-ларни кредитлашга банк маблағларни тортиш, ўз маблағлар миқдорини камайтириш, ўз маблағлар билан таъминланиш кўрсаткичининг рейтингини оширади.

Миқдорнинг тўлов қобилиятига умумий баҳо балларда берилади. Кредитни қайтариш бўйича синфини аниқлашда рейтинг бўйича жамланган баллар алоҳида белгиланади. 100–150 баллда биринчи синф, 151–250 гача баллда иккинчи синф, 251–300 баллда учинчи синф берилади. Бу даража коэффициент ва кўрсаткичларда ҳисобга олиниб, барча аҳамияти биринчи синфга, яъни баллар сони 100га тенг, иккинчи синфники 200 га, учинчи синфники 300 га тенгдир. Қарз олувчининг кредитни тўлаш қобилиятини синф бўйича белгилашни мисол ёрдамида кўрамиз, қайсики коэффициентлар даражаси қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

$$P_{\text{лик}} = 1\text{-синф}$$

$$П_{\text{пох}} = 2\text{-синф}$$

$$П_{\text{сос}} = 3\text{-синф}$$

Ушбу коэффициентлар аҳамияти банк томонидан қуйидагича аниқланади:

$$П_{\text{лик}} = 25\%, \quad П_{\text{пок}} = 30\%, \quad П_{\text{сос}} = 25\%$$

Умумий тўпланган баллар сони қуйидагича тақсимланади:

$$1\text{-синф} \cdot 25 = 25 \text{ балл}$$

$$2\text{-синф} \cdot 30 = 60 \text{ балл}$$

$$3\text{-синф} \cdot 25 = 75 \text{ балл}$$

$$\text{Жами} \quad 160 \text{ балл}$$

Шундан қилиб, мазкур корхона кредитни қайтариш қобилияти бўйича иккинчи синфга тааллуқлидир.

Тижорат банкида мижознинг кредитни қайтара олиш ва тўлов қобилияти картотекасини тузиш ҳамда кредит ва бошқа муносабатлар характерини аниқлаб олиш корхона фаолиятини таҳлил қилишнинг яқунловчи босқичидир.

Картотекада кредитни қайтара олиш қобилияти ҳамда бошқа қўшимча маълумотлардан келиб чиққан ҳолда синфга ажратиш бўйича якуний рейтинг белгилаб олинади. Асосий кўрсаткичлар бўйича синфга ажратиш умумий тамойиллари юқорида келтирилган. Коэффициент ёки пул оқими коэффициенти  $[(\text{умумий пул оқими}) : (\text{қарздорлик мажбуриятлари})]$  асосий кўрсаткичлардир:

Бу коэффициентлар, рейтинг каби узоқ давр мобайнида ўзгаришсиз қолиши керак. Кредитни тўлаш қобилиятининг молиявий коэффициенти, шунингдек корхонани умумий иқтисодий таҳлилда фойдаланиладиган ҳамда корхонанинг тўлов қобилиятини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар қўшимча кўрсаткичлар бўлиши мумкин.

Тижорат банкидаги миждоз кредит тўлови қобилиятининг намуна шакли 21-жадвалда келтирилган. Мисолда миждозларнинг умумий кредит тўлаш қобилияти қўшимча кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Мисолдаги учинчи миждоз кредит тўлаш қобилияти бўйича 1-синфга лойиқ. Аммо узоқ муддатли дебитор қарзлари (90 кун), таъминотчиларга ва бюджетга бўлган қарзларининг муҳлати ўтказиб юборилгани, менеждмент баҳосининг пастлиги миждознинг рейтингини камайтириб, уни 2-синфга тушириб қўяди.

Миждознинг кредитни тўлаш қобилияти карто-текаси-кредит, инвестиция ва бошқа хизматлар кўрсатувчи банкнинг миждоз билан муносабатининг асосий қурилмасидир. Биринчи синфга тааллуқли миждозлар банкдан имтиёзли қарз олиши мумкин. Аммо банк учун **контокоррент, овэдрафт**, кредит очиш йўли қатъий белгилаб қўйилган, шу боис айланма маблағларга (махсус ҳисоб бўйича) ссуда бериш турлари хавф-хатар туғдирмайди.

**Тижорат банки мижознинг кредит бўйича тўлов  
қобилияти картотекаси**

Мижознинг номи	Асосий кўрсаткичлар бўйича синфини белгилайдиган баллар	Қўшимча кўрсаткичлар				Қарз бўйича тўлов қобилияти синфи
		Дебитор қарзларининг айланиши, (кунларда)	Муддати ўтган қарзлар миқдори		Имкониятдаги 30 балдан менежмент баҳоси	
			Ссуа бўйича	Таъминотчиларга		
1	2	3	4	5	6	7
1	110 (1-синф)	15	-	-	35	1
2	110 (1-синф)	38	1% дан кам	-	23	1
3	125 (1-синф)	90	1 % дан кам	2 %га яқин	15	3
4	160 (2-синф)	70	1 % дан кам	-	20	2
5	165 (2-синф)	105	3 % га яқин	-	17	3
6	190 (2-синф)	50	6% га яқин	0,1 %дан кам	20	2

Мижознинг кредитни қайтара олиш қобилияти синфига қараб, кредит очиш (лимит) тури белгиланади, фоиз ставкалари тартиби ва ҳажми аниқланади, банк қарзини узишнинг бошқа манбалари (масалан, гаровга қўйиш ҳажми) келишиб олинади. Мижознинг кредитни қайтара олиш ва тўлов қобилиятини таҳлил қилиш якунига кредит шартномасида акс этган муайян кредитлаш шароитлари боғлиқ. Қадрсизланишнинг юқори суръатлари, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик пайтида кредитлаш муносабатларини ташкил этиш нафақат қарз олувчининг кредитни қайтара олиш қобилияти синфига қараб, балки ссуда бериш пайтида юзага келган хавфхатарни таҳлил қилиш асосида бўлади.

Мижознинг молиявий барқарорлигини таҳлил этиш чоғида, бозорни ўрганган ҳолда, қандай хизмат турлари, яъни пул қўйиш турлари, маслаҳат, ахборот бериш, инвестиция, воситачилик ва бошқа хизматларни таклиф этиш белгилаб олинади.

Кредитни қайтара олиш қобилияти ва пул оқими коэффициентини таҳлил этиш ишини ташкил этишнинг нозик томонларини белгилаш ва шу асосда кредит ажратиш шартлари аниқлаш имконини беради.

Кредит ажратиш муддатини белгиловчи муҳим омиллар сифатида кредит шартномасида қуйидагилар келтирилиши мумкин:

- захираларнинг айланувчанлиги ва дебитор қарзларни бир хил даражада сақлаб туриш;
- ликвидлик ва мустақиллик коэффициентини муайян даражага етказиш;
- ўз капиталининг ўсишини таъминлаш ва бошқалар.

IV  
 34X

UBA

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
I. Банк мижозлар фаолияти молиявий таҳ- лилининг услубий асослари .....	7
II. Банк мижозлари молиявий фаолияти тав- сифловчи кўрсаткичлар тизими.....	31
III. Мижознинг умумий ташкилий-иқтисодий таснифи.....	51
IV. Мижоз мулкининг ҳолати ва ундан са- марали фойдаланиш таҳлили.....	63
V. Молиявий натижалар ва улардан фойда- ланиш таҳлили.....	87
VI. Қарз олувчининг молиявий барқарорлиги таҳлили.....	112
VII. Мижознинг тўлов қобилияти ва тўлов- ҳисоб интизоми ҳолатини баҳолаш.....	122
VIII. Қарз олувчининг банк билан ўзаро кре- дит муносабатлари таҳлили.....	140
IX. Банк мижозлари фаолиятини молиявий коэффициентлар орқали баҳолаш.....	147
X. Мижоз фаолиятининг таҳлили якунларини умумлаштириш.....	164

**БАҲОДИР СОЛИЕВ, ҚИЁМИДДИН РУСТАМОВ,  
УЛУҒБЕК МУСТАҒОЕВ, СОДИРЖОН УСМОНОВ**

**БАНК МИЖОЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

**Тошкент — «Fan va texnologiya» — 2007**

Муҳаррир:	<b>М. Миркомиллов</b>
Тех. муҳаррир:	<b>А. Мойдинов</b>
Мусахҳиҳ	<b>М. Ҳайитова</b>
Компьютерда саҳифаловчи:	<b>А. Шахамедов</b>

**Босишга руҳсат этилди: 25.05.07. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
«PANDA Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида  
босилди. Шартли босма табоғи 11,5.  
Нашр табоғи 11,0. Адади 10000. Буюртма №120.**